

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари

И.И. Хувайтов, Р.Р. Тумпаров

Саҳифаловчи

Д.Х. Хамидуллаев

Муқова дизайни

С.В. Асямов

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган.

Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.
e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир хайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр.-ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Saydana-print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 3-уй.

Босишга рухсат этилди 25.12.2011.

Буюртма №

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИИВ АКАДЕМИЯСИНING

АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2011 йил, 4-сон

МУНДАРИЖА

2012 йил — Мустақкам оила йили

2012 год — Год семьи

Тургунов М. Т.

Авестода оила-никоҳ муносабатларининг мустақкамланиши.....3

Джавакова К.В.

Прочная семья — гарант стабильного развития.....7

Конституция — умуминсоний, миллий-маънавий ва ҳуқуқий қадриятлар тимсоли

Конституция — олицетворение общечеловеческих, национально-духовных и правовых ценностей

Одилқориев Х. Т.

Конституция - ҳуқуқий қадриятларимизни мустақкамлаш ва ифодалаш манбаи.....12

Раҳманов А. Р.

Конституционные правоотношения в звене механизма конституционного регулирования.....17

Исхаков С. А.

Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг қабул қилиниши ва уларнинг ҳуқуқий ҳамда маънавий-маърифий аҳамияти..... 22

Арифдўжанов Э. К.

Конституционное право на свободу совести.....26

Ҳуқуқий ислоҳотлар ва қонунчиликни такомиллаштириш

Правовые реформы и совершенствование законодательства

Исмоилов Н. Т.

Административно-правовые санкции: принцип справедливости и соразмерности взысканий.....33

Саҳаддинов С. М.

Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юриштининг ўзига хос жиҳатлари36

Тургунов И. Т.

Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни таъминлаш билан боғлиқ айрим масалалар.....39

Учредитель:

Академия МВД Республики Узбекистан

Редакционная коллегия

Ш.Т.Икрамов (главный редактор),
 М. Т. Тургунов (ответственный редактор),
 Х.Т.Адилкариев, И.Исмаилов, Ш.О.Мамадалиев,
 Ш.Р.Кабиллов, А.А.Пардиев,
 С.А.Раззаков, Н.Т.Исмоилов, Р.Р.Тумпаров

Редакторы номера

И. И. Хувайтов, Р. Р. Тумпаров

Верстка

Д. Х. Хамидуллаев

Дизайн обложки

С. В. Асямов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г.

Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568

Решением Президиума ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан от 29 апреля 2011 года №172/5 включен в список научных журналов

Адрес редакции:

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
 Тел.: 265-23-56, 265-23-52.
 e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в типографии ООО «Saydana-print». г. Ташкент, ул. Камарнисо, д. 3.

Подписано в печать 25.12.2011.

Заказ №

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2011.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш муаммолари**Проблемы обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью**

Исмаилов И., Бухаров Д.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқ-бузарликлар профилактикасида ота-оналар иштирокини ҳуқуқий таъминлаш.....42

Юлдашев М. Ш.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия сиёсати ва тизими.....47

Абдурахмонов И. О.

Хуфиёна иқтисодиёт: унинг юзага келиш шарт-шароитлари ва оқибатлари ҳақида.....50

Абдулҳақов Я.А.

Одам савдоси жиноятларига доир ишлар бўйича тергов вазиятлари.....53

Давлат ва ҳуқуқ тарихи**История государства и права**

Азизов Н. П.

Туркистонда миллий партияларнинг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари.....58

Мадиримов Х. Р.

Хива хонлигининг маҳаллий ҳокимият органлари тизими, тузилиши ва фаолият йўналишлари.....62

Хорижий тажриба**Зарубежный опыт**

Тулътеев И. Т., Ядгаров Ж. А.

Фуқаролик процессида ярашувни амалга ошириш: хориж тажрибаси ва миллий қонунчилик.....67

Корнев И. А.

Опыт продвинутых стран в борьбе с коррупцией.....72

Ёш олимлар минбари**Трибуна молодых учёных**

Адилқариева Ф.Х.

Демократик ислохотлар жараёнида Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий мақомининг такомиллаштирилиши.....80

Чутбаев М.Р.

Дастлабки терговда шахс ҳуқуқларини чеклаш масалаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ретроспектив таҳлили.....85

Таджиев А. А.

О некоторых вопросах уголовно-правовой борьбы с хулиганством.....91

Конференция ва семинарлар**Конференции и семинары**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли асарининг назарий ва амалий жиҳатлари» мавзудаги республика илмий-амалий конференцияси ҳақида ахборот.

«Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари» мавзуда давра суҳбати ҳақида ахборот.....96

М. Т. Турғунов*

АВЕСТОДА ОИЛА-НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ МУСТАҲҚАМЛАНИШИ

Ўзбек халқининг ўз олдига қўйган олий мақсад ва натижаларга эришишида оила каби муқаддас тузилманинг аҳамияти беқиёсдир. Оила жамиятнинг бирламчи, асосий бўғинидир. У жамиятда юксак нуфуз ва эътиборга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституциянинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, «бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади»¹.

Маълумки, оила, оила-никоҳ масалалари азал-азалдан ўзбек халқи ҳаётининг тараққиётининг бош омили бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Оила уруғчилик тузумининг шаклланишида асосий ўрин эгаллаган ва қадимданоқ ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий объектларидан бири ҳисобланади. У даврларда катта, ажралмаган оила кенг тарқалган. Қадимий патриалхал оилалар, асосан, бир неча авлоддан ташкил топган қариндошлар бирикмаси сифатида намоён бўлган. Оилаларда никоҳ тузиш, уни бекор қилиш, оила аъзолари ўртасидаги мулкӣ ва номулкӣ муносабатлар батартиб амалга оширилган.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар зардуштийлик ҳуқуқининг асосий объектларидан бири ҳисобланади. Зардуштийлик ҳуқуқ манбалари орасида оила ва никоҳ масалаларини тартибга солишда Авесто етакчи ўринни эгаллайди. Авесто Марказий Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқининг қадимги аجدодлари оилаларида, милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида мавжуд бўлган оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солган илк ёзма манба бўлганлиги билан ҳам қадрлидир. Зардуштийлик ҳуқуқий тизимининг асосий манбаи сифатида Авесто асосий эътиборни никоҳ тузиш зарурати, бола ҳуқуқларининг ҳимояси, никоҳни бекор қилиш шарт-шароитлари, эр-хотин ўртасидаги мулкӣ муносабат ва ҳоказоларга қаратган.

Авесто жамиятида оила пастлашиб борувчи ва ён чизиқлар бўйича кенг қариндошлик алоқаларидаги одамлардан иборат бўлган, оилавий мол-мулки, истеъмол ва ишлаб чиқариш умумийлигига, умумий аждоддан келиб чиққанлик билан характерланади². «Авесто» оилага жамиятнинг асосий бўғини сифатида катта аҳамият берган, жамият мавжудлиги ва фаровонлиги, ижтимоий алоқаларнинг мустаҳкамланиши, ёмонликка қарши кураш, инсон наслининг давом этиши, Авесто жамиятининг яшовчанлиги, динининг ворисийлиги ва тарқалиши унинг мустаҳкамлигига боғлиқ бўлган.

Жамиятнинг энг муҳим ҳужайраси ҳисобланган оила никоҳдан бошланади. Оила қанча соғлом, тўқ ва мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча соғлом, тинч ва фаровон ривожланади. Шунинг учун никоҳ ибтидоий жамият давридан бошлаб махсус урф-одат орқали оиланинг бардам ва мустаҳкам бўлишига қаратилган жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлигининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар номзоди.

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза / Халқ сўзи. — 2011. — 8 дек.

² Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. — Т., 2001. — Б. 228—229.

одат, кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштирилган ҳуқуқий институтлардан биридир. Шунинг учун Авестода никоҳ — Олий Тангри Аҳура Маздага хуш келувчи иш, никоҳсизлик - гуноҳ, ёмонлик деб ҳисобланган.

«Авесто» бўйича никоҳ тузилиши маълум маросимларда амалга оширилган бўлиб, унда ёшларга маслаҳатлар ҳамда уларнинг биргаликдаги ҳаётида бир-бирларига ёрдам кўрсатиши ҳақида дуолар қилинган, ҳозиргача ҳам зардуштийлик издошлари томонидан уларга риоя этиб келинмоқда. Бугунги «Авесто»нинг муҳим жузъи бўлган Яснанинг 53 ҳоти, 3—5-бандлари никоҳ зарурати ва унинг аҳамияти масалаларига бағишланган: «Эй, Пуручиста, Хачтаспий, Сипийтмоний! — Эй, Зардуштнинг болиға қизи! Мазда Эзгу ният ва Ашах - Ҳақиқатга қаттиқ ишонган зотни сенга тирикликнинг йўлдоши айлайди. Шундай экан, ўз ақлинг ва идрокингдан савол айла, Сипандормаз мадади ила хушёрлигингни зиёда қил!»¹.

Мазкур сўзларни Зардушт ўзининг кенжа қизи Пуручистани Гершаспнинг вазири ва маслаҳатчиси Жомоспага никоҳлаётганда айтган. Бу сўзларнинг ҳуқуқий аҳамияти шундаки, зардуштийликда йўлбошчи, раҳнамо ёки пайгамбарларнинг хатти-ҳаракатлари, сукут сақлашлари, у хоҳ маъқуллаш ҳолатида ёки хоҳ инкор этувчи хатти-ҳаракатлардан иборат бўлсин, улар ўз-ўзидан ҳуқуқий хатти-ҳаракат деб тан олинган.

Зардушт қизининг тўйида нутқ сўзлар экан, никоҳни оилавий муносабатларнинг муҳим элементи сифатида маъқуллабгина қолмай, балки никоҳ тузишнинг бошқа қонун-қоидаларини ҳам ўрнатади. «Ҳамкорлар ва қон-қариндошларга падарлик ва сарварлик мушарраф бўлган бу зотни шубҳасиз интихоб қилдим ва унга муҳаббатимни боғлайдирман. Шоядки, тирикликда Эзгу ният ёғдуси менга ўз нурларини таратса ва ашаванлар орасида ашаван аёл бўлсам ва Аҳура Мазда энг буюк дин таълимотини менга муяссар айласа»². Яснанинг 53 ҳоти 4-бандидаги мазкур иборалар Зардуштнинг қизи Пуручистага тегишли бўлиб, у ўз хатти-ҳаракатлари билан зардуштийлик динига аслзодаларни ҳам киришига замин яратган.

«Мен бу сўзларим билан куёв танламоқчи бўлган болиға қизларга ва сиз икки танга ҳам насиҳат қиламан»³. Бундан кўриниб турибдики, бу ўринда Зардушт Пуручиста ва Жомоспагина эмас, балки балоғат ёшига етган барча йигит-қизларга хитоб қилмоқда. «Менинг ўғитларимга қулоқ солинлар ва уни ҳақиқатда хотирангизга жо қилинг ва ўз динларингизни топингларида, уни амалда жорий этинглари. Ҳар бирингизга лозимдирки, Эзгу ният нурлари остида ашах ҳақиқат йўлида талашингиз ва олдинги сафларда юришга ҳаракат қилингиз. Шубҳасиз, бу Унинг энг яхши мукофотидир»⁴. Зардушт никоҳни қайд қилганидан сўнг ёшларга панд-насиҳат этиб, эзгу амалларни бажаришга чорлайди. Бошқа эзгу амаллар қатори никоҳдан ўтиш ҳам эзгу амаллардан бири ҳисобланади.

Зардушт яна бўлғуси келин-куёвларга қуйидагича мурожаат қилади: «Энди мен сизларга шахсан мурожаат этаман: пандимга қулоқ солинг ва айтганларимни хотирангизга муҳрлаб олинг. Ҳалоллик билан кун кечириш йўлида ғайрат ва шижоатли бўлинг. Ҳар бирингиз яхши хулқингиз билан бир-бирингизга меҳр қўйинг, токим муқаддас эр-хотинликни хурсандлик ва хушбахтлик билан ўтказинг». Зардуштийларда никоҳ бир умрга муҳрланган, бир эркакка икки никоҳ ёки вақтинча никоҳ раво бўлган эмас. Эру хотиннинг бир-бирига хиёнати қаттиқ лаънатланган, бегона эркак билан жуфтлашган аёл бадном қилиниб, жазоланган ва никоҳдаги эри учун «ҳаром» ҳисобланган⁵.

¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. — Т., 2001. — Б. 31.

² Ўша жойда.

³ Кўрсатилган асар. — Б. 32.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ҳомидов Ҳомиджон. «Авесто» файзлари / илмий муҳаррир: Н. Комилов. — Т., 2001. — Б. 58.

«Авесто»да никоҳ тузишда томонлар илгаридан шартлашиб олишган. «Авесто»нинг вандидод қисми тўртинчи фаргард иккинчи қисми қирқ тўртинчи бандида қуйидагиларни ўқиймиз: «Икки киши, хоҳ диндош, хоҳ биродар, хоҳ дўст бир-бирови билан нима хусусидадир паймон боғласалар - бирови иккинчисининг хонадонидан ўзига хотин танласа, ёхуд билим олмоқликни истаса, сўзсиз унинг талаби қондирилмоғи ва хоҳлаган нарсаси берилмоғи лозим»¹.

Авестонинг алоҳида яшларида Аҳурамазда ёки Зардуштнинг келин-куёвларга даъвати, муружаатлари келтирилган. Аҳурамазда дейди: «Эй Спитамон Зардушт! Мен оилали эркакларни оиласиз мардлардан кўра муҳтарам тутаман. Кимда ким балоғат ёшига етган йигитнинг уйланишига моддий ёрдам берса, унга бу дунё-ю, у дунёда савоб ёғдираман», "уйланиш, оила қурмоқчи бўлган ҳар бир кишига йўл кўрсатмоқ ва моддий ёрдам бермоқ ҳам мазҳабларнинг вазифасидир». Зардушт дейди: «Эй оила қураётган йигит-қизлар, сизларни огоҳлантириб шуни айтмоқчиманки, ҳар бирингиз покиза яхши хулқ ва яхши хатти-ҳаракат билан ўз ҳаётигизнинг хуррам ва саодатли ўтишига эришинг! Шуниси характерлики, Зардуштийлар одатича қиз балоғатга етгач, уни турмушга бериш ота-она измида бўлса ҳам, қизнинг розилиги албатта сўралган ва у билан ҳисоблашилган»².

Зардуштийлик фақат ҳақиқатгўйлар — Аҳура Мазда издошлари ўртасидаги никоҳларни ёқлаган, ўзга диндагилар билан никоҳларни қатъиян тақиқлаган. Очикдан-очик тақиқлар «Вандидод»да мавжуд, ундаги кўрсатмаларга мувофиқ, тўғрилиқ уруғини нотўғрилиқ уруғи билан аралаштирган, девларни кадрловчининг уруғини маздапарстлар уруғи билан, девни у бўлмаган уруғ билан аралаштирувчи киши «Аҳура Маздани қаттиқ ранжитиши ҳамда хафа бўлишига олиб келган. Бундай одамлар «Вандидод»да илонлардан хавфли, бўрилардан кўрқинчли ва ҳоказо деб талқин этилади.

Бизнинг назаримизда, баъзи таржимонлар томонидан «қариндошлар ўртасидаги никоҳ», «уруғдошлар никоҳи» деб нотўғри таржима қилинган ва шу боис тадқиқотчиларга «Авесто» қон қўшилишига йўл қўяди, деб ҳисоблашга сабабчи бўлган.

«Авесто»да никоҳ ёши балоғат ёши билан тенглаштирилган, яъни ўн беш ёш қилиб белгиланган. «Авесто»нинг Тийр Яшт, олтинчи бўлимининг 13-15-бандлари³, Вандидод қисмининг ўн саккизинчи фаргарди учинчи бўлими 54-57-бандлари⁴ ва Вандидод қисмининг ўн бешинчи фаргарди, учинчи бўлими, 15-банди⁵ балоғат ёши ва никоҳ ёши муаммоларига бағишланган. Вояга етганлик ва динни қабул қилганликнинг рамзи деб «кусма» белбоғи саналган, у конфирмациядан, яъни синовдан ўтаётганлар белига боғланган⁶. Шундай қилиб, фақат ўн беш ёшга тўлгандан кейингина ўспиринлар 72 хил рангли иплардан тўқилган белбоғ билан белларини ўраш ва ўзларини яхшилиқ йўлига бахшида этиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Ўн беш ёшдан сўнг маздапарастларнинг махсус белбоғини боғлаб, судра либосини киймаган ҳолатида уч одим ташлаган одам саравушу — чарана қамчиси билан 30 марта саваланади. Тўртинчи одими девлар измида бўлади, яъни девлар унинг тил ва миясини чалғитиб ташлайди, шундан сўнг у бутун қудрат билан ташлаган одими туфайли Сипанд-мийну оламини вайрон қилмоқни бошлайди, жодугарлар ва гумроҳлар каби тирикликни барбод этади⁷.

¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. — Т., 2001. — Б. 121.

² Ҳомидов Ҳомиджон. «Авесто» файзлари / илмий муҳаррир: Н. Комилов. — Т., 2001. — Б. 59.

³ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. — Т., 2001. — Б. 235.

⁴ Кўрсатилган асар. — Б. 164.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. — Т., 2001. — Б. 230.

⁷ Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. — Т., 2001. — Б. 164.

Шундай қилиб, «Авесто» ва зардуштийлик ҳуқуқининг бошқа манбалари никоҳ ёшени 15 ёш деб ҳисоблайди. Лекин бу 15 ёшдан кейин никоҳ тузиш мумкин эмаслигини билдирмайди. Умуман олганда зардуштий оилаларда никоҳ тузиш турли ёшда амалга оширилган. Масалан, Зардуштнинг ўзи 20 ёшда никоҳга кирган. Никоҳ ёшени 15 ёш доирасида белгиланганлиги фақат 15 ёшда никоҳга кириш шартлигини билдирмайди чунки 15 ёшга тўлган барча йигит-қизларни бир вақтда никоҳдан ўтказишнинг иложи йўқлигини ҳаётнинг ўзи ҳам тасдиқлайди.

Зардуштийликда кўп хотинлик қатъий ман этилган. Айни пайтда ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга етган қиз бола ота-она, жамоанинг раъйини писанд қилмай, ўздан зурриёт қолдиришни истамай, қасдан турмушга чиқмай умргузаронлик қилиб юрса, у қопга солиниб, 25 дарра уриш билан жазоланган. Йигитнинг зурриёт қолдириш лаёқати бўла туриб, атайлаб уйланмай юрса, уни бадном қилиш мақсадида ҳар доим темир камар боғлаб юришга мажбур этилган. Ўз вақтида жуфти ҳалол танлай олмай ёки бошқа жисмоний сабабларга кўра турмуш қурмай, ёшлари ўтиб қолган аёллар додгустир (қози) фатвоси билан Оташқада ва унинг қарамоғидаги китобхона, дармонгоҳ ва сиҳатгоҳ ҳамда хужраларда хизмат қилишган.

Бундан ташқари «Авесто»да оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ тутиш хусусида ҳам диққатга молик мулоҳазалар мавжуд: «Эй мардум, ўзгаларнинг яхши маслаҳатларига қулоқ тутиш ва уларга равшан андиша билан қаранг. Яхши билан ёмонни фарқлашга диққат қилинг, ҳар бир эркак ва аёл фурсатни бой бермай ўзи тўғри йўлни танласин, токи ҳаёти пок ва хирадманд ёр билан ўтадиган бўлсин»¹.

Кўпгина тадқиқотчилар зардуштийликда эр-хотинни ажрашишлари жуда камдан кам содир бўлган деб ҳисоблайдилар. Агарда эр-хотин юқорида келтирилган никоҳни бекор қилинишига асос бўладиган ҳолатларда ажралишмасалар, уларга *margarzan* жазоси — яъни ўлим жазоси берилган². Юқоридаги таҳлиллардан зардуштийлик ҳуқуқи нормалари ўзининг либераллиги, эркинликка йўл очиб беришига қарамай оилани сақлаб қолиш, оилавий-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш тарафдори бўлган, деган фикрга келиш мумкин.

Шундай қилиб, жамиятдаги ижтимоий-маданий ўзгаришлар миллат ва жамиятни қайта тиклаш, янги оила ташкил қилишнинг энг муҳими ҳисобланган никоҳда ёрқин ўз ифодасини топади. Никоҳ институти нафақат Марказий Осиёда, балки ўзбекларнинг айрим этник гуруҳлари орасида ҳам бироз фарқ қилиб, ўзига хос хусусиятга эга. Фикримизча, никоҳ институти авесто жамиятида умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ўзига хос ҳуқуқий институт бўлиб, унда барча элатлар учун зарур қонун-қоидалар ўз ифодасини топган.

Демак, Авестода келтирилган битиклар халқимизнинг қадим ўтмишида оила, оила-никоҳ муносабатларининг юксак қадрият сифатида улуғланганлигидан далолат беради ва зардуштийликнинг бу муқаддас китоби ҳозирги кунда ҳам оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришда қимматли тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

¹ Ҳомидов Ҳомиджон. «Авесто» файллари / илмий муҳаррир: Н. Комилов. — Т., 2001. — Б. 60.

² Кўрсатилган асар. — Б. 80.

ПРОЧНАЯ СЕМЬЯ — ГАРАНТ СТАБИЛЬНОГО РАЗВИТИЯ

Семья — это очаг, обеспечивающий вечность жизни, преемственность поколений, охраняющий наши священные обычаи, традиции, вместе с тем очаг воспитания, непосредственно влияющий на то, какими людьми станут будущие поколения.

И. А. Каримов

В Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране, объявленной Президентом Республики Узбекистан И. А. Каримовым на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, были определены основные направления стратегического развития нашего общества для вхождения в число современных развитых, демократических государств и обеспечения народу достойных условий жизни и достойного места в мировом сообществе.

В данном контексте особое значение приобретают вопросы дальнейшего укрепления института семьи и повышения качества проводимой в этом направлении работы. Учитывая важность и значимость именно этих вопросов, по инициативе Президента И. А. Каримова наступающий 2012 год объявлен Годом семьи. Выступая с докладом на торжественном собрании, посвященном 19-летию Конституции Республики Узбекистан, глава государства отметил, что для нашего народа семья, ее ценности всегда носили священный характер, семья всегда оставалась основным звеном нашего общества. И. А. Каримов подчеркнул, что здоровая семья — это прежде всего здоровое общество, а значит — сильная и стабильная страна¹.

Семья является главной жизненной ценностью и важнейшим фактором воспитания гармонично развитого поколения. За годы независимости в нашем обществе сложилась добрая традиция поддерживать и защищать семью как уникальный общественный институт. На государственном уровне поставлена задача воспитания в семье полноценного, здорового и интеллектуально развитого поколения. И это понятно. Ведь благополучие каждой семьи является основой стабильности и прогресса общества, фундаментом культуры и духовности. Именно в семье наследуются добрые традиции и ценности, формируется новое поколение и образ его жизни.

В большинстве семей Узбекистана царят такие передаваемые из поколения в поколение качества, как уважение к старшим, верность данному слову, умение достойно вести себя в обществе, скромность и трудолюбие, забота о подрастающем поколении, гостеприимство. Родители, дедушки и бабушки не только воспитывают подрастающее поколение, но и выступают в качестве источника традиций. Благотворное влияние родителей на детей происходит довольно долго — вплоть до зрелого возраста: если в детстве приучают ребенка

* И.о. профессора кафедры политологии и философии Академии МВД Республики Узбекистан, доктор философских наук.

¹ См.: Каримов И.А. Наш путь — углубление демократических реформ и последовательное продолжение модернизации страны: Доклад на торжественном собрании, посвященном 19-летию Конституции Республики Узбекистан // Народное слово. — 2011. — 13 дек.

к трудолюбию, честности и вежливости, то в дальнейшем — помогают ему советом, т.е. духовное общение родителей и детей не прекращается в течение всей жизни.

Заметим, что культура поведения, сформированная в семье, не только обеспечивает определенный уровень общения в коллективе, но и при соответствующей направленности воспитания порождает у человека устойчивую потребность реализовать максимум заложенных в нем положительных задатков. Следовательно, воспитание здорового, всесторонне развитого поколения — это многолетний безвозмездный родительский вклад в общественное производство, составляющее весомую часть национального богатства нашего общества.

Важно отметить, что нравственная зрелость личности находится в непосредственной зависимости от зрелости общественных отношений, определяемой не только уровнем экономической зрелости, но и осознанием личностью внутренней связи с интересами общества. Справедливо выражение, что «общество — это масса, состоящая сплошь из индивидуальных семей, как бы его молекул». Можно понять, что означает клетка, молекула в человеческом организме. Здоровье «на клеточном уровне» обеспечивает устойчивость всей системы, болезнь клетки, ячейки жизни может оказаться губительной, при том, что руки, ноги, голова — все вроде бы цело. Общественное развитие, социальный прогресс во многом зависит от процессов, происходящих за дверями частных квартир. Да и как может быть иначе, если здесь создается самая важная на свете «продукция» — сам человек, творец и потребитель всех материальных и духовных ценностей, которыми сильно и богато общество.

Человек испытывает воздействие семьи со дня рождения до конца своей жизни. Семейные традиции, ценности, уклад формируют основу характера ребенка. Являясь для ребенка микромоделью общества, семья оказывается важнейшим фактором в выработке системы социальных установок и формирования жизненных планов. Общественные правила впервые осознаются в семье, культурные ценности общества потребляются через семью, познание других людей начинается с семьи. Диапазон воздействия семьи на воспитание детей столь же широк, как и диапазон общественного воздействия. Таким образом, через семейную жизненную школу дети постигают и ощущают требования общества.

Почему именно в семье закладываются основы нравственного опыта ребенка — его представления о добре и зле, честном и бесчестном, хорошем и плохом? Да потому что за всю свою историю человечество так и не создало лучшего института воспитания. Специальные исследования психологов и педагогов убедительно доказывают, что ни одно, пусть даже самое лучшее воспитательное учреждение, никогда не сможет дать того, что дает нормальная семейная атмосфера, общение ребенка с отцом и матерью. Дети, выросшие в этих учреждениях, неизбежно отстают по всем показателям от сверстников, живущих и растущих в полноценной семье. Они значительно труднее находят свое место в жизни и «вписываются» в общество.

Современная узбекистанская семья состоит из мужа, жены и, в среднем, двух-трех детей. Ежегодно в республике заключаются сотни тысяч браков. Сегодня в стране насчитывается 7,5 миллионов семей. Следует отметить, что за годы независимости в Узбекистане значительно повысился брачный возраст лиц, вступающих в брак. Это объясняется тем, что молодые люди стремятся перед вступлением в брак получить образование, профессию, найти работу, которая обеспечит благополучие будущей семьи. Ведь образование для мужчины — это материальная обеспеченность семьи, а для женщины — воспитание образованных и гармонично развитых детей.

Женщина — стержень и сердце семьи. Если женщина физически здорова, духовно богата, с высокими морально-нравственными принципами, то и семья будет жить в мире и согласии, сохраняя свои жизненные устои и традиции. А это в свою очередь влияет на

мир и стабильность в обществе. Не случайно Президент И.А.Каримов подчеркивает, что «нам всем необходимо твердо усвоить, что помощь семье — это помощь нашим женщинам, несущим на себе основные заботы о семье»¹. Уже с первых дней независимости в стране ведется огромная работа по правовой, экономической и социальной защите материнства и детства, созданию условий для всестороннего, гармоничного развития и воспитания детей и подростков в духе общечеловеческих ценностей.

Известно, что около 52 % населения Узбекистана составляют женщины². В стране создан национальный механизм улучшения положения женщин на законодательном уровне, в результате чего обеспечивается представительство женщин во всех ветвях власти³. Одной из первых в СНГ наша страна ратифицировала Конвенцию ООН «О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин». Большое значение в Узбекистане придается вопросам гендерного равенства — одинаковой защищенности мужчин и женщин. Эта проблема довольно остро стоит сегодня во всем мире. В нашем государстве создано необходимое правовое поле для ее решения.

Права женщин защищает Конституция Республики Узбекистан. Одним из основополагающих конституционных принципов является равенство прав женщины и мужчины (ст.46). Равенство прав женщин и мужчин закреплено не только на уровне Основного закона, но и в Семейном, Трудовом, Гражданском, Гражданско-процессуальном, Уголовном, Уголовно-процессуальном и других кодексах.

Так, Семейный кодекс, вступивший в силу 1 сентября 1998 г., регулирует брачно-семейные отношения. В сравнении с ранее действовавшим Кодексом о браке и семье, в него внесен ряд новых положений — это брачный договор, которым определяется правовой режим имущества; предоставление супругам права самим определять условия оплаты алиментов на детей; предоставление супругам права заключать соглашения о взаимном материальном содержании. Эти новшества направлены на достижение гендерного равенства, так как предоставляют супругам равные права независимо от пола.

Гражданское право провозглашает для женщины равное с мужчиной право заключать сделки, заниматься предпринимательской деятельностью, отстаивать свои авторские и наследственные права и т.д. (ст. ст. 17, 18). Не ограничена женщина в своих правах и в сфере семейной жизни — на создание семьи, воспитание детей, заключение брачного контракта на любой стадии семейной жизни и многое другое (ст. 2, 3 Семейного кодекса Республики Узбекистан).

В Узбекистане забота о здоровом и счастливом материнстве и детстве возведена в ранг государственной политики. В целях формирования здоровой семьи в Узбекистане введена система обязательного добрачного медицинского освидетельствования лиц, вступающих в брак (ст. 17 Семейного кодекса Республики Узбекистан). Это способствует укреплению генофонда нации, повышению продолжительности и качества жизни граждан страны.

В ноябре 2011 г. в Ташкенте состоялся международный симпозиум по охране здоровья матери и ребенка, который проходил под девизом «Здоровая мать — здоровый ребенок». Авторитетнейшие ученые, светила медицины из разных стран приехали в Ташкент и высоко оценили внимание, которое уделяется в Узбекистане укреплению семьи, устойчивости и крепости семейных уз. Это позитивно сказывается на становлении здоровой семьи, здоровой обстановке в семье, а значит и на воспитании детей.

¹ Там же.

² См.: Женщина и современность // Правда Востока. — 2004. — 17 июля.

³ См.: Женщина и общество / Сост. Н. Захидова. — Т., 2006. — С.8.

Общественная ценность семьи в Узбекистане все более определяется ее ролью в становлении и развитии личности. Общество объективно заинтересовано в укреплении брачно-семейных отношений не за счет внешнего давления на семью правовых и других запретов, ограничения свободы заключения и расторжения браков и т.д., а за счет роста ее внутренней сплоченности, повышения прочности эмоциональных уз, связывающих супругов, родителей и детей, усиления супружеской и родительской ответственности и взаимопонимания. В этой связи в республике целенаправленно реализуются комплексные меры по усилению социальной поддержки семей.

Оказание материальной и моральной поддержки молодым семьям предполагается и в дальнейшем. За прошедшие годы были реализованы такие решения, как строительство современного жилья по типовым проектам в сельской местности, создания благоприятных условий для финансовой поддержки молодых семей в плане предоставления банковских кредитов, направляемых на приобретение жилья, бытовой техники, мебели, всего, что необходимо в домашнем быту. К примеру, Государственно-акционерный коммерческий банк «Асака» на 1 октября 2011 г. выдал ипотечные кредиты на общую сумму 15,8 миллиарда сумов 328 молодым семьям, кроме того 2,2 миллиарда сумов было выделено на приобретение молодоженами бытовой техники, мебели и других товаров отечественного производства¹.

Существенное воздействие на формирование благоприятной духовно-нравственной атмосферы в семье оказывает уникальная общественная структура — махалля. Махалля не только объединяет жителей в своеобразную общину, где действуют свои обычаи, традиции, но и несет ответственность в решении социально-правовых и воспитательных проблем молодежи, оказывает поддержку и помощь молодым семьям. Когда семья здорова и крепка, в махалле будут мир и единство. Только тогда, когда крепка махалля, в государстве будут царить спокойствие и стабильность. Ибо благоденствие семьи — основа национального благоденствия². В махаллях создан институт консультанта схода граждан по вопросам религиозного просвещения и духовно-нравственного воспитания. Данная должность была введена Указом Президента Узбекистана от 25 мая 2004 г. «О дополнительных мерах по поддержке деятельности Комитета женщин». Основная задача консультантов — разработка и реализация мер, направленных на обеспечение в махаллях стабильности и благоприятной духовно-нравственной среды. Деятельность аксакалов и активистов, особенно консультантов по вопросам духовно-нравственного воспитания махаллинских сходов граждан способствует укреплению атмосферы согласия, взаимоуважения и взаимопонимания среди населения.

Все мы помним, что 1998 год у нас в стране был объявлен Годом семьи. Была разработана Государственная программа и осуществлен комплекс целенаправленных и адресных мероприятий по защите и поддержке семьи, прежде всего в социальном плане. Задачи, поставленные Президентом страны на предстоящий 2012 год, являются логическим продолжением комплекса мер, осуществление которых было начато еще в предыдущих годах, объявленных Годом женщин, Годом здорового поколения, Годом матери и ребенка, Годом здоровья, Годом доброты и милосердия, Годом благотворительства и медицинских работников, Годом молодежи, Годом гармонично развитого поколения. Все они направлены на дальнейшее усиление социальной защиты населения, укрепление в обществе атмосферы доброты, милосердия и взаимопонимания, мира и спокойствия, заботы о материнстве и детстве, защиты интересов семьи. По словам руководителя государства,

¹ См.: Народное слово. — 2011. — 10 дек.

² См.: Каримов И.А. Благоденствие семьи — благоденствие народа // По пути безопасности и стабильного развития. Т. 6. — Т., 1998. — С.383.

приоритетные направления, объявленные в предыдущие годы, будут продолжены и в этом и последующих годах. Ибо эти вопросы не ограничиваются одним или несколькими годами, они всегда будут находиться в центре внимания нашего государства и общества¹.

Особенность Государственной программы «Год семьи» на 2012 год заключается в том, что она будет разработана совместно с государственными органами, негосударственными и общественными организациями, благотворительными фондами. Таким образом, речь идет о совершенствовании общественных отношений, о совершенствовании взаимосвязи семьи с обществом и государством. В докладе Президента страны определены направления будущей Государственной программы «Год семьи», предусматривающие:

— внесение необходимых изменений и дополнений в действующие законодательные акты в целях развития и совершенствования института семьи в нашей стране, дальнейшее усиление внимания общества к данному вопросу;

— материальную и моральную поддержку молодой семьи, оказание ей необходимой помощи, предоставление льгот и преференций;

— дальнейшее усиление роли и повышение статуса института махалли в нашем обществе и повседневной жизни. Ни с чем не сравнимы роль и значение махалли в поддержке и становлении молодой семьи, предоставлении ей необходимого содействия и помощи;

— поддержку женщин, несущих на себе основные заботы о семье;

— решение задач дальнейшего укрепления практического взаимодействия института семьи со сферой образования и воспитания — будь то детский сад или школа, лицей, колледж или высшее образовательное учреждение.

Президент И. А. Каримов выразил уверенность, что в реализации поставленных целей и задач наряду с государственными структурами и органами власти также активно будут участвовать махалля, женские и молодежные организации, широкая общественность, весь народ.

Таким образом, семейная политика в Узбекистане — это деятельность государства, политических партий, общественных организаций, направленная на внедрение в жизнь той модели семьи с двумя родителями и несколькими здоровыми и умными детьми, которые отвечают потребностям как личности так и общества. Именно такая гуманистическая политика способствует укреплению семейного образа жизни. Конституция Республики Узбекистан гласит: «Семья является основной ячейкой общества и имеет право на защиту общества и государства». Действительно, ни одна нация, ни одно сколько-нибудь цивилизованное общество не обходилось без семьи. Обозримое будущее общества также не мыслится без семьи. Для каждого человека семья — начало начал. Понятие счастья почти каждый человек связывает прежде всего с семьей: счастлив тот, кто счастлив в своем доме.

Укрепление семьи, правильное решение ее проблем во многом может определить дальнейшее развитие Узбекистана, успешную передачу новым поколениям богатейшего духовного наследия народа, стабилизировать социальную структуру всего общества.

¹ См.: Каримов И. А. Здоровое поколение — будущее нашей страны // Наша высшая цель — независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. Т.8. — Т., 2000. — С. 93.

*Х. Т. Одилқориев**

КОНСТИТУЦИЯ - ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИФОДАЛАШ МАНБАИ

Конституция - халқимиз ижодининг дурдона маҳсули, у яратган энг «нодир асар», ҳаёт дарсини берувчи ноёб хикматлар китоби, ижтимоий турмушимиз мезонларининг мажмуи сифатида демократик тараққиёт йўлидан юксалиб бораётган жамиятимиз узра маёқ мисол нур сочаётган беназир ҳуқуқий қадриятдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзининг ижтимоий-юридик салоҳияти, мазмун-моҳиятига кўра юртимизда барпо этилаётган демократик давлатчиликнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворидир. Унда халқимизнинг олий иродаси, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги интилишлари, эзгу орзу-истаклари мужассам. Ҳозирги кунда Конституциямиз истиқлолнинг буюк неъмат сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига ўзининг илҳомбахш таъсирини ўтказиб келмоқда. У янги ўзбек давлатчилиги ҳамда адолатли фуқаролик жамияти қарор топишининг, ушбу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг, жамиятни модернизация қилишнинг қонуний замани бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Турмушимизда унинг бунёдкор кучи, ижтимоий муносабатларни батартиблаштирувчи, барқарорлаштирувчи таъсири кундан-кунга ортиб бормоқда. Шак-шубҳасиз, Асосий қонунимиз жамиятни бирлаштирувчи ҳамда баҳамжиҳат этувчи, кенг халқ оммасини ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантирувчи муҳим омил сифатида майдонга чиқмоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, Конституциямиз ҳаётимиз ривожига, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида кундан-кунга юксак аҳамият касб этиб бормоқда, маърифий тараққиёт талабларига тўлиқ жавоб бермоқда, энг муҳими, у истиқболни кўзлаб мукамал яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақил давлатимизнинг, ўзбек халқининг ҳаётини акс эттирувчи, унинг ўзига хос белгилари, хусусиятлари ҳамда адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдек энг эзгу мақсадларини ифода этувчи кўзгудир. Суверен Ўзбекистоннинг Конституцияси - инсон ва фуқаролар ҳуқуқларининг демократик хартияси бўлиб, ҳуқуқий ва инсонпарвар давлатни шакллантиришнинг стратегик дастуридир. У катта ижтимоий-сиёсий, юридик ва халқаро аҳамиятга эга ҳужжатдир.

Асосий қонунимиз замон билан ҳамнафас, энг эзгу миллий ва умуминсоний ғояларни ўзида ифода этган мўътабар қонундир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузасида таъкидлаганидек: «Юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциямизнинг мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётганини мамнуният билан эътироф этамиз. Биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваламбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

этиборининг тобора юксалиб бораётгани - буларнинг барчаси Конституциямизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди»¹.

Конституциямиз матни билан танишган ҳар қандай холис ниятли инсон Ўзбекистон буюк келажакка эришиш учун оқилона йўл танлаганлиги, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этмоқчи эканлигимизни англаб олади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий тизими асосларини акс эттиради. Шу билан бирга, у демократия ва адолат принципларини, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, маънавий қадриятларимизнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб берди².

Конституция ўзининг бутун салоҳияти, мазмун-моҳияти билан Ўзбекистон фуқаролари учун демократик маърифий давлат фуқаролари эга бўлиши лозим бўлган барча шахсий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларни кафолатлайди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, бу борада Бош қомусимиз «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг барча муҳим қоида ва принципларини ўзига тўла-тўқис сингдирган. Унда инсонни улуғлаш, унинг эркин раванқ топиши учун реал шарт-шароитлар яратиш мақсади ўз ифодасини топган. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди»³.

Конституциянинг таҳсинга молик ўта муҳим жиҳати шундаки, унинг барча қоидалари, бутун ички салоҳияти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилган. Шу боис, биз қураётган жамият мамлакатимиз халқи учун муносиб фаровон турмушни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари адолат мезонлари асосида кафолатланишини, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини, шахснинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаши шубҳасиздир. Ушбу қоидалар Конституциямиз қонунлаштириб қўйган улуг қадриятлардир. Зотан, ҳар қандай ижтимоий неъмат — қадриятнинг мезони, унинг инсон ва жамият манфаатлари ҳамда эҳтиёжларига хизмат қилиш даражаси билан белгиланади.

Халқимиз Бош қонунимизда тараннум этилган демократик қадриятлар ва илғор ғоялар орқали маърифий дунёни англаётган бўлса, дунё Конституциямиз орқали халқимизнинг табиати ва олижаноб фазилатларини англамоқда. Асосий қонунда ўзбекона одамийлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, адолат ва саховатпешалик хислатлари ҳуқуқий ифодасини топган. Қомусимиз муқаддимасидаёқ халқимизнинг демократия ва ижтимоий адолат ғояларига содиқлиги, муҳим мақсадлардан бири фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш эканлиги баён этилган. Конституциямиздаги «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади» (4-м.), деган фикрнинг ўзиёқ, чинакам саховат ва бағрикенгликнинг қонуний ифодасидир.

Бундан ташқари, қуйидаги қоидалар улкан маънавий-ахлоқий маъно касб этиши билан бетакрор қадриятлар сифатида намоён бўлади: «хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир» (46-м.), «оила жамият ва давлат муҳофазасидадир» (63-м.), «давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди» (64-м.), ва бошқалар. Аёлларнинг жамиятдаги, давлат ишлари ва оиладаги ролини юксалтириш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Оналарга, аёлларга самимий ҳурмат, болаларни дилдан севиш,

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилдир // Халқ сўзи. — 2010. — 8 дек.

² Қаранг: Абдусаломов М.Э. Эркин ва фаровон ҳаётнинг ҳуқуқий асоси // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномаси. — 2005. — № 12. — Б. 14—15.

³ Каримов И. А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир // Халқ сўзи. — 2011. — 8 дек.

етимларга мурувват, меҳр-шафқатлилик, оила мустаҳкамлиги учун ғамхўрлик, фарзандлар камоли ва соғлом ҳамда баркамол авлод учун курашиш ва бошқалар халқимизнинг саховатини, улугвор салоҳиятли табиатини намоён этувчи фазилатлар Конституция моддаларига сингиб кетиб, шу аснода конституциявий-ҳуқуқий қадриятларга айланди.

Халқимизнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, шаксиз, узоқ тарихий тараққиёт мобайнида шаклланди, сайқал топди. Уларнинг энг нодирлари Конституцияда ўз тасдиғига эга бўлди. Биргина лавҳани фикримиз далили сифатида келтирамиз. Шарқона ахлоқ-одобнинг дурдона мажмуаси бўлмиш «Қобуснома»да ҳеч бир кимса «ўзининг фойдаси учун ўзгаларга зиён етказмаслиги керак» деб таълим берилади. Айнан мана шу маънодаги қоида Асосий қонунимизнинг 20-моддасида қуйидагича мустаҳкамланган: «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт».

Ҳар бир конституция ўз мазмунида жамиятнинг, миллатнинг маънавий-маданий қадриятларини, тарихан шаклланган анъаналари, урф-одатлари ва характерини акс эттиради. Худди шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз табиатига хос барча маънавий-маданий қадриятлар ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган. Айни вақтда, Конституциянинг ўзи ўзбек миллий-ҳуқуқий маданиятининг маҳсули, унинг таркибий қисмидир. Бугунги кунда Конституциямиз халқимизнинг миллий-маданий қадрияти, гурури ва ифтихори тимсоли сифатида намоён бўлмоқда.

Шубҳасиз, халқ маънавий-маданий, сиёсий ва ҳуқуқий қадриятларнинг ижодкоридир. Конституция, унинг принцип ва қоидаларини ҳам ана шундай ижоднинг бевосита самараси дейиш тўғри бўлади. Бошқа маданий ва ҳуқуқий ижодиёт маҳсуллари қатори конституциявий нормалар ҳам шахснинг ўзлигини англаши, ўз салоҳияти ва қобилиятини рўёбга чиқариши, пировардида фаол индивид тарзида майдонга чиқиши ҳамда ижтимоийлашуви учун кўмаклашади.

Асосий қонунимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий қадр-қиммати қуйидаги юксак мезонларга тўла мувофиқлиги: *биринчидан*, унинг инсон ва жамият манфаатларига тўла бўйсундирилганлиги; *иккинчидан*, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш ва ривожлантириш манфаатларига самарали хизмат қила олиши; *учинчидан*, халқимизнинг асрий орзуларига, у қарор топтирган маданий-маънавий қадриятлар ва адолат идеалларига мувофиқлиги; *тўртинчидан*, конституциявий нормаларнинг катта маданий-тарбиявий салоҳиятга эгаллиги ва баркамол инсонни тарбиялашга тўла сафарбар этилганлиги; *бешинчидан*, халқимизнинг бой маънавий дунёсини, ички руҳияти, менталитетини акс эттира олганлиги, шунингдек унинг ўзига хос ахлоқий фазилатларини, миллийлигини ифода эта олганлиги; *олтинчидан*, ҳозирги маърифий дунёда қарор топган ахлоқий-маданий қадриятларни, умумбашарий инсоний меъёрларни халқимизнинг миллий маданияти ва маънавияти арконлари билан оқилона уйғунлаштира олганлиги билан тавсифланади.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар шахснинг ўз иқтидори ва истеъдодини намоён этишига шароит, яъни мўътадил *норматив-ҳуқуқий муҳит* яратади. Конституциявий нормалар ўз моҳиятига кўра миллий маданиятнинг ижтимоий-норматив шаклидир. Уларга қатъий риоя этиш нафақат мустаҳкам ҳуқуқий тартиботни, балки юксак маданиятни ифода этади.

Конституция мазмунида мужассамлашган ўзбек миллий маданияти ва маънавий-ҳуқуқий мероси узоқ асрлар қаърига бориб тақалади. У серқирра ва сержилолиги, бой мазмунга эгаллиги ҳамда халқчиллиги билан ажратиб туради. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

биринчидан, миллий давлатчилик тажрибаси, сиёсий ва ҳуқуқий-маданий мерос;

иккинчидан, маънавий-маданий, илмий-ҳуқуқий ва адабий мерос;

учинчидан, умуминсоний маданий қадриятларни сингдириш асосида қарор топган, шунингдек исломий қадриятлар таъсирида шаклланган фалсафий-ахлоқий мерос.

Конституция қонунчиликнинг ўзаги, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси ва ҳаёт булоғининг сарчашмасидир. Булоқнинг қадр-қиммати ҳаёт манбаи сувнинг тиниқ ва жўшқинлигига боғлиқ бўлганидек, давлатимизнинг нуфузи, мавжуд ҳуқуқий тизимнинг самарали фаолияти Конституциямизнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги самарали ҳаракатида ҳамда унинг халқимиз томонидан қадрланиши ва эъзозланишида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакат ҳуқуқий тизимининг, шу жумладан қонунчилигининг пойдевори, халқ иродасининг қонуний ифодаси, фуқаролар фаолиятининг юридик кафолати сифатида юксак ҳуқуқий қадрият саналади.

Конституциянинг ижтимоий кадр-қиммати, сиёсий-ҳуқуқий аҳамияти жумладан, қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, у давлатимиз мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб берди. Конституция мустақил давлатнинг моҳияти, асосий хусусиятлари, бугуни, эртаси ҳамда келажагини белгилаб берганлиги билан қадрлидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилишда ривожланган давлатлар конституцияшунослигининг илғор тажриба ва ютуқларидан кенг фойдаланилганлиги унинг жамиятдаги мавқеини юксалтириши баробарида сифат даражасини янада оширади. Бундан ташқари, Конституциямизни яратишда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига қатъий асосланган.

Учинчидан, Асосий қонун фуқароларимизнинг манфаатларини тўлиқ ифода этади. Инсоннинг юксак ҳуқуқий мақоми, шахсий, сиёсий ва мулкӣ эркинлиги мезонларини белгилаб, унинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини рағбатлантиради.

Тўртинчидан, Конституциямиз халқимизнинг табиати ва менталитетига хос тарзда яратилган. У ўзбек халқининг хусусиятлари, фазилатлари - иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, ибодат ва андиша, ор-номус, элига ва юртига садоқат, ватан-парварлик ҳамда миллий гуруҳ, ҳуқуқий онги ва маънавий-маданий қиёфаси билан боғлиқ қадриятлар ва ғояларни мужассамлаштирганлиги билан эътиборлидир.

Бешинчидан, Конституциянинг изчил ҳаётийлиги ва замон билан ҳамнафаслиги. Қомусимиз нафақат бугунги кун эҳтиёжларига тўлиқ жавоб беради, балки истиқболга йўналтирилган фаолиятимизга ҳам рағбат беради. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек бурчлари инсон, жамият ва давлат манфаатларига уйғун ҳолда оқилона ифодаланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган энг муҳим *конституциявий-ҳуқуқий қадриятларни* алоҳида санаб ўтиш ниҳоятда аҳамиятлидир. Асосий қонунимизда жуда кўплаб ҳуқуқий қадриятлар ўзининг олий юридик даражадаги тасдиғини топган. Конституция нафақат халқнинг ижтимоий онгида қарор топган маънавий-ахлоқий, маданий ва ижтимоий-сиёсий қадриятларни мустаҳкамлайди, балки тараққиёт тўлқинида туғиладиган янги воқеликлар, замонавий ғоя ва принципларни юридик тилда ифодалаб, ҳуқуқий қадрият сифатида муҳрлаб, халқ онгига сингдиради, уларни жамиятнинг ақлий-маънавий мулкига айлантиради.

Мустақиллик шарофати билан Конституциямиздан жой олган қуйидаги ҳуқуқий қадриятларга, ҳуқуқий неъмат даражасига кўтарилган тушунча ва воқеликларга эътибор қаратайлик: «*Ўзбекистон - суверен демократик республика*» (1-м.). Бу конституциявий ифода замирида қандай буюк маъно, халқимиз асрлар мобайнида курашиб қўлга киритган хурлик, эркинлик, республика бошқарув тартиби, демократик давлатчилик тантанаси, сиёсий курашлар маҳсули бўлган улғуф неъмат ётибди (!) «*Ўзбекистон халқининг мақсади - инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиши*» (Муқаддима); *Конституциявий тузум принциплари* (1—9-моддалар); «*Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади*» (2-м.); «*Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир*» (4-м.); «*Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир*» (7-м.); «*Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципага асосланади*» (11-м.); «*Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади*» (13-м. 2-қ.); «*Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади*» (14-м.); «*Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устулиги сўзсиз тан олинади*» (15-м. 1-қ.); «*Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдидан тенгдирлар*» (18-м. 1-қ.); «*Яшаши ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир*. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» (24-м.); «*Ҳар ким*

эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга» (25-м. 1-қ.); «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир» (29-м.); «Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга» (31-м.); Фуқароларнинг Конституцияда эътироф этилган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳар бири алоҳида, айна вақтда олий ҳуқуқий қадриятдир.

Халқимизнинг тарихан маънавий мулки ҳисобланган «маҳалла», «ҳокимлик», «оқсоқол» каби институтлар Конституция даражасида мустаҳкамланиб, ҳуқуқий қадрият мақомига эга бўлди. Шунингдек, ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий фазилатларини акс эттирувчи қадриятлар: бағрикенглик, инсонни улуғлаш, эркинликни қадрлаш, савоб ишаш, оилапарварлик кабилар ҳам ўзининг конституциявий ифодасини топди. Масалан, Асосий қонунимизнинг ушбу нормалари мазмунига эътибор қаратайлик: Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади (4-м.); Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади (13-м.). Конституциявий-ҳуқуқий мақом юксак ижтимоий қадрият даражасидаги ҳуқуқий воқелик бўлиб, шахснинг жамиятдаги, фуқаронинг давлатдаги нуфузли ўрнини, аҳамияти ва қадр-қимматини акс эттиради.

Конституцияни мислсиз ҳуқуқий қадрият сифатида асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини англаш, амалий фаолиятда унга оғишмай риоя қилиш, баён этилган ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш ва бурчларни виждонан бажариш, омма ўртасида кенг тарғиб қилиш, амалиётга тўла-тўқис татбиқ этиш, ёш авлодга улуг неъмат сифатида етказиш, у билан фахрланиш ҳар бир фуқаро учун шарафдир!

Конституциянинг муҳим ижтимоий-ҳуқуқий қадрият сифатида талқин этилиши унинг куйидаги хусусиятларида яққол намоён бўлади:

- Конституциянинг жамият ҳуқуқий тизимида устувор мавқега эгаллиги;
- конституциявий нормаларнинг бевосита амал қилиш имконияти мавжудлиги;
- инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари кафолатлаганлиги;
- жамият ва давлат ҳаёт-фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланганлиги;
- Конституция барча ҳуқуқ соҳалари шаклланиши, қарор топиши ва ривожланиши учун пойдевор эканлиги;
- Конституцияда давлат органлари тизими ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш тартиби белгиланганлиги;
- Конституция жамиятда ҳуқуқий тартибга солишнинг устувор йўналишлари ва принципларини белгилаши ҳамда жамият барқарорлигини таъминлаш омили эканлиги.

Мазкур эътирофлардан кўришиб турибдики, Конституциянинг ижтимоий ва ҳуқуқий қадрият сифатидаги мезонлари, таҳлили ва тавсифи бугунги кунда ниҳоятда долзарбдир. Конституция қоидалари воситасида ижтимоий онгимизга, ҳуқуқий тафаккуримизга замонавий демократик қадриятлар, принциплар ва ғоялар кириб келмоқда. Булар қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги, хусусий мулк ва унинг қонунан муҳофазаланганлиги, шахснинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги ҳамда айбсизлиги презумпцияси принципи ва бошқалар юридик дунёқарашимизнинг узвий қисмига айланди.

Шундай қилиб, суверен Ўзбекистоннинг Конституцияси инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг демократик хартияси, инсонпарвар, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг стратегик дастуридир. У улкан сиёсий, юридик ва халқаро аҳамиятга эга ҳужжатдир. Бугунги кунда Конституция жамиятимизга халқ манфатлари йўлида ислоҳотларни давом эттириш учун шарт-шароитни таъминловчи ҳуқуқий асослар яратди. У инсон ҳуқуқларини, барқарорликни ва ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечирини кафолатлаб, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига ишончли истиқболни белгилаб бермоқда.

КОНСТИТУЦИОННЫЕ ПРАВООТНОШЕНИЯ В ЗВЕНЕ МЕХАНИЗМА КОНСТИТУЦИОННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ

Конституционные правоотношения как одно из основных звеньев механизма конституционного регулирования отличаются значительными особенностями. Дело в том, что многоплановость нормативной основы конституционного регулирования обуславливает различные способы перевода конституционно-правового статуса органов государства, политических партий, общественных объединений, граждан и иных субъектов конституционного права, а также правовых указаний на образ их действия, содержащихся в конституционных предписаниях, в плоскость конкретных прав и обязанностей субъектов конституционно-правовых отношений.

Прежде всего, необходимо отметить, что правоотношения в традиционной форме, где между субъектами права в силу наступления юридического факта устанавливается конкретная индивидуализированная связь, не специфичны для реализации норм конституционного законодательства. Такое положение, как известно, объясняется попытками подойти к понятию правоотношения с более широких позиций. Дело в том, что общее учение о правоотношении сложилось на основе главным образом наук цивилистического цикла (гражданского, трудового и др.), что и определило облик правоотношения в правовой науке¹.

Между тем конкретные правоотношения, хотя и принадлежат к наиболее распространенным правоотношениям, они все же не отражают в полной мере специфику правоотношений, складывающихся в такой ведущей отрасли отечественного права, как конституционное право, и в некоторых других отраслях права. Действительно, реализация конституционных принципов, программно-целевых установлений и некоторых иных норм конституционного права не укладывается в рамки понятия правоотношения как правовой индивидуализированной связи между его участниками. Данное обстоятельство говорит о том, что объемное содержание и разнообразие функционального назначения конституционных идей, принципов, норм и иных установлений не позволяет сводить их реализацию только к конкретным правоотношениям. В этой связи в конституционно-правовой науке поиски выхода из создавшегося положения определились в двух основных направлениях:

- 1) разработки понятия общих правоотношений;
- 2) признания реализации большого массива норм права вне правоотношений.

Представляется, что конструкция общих правоотношений как формы юридических связей между государством и другими субъектами правоотношений в наибольшей мере соответствует характеру конституционного регулирования, своеобразным чертам данного вида правового воздействия на общественные отношения. Такая конструкция обогащает теорию правоотношений, так как опирается на общие закономерности правового регулирования, подчеркивая, что правоотношения — этим ключевым понятием правовой науки — охватываются все виды правового регулирования, в том числе и конституционного, которое занимает ведущее место в системе правовой регламентации общественных отношений.

В юридической литературе были высказаны достаточно убедительные доводы против реализации правовых норм вне правоотношений многими исследователями. Ведь юридические нормы реально проявляют свои регулирующие свойства лишь тогда, когда

* Заведующий кафедрой Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор.

¹ См.: Халфина Р. О. Общее учение о правоотношении. — М., 2004. — С.3.

они начинают «жить» в правоотношениях. Как видно, признание реализации большого массива норм конституционного права вне конституционных правоотношений допускает существование ряда конституционных прав и обязанностей самих по себе, вне всяких правоотношений. Тем самым правоотношения исключаются из важной сферы правового регулирования, и большая группа конституционных норм теряет свое реальное бытие, так как не воплощается в конкретных жизненных отношениях. Все это ведет, в свою очередь, к отрицанию регулирующего значения норм конституционного права.

Необходимо также отметить, что идея реализации конституционных норм вне правоотношений в определенной мере выводит их за юридическую область. Поэтому вряд ли правильной является позиция В.В. Лазарева, который отмечает, что конституционные нормы реализуются путем более многообразной, социальной, государственной деятельности, в том числе и посредством внеправовых методов¹. Конечно, конституционное регулирование оказывает на общественные отношения не только сугубо юридическое воздействие, но и широкое социальное, политическое, идеологическое, организационное и иное влияние. Однако, в плане возникновения субъективных прав и обязанностей, указания на конкретный образ действия, формирования правового статуса органов государства, политических партий, общественных объединений и других субъектов права, т.е. действия собственно юридических средств на динамику общественных отношений, конструкция реализации конституционных норм вне правоотношений вряд ли может быть отнесена к юридическим категориям.

В правовой литературе также высказывалась точка зрения о том, что издание предусмотренного нормами конституционного права закона выступает и способом ее реализации. При этом дальнейшая реализация конституционной нормы осуществляется в органическом сочетании с нормой (нормами) текущего законодательства. Так, Р.О. Халфина отмечала, что многие общественные отношения могут выступать только в виде правоотношений. Например, нормы, устанавливающие основополагающие начала правовой системы (к числу которых относятся, в первую очередь, конституционные нормы-принципы), реализуются не непосредственно в правоотношениях, а через акты, детализирующие эти принципиальные положения. Такого рода нормы-принципы создают предпосылки для реализации норм детализирующих актов в конкретных правоотношениях². Но такое решение проблемы вряд ли можно признать целесообразным, поскольку реализация конституционной нормы или принципа не сопряжена с изданием конкретизирующего правового акта.

Вопрос о непосредственном действии конституционных норм и принципов, которые находят свою реализацию, в частности, в рамках общих правоотношений (общих правовых связей между государством и тем или иным субъектом правоотношения) и существуют до реализации их в конкретных правоотношениях, можно решить на основе идеи общих правоотношений. Поэтому еще раз важно подчеркнуть, что реализация конституционных норм или принципов не может быть сопряжена с изданием конкретизирующего правового акта. На них могут ссылаться правоприменительные органы, суды, граждане и их объединения на основе возникновения такого рода правовой связанности, независимо от сроков издания детализирующего правового акта.

Все это позволяет сделать вывод о том, что правоотношения (общие и конкретные) являются обязательным компонентом и непременной стадией механизма конституционного регулирования. Таким образом, специфика механизма конституционного регулирования состоит в том, что конституционные предписания реализуются как в общих, так и в конкретных правоотношениях. Общие правоотношения занимают в механизме конституционного регулирования значительное место и могут рассматриваться как собственно конституционные. Реализация конституционных норм посредством конкретных правоотношений по существу не отличается от реализации отраслевых правовых норм.

¹ См.: Лазарев Л.В. Социальное действие Конституции // Теоретические вопросы реализации Российской Конституции. — М., 2002. — С.60-62.

² См.: Халфина Р.О. Общее учение о правоотношении. — М., 2004. — С.56-57.

Необходимо также отметить, что конституционное законодательство, помимо собственно конституционных норм, содержит конституционные принципы и другие установления, а также нормы, где нет четкого закрепления прав и обязанностей сторон. Реализация таких норм возможна также в форме общих правоотношений, но не по схеме «права-обязанности» сторон, а в виде состояния, выражающего статус конкретного органа государства, гражданина по отношению к другим государственным органам, гражданам, либо состояния данного вида общественных отношений или определенного их блока.

Вместе с тем необходимо отметить, что реализация конституционных норм-принципов, закрепляющих основы конституционного строя страны, с одной стороны, конституционных норм, устанавливающих правовое положение личности, ее права, свободы и обязанности — с другой, и, в-третьих, конституционных норм конкретно-регулирующего характера существенно отличается.

Таким образом, все виды конституционных норм реализуются либо в общих, либо в конкретных правоотношениях. При этом конституционные нормы, отличающиеся высоким уровнем нормативной обобщенности — конституционные принципы, программно-целевые установления и др. — реализуются через общие конституционные правоотношения. Эти правоотношения не являются однородными, поэтому в зависимости от характера реализуемых конституционных норм они могут быть подразделены на правоотношения, которыми:

- выражаются состояние основополагающих общественных отношений, имеющих объектом основы государственного и общественного устройства Республики Узбекистан (например, реализация норм, содержащихся в Разделе первом «Основные принципы» Конституции Республики Узбекистан);

- устанавливаются правовые связи между гражданами, государством и обществом (Раздел второй «Основные права, свободы и обязанности человека и гражданина», Раздел третий «Общество и личность» Конституции Республики Узбекистан);

- устанавливаются правовые связи между органами государства (Раздел пятый «Организация государственной власти» Конституции Республики Узбекистан).

Общие конституционные правоотношения второго вида конкретизируют складывающиеся на основе конституционных норм высокой нормативной обобщенности специфические связи субъектов конституционного права и проявляются в виде определенного порядка возникновения и существования общественных отношений. Субъектами конституционных правоотношений данного вида являются самые широкие социальные общности: народ, политические партии, общественные объединения, движения, фонды, а также государство и его органы, органы местного самоуправления.

Конституционно-правовая связь этих субъектов строится на началах, играющих роль императивов, адресуемых каждому из субъектов, участвующих в данных конституционных правоотношениях. И хотя полномочия субъектов общих правоотношений данного вида очерчены в самом общем виде (никто не может присваивать власть в Республике Узбекистан, каждый обязан соблюдать Конституцию и законодательство Республики Узбекистан, уважать права, свободы, честь и достоинство других лиц, каждый обязан уважать государственные символы республики, признаются неконституционными любые действия, способные нарушить межнациональное согласие и т.п.), они определяют меру должного поведения политических партий, общественных объединений, граждан, государственных органов и других субъектов конституционных правоотношений.

Таким образом, в общих конституционных правоотношениях типа «состояние» реализуются предписания Основного закона государства, которые устанавливают конкретный порядок общественных отношений, что, в свою очередь, определяет реальное состояние жизнедеятельности общества и государства, конституционно-правового взаимодействия субъектов права.

Подразделение общих правоотношений, возникающих на основе действия различных конституционных установлений, на определенные виды характеризует многообразие правовых отношений, связей и состояний, складывающихся под воздействием конституционных норм, подчеркивает специфику форм перевода нормативности конституционных

предписаний в упорядоченность общественных отношений, акцентирует внимание на их важном социально-политическом значении.

Вместе с тем очевидно, что проблема общих конституционных правоотношений нуждается в дальнейшей теоретической разработке. При этом вряд ли целесообразно строить общие конституционные правоотношения по подобию конкретных правоотношений, так как конституционные нормы-принципы, конституционные программно-целевые установления, другие предписания Основного закона, обладающие высокой нормативной обобщенностью, существенно отличаются от конкретных конституционных норм. Следовательно, и конституционные правоотношения, в которых они реализуются, не могут не иметь определенной специфики.

Кроме того, конституционные правоотношения зависят не только от нормативной основы механизма конституционного регулирования, но и от опосредуемых ими реальных общественных отношений, которым в сфере конституционного воздействия также присущи свои особенности¹. Все это говорит о том, что, сохраняя главные структурные элементы конституционного правоотношения — материальное юридическое содержание, необходимо выявить особенности общих конституционных правоотношений по субъектному и объектному составам, основаниям возникновения, границам действия, связям с конкретными правоотношениями и т.п. Поэтому, учитывая, что для конституционного регулирования характерны не конкретные правоотношения, а именно общие конституционные правоотношения, вышеуказанные вопросы требуют всемерной теоретической проработки.

Прежде всего, необходимо отметить, что субъектный состав общих конституционных правоотношений отличается своего рода универсальностью, широтой охвата, всеобщностью. В общих правоотношениях практически могут выступать любые субъекты, на которых распространяют свое действие конституционные принципы и нормы (народ, национальные и социальные группы, государство, органы государства, политические партии, общественные объединения, граждане и др.). При этом в общих конституционных правоотношениях носители конституционных обязанностей не всегда четко определены заранее как в конкретных правоотношениях. Перед обладателем общего конституционного права правообязанным может оказаться любой субъект из числа, предусмотренных Основным законом государства.

В то же время в общих конституционных правоотношениях не всегда возникает равное партнерство между его субъектами, как, например, в отдельных видах конкретных правоотношений: участники конституционных правоотношений, как правило, обладают различной правосубъектностью. Таким образом, особая специфика общих конституционных правоотношений состоит в предельно широком субъектном составе участников этих правоотношений и одновременно в обладании такими участниками разной специальной правосубъектностью.

Общим конституционным правоотношениям присущи и особые объекты. В отличие от конкретных правоотношений, объектами общих правоотношений выступают высшие социальные ценности, которые обрели конституционный ранг и получили закрепление не в конкретных нормах конституционного права, а в установлениях самой высокой степени обобщенности — принципах Конституции Республики Узбекистан.

Установление субъектно-объектного состава общих конституционных правоотношений определяет правовые связи в системе общественных отношений лишь в самом общем виде. Выявление же фактических обстоятельств и предпосылок возникновения и дальнейшего движения данных правоотношений конкретизирует обстановку и условия реализации конституционных норм. Поэтому больший интерес представляет вопрос о юридических фактах как основании возникновения, изменения и прекращения конституционных правоотношений.

¹ См.: Баймаханов М.Т. К вопросу о соотношении конституционного и текущего регулирования // Избранные труды по теории государства и права. — Алматы, 2003. — С.363-373.

В правовой литературе уделено особое внимание вопросам раскрытия значения юридических фактов как условию динамики конституционно-правовых отношений в их конкретной форме, но применительно к общим правоотношениям этот вопрос практически не рассматривается. Между тем проблемы общих конституционных правоотношений с учетом специфики механизма конституционного регулирования заслуживают самого пристального внимания исследователей.

Бесспорно, что общие правоотношения имеют свои особые юридические факты, которые обуславливают возникновение и дальнейшее движение этих правоотношений. В этой связи необходимо отметить, что в общих правоотношениях может присутствовать не один какой-то юридический факт даже такого обобщающего свойства, как издание закона, а совокупность юридических фактов сложного характера, их целостная система, которую принято обозначать как фактический состав правоотношения. При этом в такой состав общего конституционного правоотношения могут входить длящиеся юридические факты-состояния.

В общих конституционных правоотношениях, возникающих на основе длящихся фактов-состояний, наиболее ярко проявляется связанность всех субъектов конституционных правоотношений императивами, устанавливающими общий конституционный порядок в государстве. Тем самым государство требует от граждан, государственных органов и организаций, политических партий, общественных объединений и иных субъектов конституционных правоотношений конкретного образа действий при определенных конституционно-правовых ситуациях.

Как видно, для динамики конституционных правоотношений значимыми являются не только факты, облеченные в строгую правовую форму, но и вызывающие те или иные юридические последствия в развитии политической, экономической, социальной и культурно-духовной систем узбекистанского общества. Таким образом, действие общих конституционных правоотношений многоплановое, что обусловлено тесной связью этих правовых отношений с политическими, экономическими, идеологическими, духовными и иными отношениями.

Необходимо также отметить актуальность вопросов связи общих конституционных правоотношений с конкретными правоотношениями. Прежде всего, общие и конкретные конституционные правоотношения — это самостоятельные виды правоотношений, существование которых предопределено различным функциональным назначением, целевой направленностью конституционных норм и которые несут на себе четкую печать сформировавшей их политико-правовой почвы. В то же время существование общих конституционных правоотношений как формы реализации конституционных принципов, других конституционных предписаний обобщающего характера является не только показателем их особого своеобразия. Здесь важен и такой аспект, как перевод конституционных правоотношений в конкретные правоотношения, что обусловлено особенностями механизма конституционного регулирования, в частности тем обстоятельством, что, помимо прямого действия, ряд конституционных норм общего характера реализуется в сочетании с текущим законодательством.

Иными словами, действие общих конституционных правоотношений дополняется конкретными отраслевыми правоотношениями. Вместе с тем не следует абсолютизировать значение перевода конституционных правоотношений в конкретные правоотношения, так как многие конституционные принципы и другие конституционные нормы общего характера получают свое воплощение исключительно в общих конституционных правоотношениях. Ведь они рассчитаны не на детальное урегулирование общественных отношений, а на укрепление важнейших устоев общества и государства, общего конституционного режима наиболее фундаментальных связей и отношений в стране.

Таким образом, конституционные нормы, служащие основанием возникновения общих конституционных правоотношений, реальны не только через конкретные отраслевые правоотношения, они сами содержат средства своего выполнения.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲАМДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АҲАМИЯТИ

Мустақиллик йиллари Президентимиз раҳнамолигида ҳаққоний тарихимизни тиклаш, улуғ ажодларимиз хотирасига юксак эъҳтиром кўрсатиш, миллий анъана ҳамда қадриятларимизни асраб-авайлаш, эртанги кунимиз учун муносиб пойдевор яратиш каби эзгу-мақсадлар йўлида улкан ишлар, саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Албатта, бу жараёнда халқимизнинг тарихий анъаналари, миллий қадриятлари, маданий-маънавий меросини ўзида акс эттирувчи байроқ, мадҳия, герб каби муқаддас рамзлар беқиёс аҳамиятга эгадир. Бизни эркин ва озод эл, юрт сифатида дунёга танитган муқаддас тимсол - Ўзбекистон Республикасининг *Давлат байроғи* эса ҳар биримизнинг фахримиз, ғуруримиз рамзидир.

Асосий қонунимизнинг 5-моддасида ифодаланганидек, «Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга».

Президентимиз таъкидлаганларидек «Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири — катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир»¹.

2011 йил 18 ноябрь куни «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинганига йигирма йил тўлди.

Маълумки байроқ қадим-қадимдан ҳар бир халқ учун мустақиллик, озодлик, тинчлик ва барқарорлик тимсоли бўлиб келган. Аждодларимиз ҳам юрт байроғини муқаддас билиб, уни кўз қорачиғидек асраганлар. Хусусан, соҳибқирон Амир Темур салтанатида ҳам байроқ давлат ва миллат ғурури саналиб, энг ишончли баҳодирлар, саркардалар томонидан кўриқланган. Фанимларга қарши жангу-жадалларда мардлик ва жасорат кўрсатган амиру сипоҳийларга эътиром рамзи сифатида махсус туғ ҳадия қилинган. Кейинчалик тарихда Амир Темурнинг кўшинларида байроқдор, байроқ кўтарган шахсларнинг улуғланиши учун унинг номига аламдор ёки аламбардор номи кўшиб айтилган. Зурриётлари бу номни фахр билан тилга олганлар.

Амир Темур буйруғига кўра кўшинда битта шахс қолса ҳам байроқни кўтариб туриши шарт ҳисобланган. Байроқни тушириш кўшиннинг руҳига салбий таъсир кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши кўп йиллар давомида тайёрланиб борилган ва тасодифий бўлмаган воқелик эканлигини расмий давлат рамзлари шакллариининг тайёрланиш жараёни ҳам кўрсатиб туради. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши жараёни икки ярим йилдан кўпроқ муддатни ва амалий аҳамиятга эга бўлган бир неча босқичларни ўз ичига олган.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг рамзий белгиларини ишлаб чиқишга тайёргарлик босқичи амалга оширилди. 1990 йил 30 мартда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида»ги, 1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон давлат байроғи ва давлат герби эмблемаларини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги Олий Кенгаш қарорлари эълон қилинди.

Давлат байроғи, герби ва мадҳиясини қабул қилиш юзасидан конституциявий комиссия тузилиб, комиссия эксперт гуруҳининг таркиби таниқли олимлар: Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М.С.Салоҳиддинов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси П.Қ.Қодиров, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А.А.Асқаров, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б.А.Аҳмедовлардан иборат эди. Давлат байроғи ва герби эмблемаларининг чизмаларига оид таклифларни тайёрлаш учун рассомлар, санъатшунослар Б.Жалолов, Р.Аҳмедов, Ж.Умарбеков, Н.Аҳмедова, шунингдек, республика конституциявий

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси конституциявий ҳуқуқ кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

комиссияси аъзолари, маданият ва санъат арбоблари, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос мутахассислардан иборат Олий Кенгашнинг махсус комиссияси тузилди.

Давлат мадҳиясини қабул қилиш бўйича тузилган комиссия эксперт гуруҳи таркибига таниқли мусиқашунослар, бастакорлар ва бошқа мутахассислар: Ўзбекистон Республикасининг таниқли артистлари, давлат мукофотларининг лауреатлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари И.Акбаров, Р.Абдуллаев, С.Жалил, М.Бурхонов, У.Мусаев, Б.Умиджоновлар кирдилар.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат эмблемалари ва уларнинг мусиқавий эквивалентини ишлаб чиқиш бўйича танлов босқичи амалга оширилди. Тайёргарлик ишлари 1991 йил 11 февралда бошлаб юборилган бўлса, июн ойидаёқ Давлат байроғи ва герби лойиҳасига дастлабки танлов эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасининг рамзий белгиларини ишлаб чиқиш бўйича тузилган комиссиялар байроқ ва герб эмблемаси ҳамда энг яхши мадҳия матни учун танлов эълон қилди ва бу ишга мутахассислар билан бирга кенг жамоатчилик ҳам жалб этилди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳияси лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг босқичи амалга оширилди. Бу босқичда фуқаролар ва мутахассислар томонидан таклиф этилган давлат байроғи ва герби эмблемаларининг вариантлари, мадҳия матни ҳамда мусиқаси матбуотда ёритилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Давлат эмблемаларини ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия муҳокама давомида барча вилоятлардан кўплаб мактублар, хилма-хил лойиҳалар, таклиф ва истақлар битилган хатлар олди. Муҳокамада турли касб эгалари, ёш-қари фаол иштирок этди. Давлат байроғи ва герби лойиҳаларини ишлаб чиқишда айниқса Б.Жалолов, Т.Комилов, С.Курбонов, И.Сатторов, А.Сатников, Б.Нишонов каби мутахассислар ва ижодкорларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари бўйича танлов ва умумхалқ муҳокамаси натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида умумлаштирилиши босқичи амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси давлат эмблемалари танловининг дастлабки олти ой ичида эришган натижалари 1991 йил 31 августда иш бошлаган Олий Кенгашнинг олтинчи сессиясида кўриб чиқилди. Лекин тақдим этилган Давлат байроғи эмблемаси лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгашнинг қарорини қабул қилишда қатнашган кўпчилик депутатларни қониқтирмади ва ижодий изланишлар давом эттирилди. Сессиядан кейин ҳам махсус комиссия кўриб чиққан давлат байроғи лойиҳасининг муқобил намуналари ҳаддан ташқари кўпайиб кетиб (200 дан ортиқ), бу борадаги баҳсларнинг охири кўринмайдиганга ўхшади. Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлаш топширилган фан, таълим, маданият ва спорт масалалари бўйича қўмита раисининг ўринбосари П.Қодиров бу ҳолатни қўмита аъзоларининг демократик иш услубини соддароқ тушунганликлари билан боғлайди. Шунда, Президент И.А.Каримов умумхалқ муҳокамаси давомида тушган таклифларнинг асосий ғояларини мужассамлаштириб, давлат байроғидаги учта асосий ранглари - мовий, оқ ва яшил йўл-йўллари ўз қўли билан чизиб комиссияга тақдим этди. Президентнинг ушбу ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини қабул қилишда асос вазифасини бажарди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг еттинчи сессиясида Ўзбекистон давлат рамзларининг вариантлари қандай тайёрланаётганлиги тўғрисида конституциявий комиссия эксперт гуруҳининг раҳбари М.С. Салоҳиддинов ахборот берди. Шундан кейин танловда голиб деб топилган Давлат байроғи лойиҳасининг уч варианты Олий Кенгашнинг муҳокамасига қўйилди. Қизгин муҳокамалардан сўнг уларнинг иккинчиси кўпчилик овоз билан асос сифатида қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинди. Янги лойиҳада уч рангдан иборат байроқнинг юқоридаги мовий рангли йўлида ярим ой ва ўн икки юлдузнинг тасвири киритилди. Шу билан бир вақтда сессияда конституциявий комиссиянинг эксперт гуруҳига давлат герби эмблемаси лойиҳаларини тайёрлаш ишларини давом эттириш топширилди. Сессиядан кейин эксперт гуруҳи давлат герби лойиҳаси бўйича тақдим этилган бир қанча намуналарни ўрганиб чиқиб, улар асосида герб лойиҳасининг учта вариантини матбуотда эълон қилди.

Эълон қилинган *Давлат герби* эмблемасининг биринчи ва иккинчи вариантлари асосчилари бош тасвир сифатида Хумо қуши суръатини танлайдилар. Шунга қадар, Хумо қушининг тасвири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳрида мавжуд эди. Хумо қуши билан боғланган халқ оғзаки ижодиёти мавзуси: унинг давлат қуши, бахт келтирувчи қуш, олижаноблик ва фидокорлик рамзи эканлиги бу тасвирнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемасига туширилиши учун энг муҳим далил бўлди. Бунинг устига лойиҳа рассоми қушнинг қанотини баланд кўтариб турган пайтини тасвирлайдики, гўё давлат қуши Ўзбекистоннинг тоғлари, адирлари, водийлари, боғлари билан бирга қучоқлаб тургандек кўринади.

Давлат герби эмблемаси учинчи вариантынинг бош тасвири, лойиҳа асосчиларининг сўзи билан айтганда, миллатни гуллаб-яшнаувчи мустақиллик рамзи олтин қуёш келтираётган шер тасвирига эга эди. Бу эмблеманинг марказий қисмида мамлакат тинчлиги рамзи - мовий рангда мусулмон дунёсига мансублик рамзи ярим ой, юқори қисмида қизил рангда зарҳал тусда ёзилган — Ўзбекистон Республикаси ёзуви ва саккиз қиррали мусамман тасвири, пастида Ўзбекистон заминида етиштириладиган неъматлар тасвирлари туширилган эди. Дастлабки танлов эълон қилинган кундан тўққиз ой ўтгач эксперт комиссия ишлаб чиқилган давлат герби эмблемаси лойиҳасининг асосий икки вариантыни матбуотда эълон қилиб, уларни халқ муҳокамасига қўйди. Олий Кенгашнинг январь ойида бўлиб ўтган тўққизинчи сессиясида Хумо қуши тасвирланган лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Давлат герби учун кўпчилик овоз билан асос қилиб олинди. Шу билан бирга сессия пайтида, ундан кейин келган мактубларда ҳам бу лойиҳанинг айрим нуқсонлари кўрсатилди. Уни такомиллаштириш учун аниқ таклифлар киритилди. Мазкур таклифлар асосида аввалги лойиҳадага боши эгик ҳолда тасвирланган Хумо тасвири ўзгартирилиб, унинг дадил кўтарилган боши ва гавҳардай порлаб турган кўзлари янги лойиҳада ўз ифодасини топди. Аввалги лойиҳада Бахт қушининг атрофи хувиллаган уйдаи очик қолдирилгани нуқсон деб тан олинди ва бу нуқсонни бартараф этишда Ўзбекистоннинг аввалги давлат герби тасвирларидан ва танловга келган бошқа лойиҳаларнинг айрим фазилатларидан фойдаланиш зарур деб топилди. Ўзбек давлати ва халқининг ҳаёт йўли ҳаминша нурли бўлиши учун билдирилган эзгу ниятни ифодаладиган, шунингдек, Ўзбекистондай ниҳоятда гўзал табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб турадиган Қуёш тасвири ва ризқ-рўзимиз бўлмиш Фалланинг ҳамда асосий бойлигимиз Пахтанинг тимсоли киритилди.

Билдирилган таклифлар асосида, 1992 йил 2 апрель куни кўпгина газеталарда Ўзбекистон Давлат гербининг Хумо қуши тасвирланган янги икки лойиҳаси эълон қилинди. Дастлабки танловда иштирок этган учинчи лойиҳа элементларидан бири собитлик ва барқарорликни ифодаладиган саккиз қиррали мусамман тасвири ҳам янги лойиҳаларнинг юқорисига туширилди. Саккиз қиррали мусамман ичига қандай тасвир бериш масаласида мунозара бўлганлиги боис янги танловга лойиҳанинг икки варианты қўйилди. Биринчи вариантнинг иккинчисидан фарқи шунда эдики, уларнинг бирида ой ва юлдуз тасвири туширилди. Шу вариантлар матбуотда умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган кун 1992 йил 2 апрельдан 2 июл куни Республика Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлагунга қадар, уч ой давомида Олий Кенгашга барча вилоятлардан 543 мактуб, 6 телеграмма келган. Уларнинг ҳаммаси ўрганилганда, давлат герби эмблемасининг ой ва юлдуз тасвири туширилган биринчи вариантга 168 минг 938 киши тарафдор эканлиги, иккинчи вариантыни эса 9642 киши қўллаб-қувватлагани маълум бўлди, яъни мактуб йўллаганларнинг 90 фоизидан ортиғи муҳокамага қўйилган давлат герби эмблемаси лойиҳаларининг биринчи вариантыни маъқуллаганлари аниқланади. Олий Кенгаш кўпчилик овоз билан биринчи вариантни Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби эмблемаси сифатида тасдиқлади. 1991 йил 30 сентябрь куни давлат байрогининг эмблемаси Олий Кенгаш қарори билан қабул қилинди. 1991 йил 18 ноябрь куни Олий Кенгаш томонидан «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги, 1992 йил 2 июль куни «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинади. Ўзбекистон Олий Кенашининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида давлат мадҳияси матни ва мусиқаси масаласи кун тартибига қўйилди. Қизғин мунозаралар ва баҳслар натижасида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов сўзи, таниқли бастакор Мутал Бурхонов мусиқаси билан айтиладиган кўшиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси сифатида танлаб олинади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси уч минг йиллик ўзбек халқи давлатчилиги вориси сифатида ўзининг рамзларини тасдиқлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг яратилиши жараёни улар мазмунида жамият ва давлат иродасининг ифодаланишини таъминлади.

Замон талаблари ўзгариб, тажрибалар ортиб, мақсадлар муайянлашиб, дунёқараш янада такомиллашиб бораверади. Шу тариқа қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга эҳтиёж туғилади. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонуни 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган бўлса, унга 1999 йил ҳамда 2005 йилларда айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни ривожланган хорижий мамлакатлар ва халқаро ҳужжатларга ҳар томонлама мослигини таъминлаш ва уларни янада такомиллаштириш мақсадида 2010 йил 24 декабрь куни «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун расмий эълон қилинди ва кучга кирди. Мазкур қонунга мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунга 11 та, «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонунга 6 та, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунга 7 та ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси «Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» деб номланган янги «203¹-модда билан тўлдирилди. Унга асосан, Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилди. Ушбу қонунлар ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилди.

Айни пайтда, мазкур қонунларнинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилади. Ушбу ўзгартиришлар республикамиз ички ишлар идоралари ходимларига бўлган юксак ишонч намунаси бўлиши билан бирга улар зиммасига катта масъулият юклайди.

Зеро, давлат рамзлари — муаяян бир давлатнинг миллий суверенитетини ифодалайдиган, тарихан таркиб топган алоҳида, энг муҳим белгилари. Улар бевосита халқ, миллатнинг ҳаёти, анаъаналари, руҳияти, фольклори, тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Давлат рамзлари мустақил давлатнинг муҳим ташқи белгиларини ўзида мужассамлантиради. Давлат рамзларида халқнинг азалий орзуси, эзгу ниятлари, бугунги ҳаёт мазмуни акс этади. Давлат рамзлари Конституция ва махсус қонунлар билан белгилаб қўйилади¹.

Бугунги кунда байроғимиз нафақат юртимиздаги турли давлат идора ва ташкилотлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмларда, балки Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчихона ҳамда ваколатхоналарида, нуфузли халқаро ташкилот қароргоҳларида ҳилпираб турибди. Қуролли Кучларимиз сафига чақирилган, ҳарбий таълим муассасаларини тамомлаган ёшларимиз ҳам айнан Давлат байроғимиз олдида юртни кўз қорачигидек асравайлашга, Ватанга муносиб фарзанд бўлишга қасамёд қилади.

Айни пайтда байроғимизни ҳамюртларимиз иштирок этаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларида кўриш ҳар биримизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди. Дарҳақиқат, юртимиз байроғининг ҳилпираб туриши қалбимизга юксак ифтихор бағишлаши билан бирга, эртанги кунимизга бўлган ишонч ҳиссини янада мустаҳкамлайверади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 1. — Т., 2002. — Б.163.

КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО НА СВОБОДУ СОВЕСТИ

Демократическое правовое государство и гражданское общество, которое успешно формируется в Узбекистане с первого дня объявления независимости, предполагает сосуществование различных взглядов и мнений. Именно поэтому в Конституции Республики Узбекистан, принятой в 1992 г., закреплено, что в Узбекистане общественная жизнь развивается на основе многообразия политических институтов, идеологий и мнений (ст.12). А религия, как известно, является одной из важнейших форм общественного сознания и всегда играла важную роль в социально-политической жизни общества.

Как подчеркивает Президент И.А.Каримов, «сам факт устойчивого, на протяжении тысячелетий существования религии, в том числе и ислама, свидетельствует о том, что она имеет глубокие корни в человеческой природе, выполняет целый ряд присущих ей функций. Религия, являясь прежде всего сферой духовной жизни общества, группы, индивида, впитала в себя, отразила общечеловеческие нормы нравственности, превратила их в обязательные правила поведения, оказала существенное влияние на культуру, способствовала и способствует преодолению изолированности человека, его отчуждения от других людей»¹.

Исходя из этого положения, в Узбекистане предприняты все меры по возрождению религии, которая в условиях тоталитарного режима незаслуженно рассматривалась как убеждение, тормозящее общественное развитие, как «опиум для народа». Религиозной убежденности противопоставлялся воинствующий атеизм, чем был нанесен определенный ущерб духовному совершенствованию человека.

Напрашивается вопрос о том, как сегодня в Узбекистане строится демократическое светское государство и в то же время возрождается религия, нет ли тут противоречий?

Прежде всего, светское государство не отрицает плюрализма в мировоззрении, идеологии, в том числе в религиозном убеждении, наоборот, предполагает разнообразие убеждений. Именно свободная конкуренция идеологий и мировоззрений является непременным условием свободного развития общества.

Религия на протяжении всей истории играла огромную роль в формировании высокой духовности у населения. Прогрессивные деятели религии призывали людей уметь управлять собой, множить в себе такие качества, как правдивость, доброжелательность, взаимоуважение, стойко переносить испытания, жить с надеждой на светлое будущее, укреплять волю, быть милосердными друг к другу и т.д. Многие авторитетные политики в трудные времена, когда в обществе царили разброд и смятение, обращались к религии как фактору сближения народов, обеспечивающему стабильность в обществе.

Как верно утверждает Президент И.А.Каримов, «если бы множество поколений, живших на этой земле, не хранили в своих сердцах религиозные убеждения, не развивали философию ислама, мы были бы лишены бесценного и неповторимого духовно-нравственного наследия»².

* Начальник кафедры истории Узбекистана Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат исторических наук, доцент.

¹ Каримов И. А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса // По пути безопасности и стабильного развития. Т.6. — Т., 1998. — С.48—49.

² Каримов И. А. Идеология национальной независимости — убеждение народа и вера в великое будущее // Наша высшая цель — независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. Т.8. — Т., 2000. — С. 490—491.

Вопрос возрождения религии сегодня в Узбекистане, на наш взгляд, связан со следующими обстоятельствами:

- подавляющее большинство населения Узбекистана исповедует религию ислам;
- ислам является не только религиозным убеждением, но и, интегрируясь с национальными традициями, превратился в образ жизни нашего населения;
- учение ислама наряду с отражением мировоззрения народов является проявлением определенной культуры, вобравшей в себя общечеловеческие ценности (последние два положения полностью относятся и другим религиозным концессиям, действующим в Узбекистане);
- религия играет важную роль в формировании высокой духовности населения;
- религиозные убеждения сыграли определенную роль в повышении национального самосознания нашего народа, восстановлении его исторической памяти, что явилось важным фактором на пути обретения независимости республики.

С учетом всего этого за годы независимости в Узбекистане принят ряд конкретных мер по защите религиозных убеждений населения:

- свобода совести законодательно закреплена. Статья 31 Конституции Республики Узбекистан провозглашает, что «свобода совести гарантируется для всех. Каждый имеет право исповедовать любую религию или не исповедовать никакой. Недопустимо принудительное насаждение религиозных взглядов»;
- возрождены как общенародные праздники «Руза хайит», «Курбан хайит», разрешено проведение религиозных мероприятий в рамках закона;
- восстановлены имена наших таких великих предков, как Имам аль-Бухари, Аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Бурхониддин Маргиноний, Имам Мотуруди, Абдухалик Гиждувони, Баховутдин Накшбанд, Ходжа Ахрор Вали и многих других;
- открыты для посещения, реставрируются и восстанавливаются за счет государственных средств религиозные памятники, являющиеся неповторимыми объектами мирового зодчества;
- создана законодательная база для функционирования религиозных учреждений и учебных заведений и т.д.

Уважительное отношение к религиозным чувствам со стороны государства вызывает у верующих доверие к проводимой политике, делает их активными участниками реформ по углублению демократии и формированию гражданского общества в стране.

Однако многовековая история свидетельствует о том, что всегда находятся политические силы, которые под прикрытием религии, в том числе ислама пытаются организовать борьбу за власть. Они толкуют религиозные книги, его положения исходя из своих узких корыстных целей и сеют разногласие среди верующих, особенно молодежи, вызывают конфликты и противостояния в различных точках земного шара.

Сегодня за рубежом существует ряд радикальных и экстремистских центров, которые политизируют ислам, готовят террористов, пытаются реализовать такие бредовые идеи, как создание мусульманского халифата, дестабилизируя обстановку в независимых государствах. Это не новое явление. В исламе наряду с традиционным и просвещенным течением всегда были воинствующие течения, которые стремились использовать веру людей как орудие борьбы против других религий или для овладения властью. Поэтому закон должен различать эти две ветви ислама и стоять на защите его просвещенной ветви.

Следует напомнить о том, что свобода совести, закрепленная в Конституции Республики Узбекистан, не означает, что верующие и религиозные организации могут делать или пропагандировать все что им заблагорассудится, т.е. выступать против консти-

туционного строя, разжигать межнациональные и межконфессиональные конфликты. Верующие и религиозные организации должны соблюдать действующие Конституцию и законы. Ими определены конкретные принципы взаимоотношений между государством и религией, включающие в себя:

- уважительное отношение к религиозным чувствам верующих;
- гарантирование равных прав и недопустимости преследования граждан как исповедующих, так и не исповедующих религиозные взгляды;
- признание религиозных убеждений частным делом граждан или их объединений;
- необходимость поиска диалога с различными религиозными объединениями для использования их возможностей в деле духовного возрождения, утверждения общечеловеческих моральных качеств;
- признание недопустимости использования религии в деструктивных целях.

При этом государство против утверждения на уровне массового сознания граждан идеи о том, что религия есть единственное универсальное средство разрешения всех экономических, политических проблем и противоречий.

Общие положения отношений государства и религии определяются в Конституции Республики Узбекистан. Они детализируются, конкретизируются и уточняются в соответствующих законах. К их числу относится, прежде всего, Закон «О свободе совести и религиозных организациях» (новая редакция).

Закон призван защищать конституционное право граждан на свободу совести. Не допускается какое-либо принуждение при определении гражданином отношения к религии. В связи с этим в Уголовный кодекс внесены ряд положений, предусматривающих меры ответственности за воспрепятствование законной деятельности религиозных организаций или совершению религиозных обрядов, принуждение к исповеданию или не исповеданию религии, вовлечение несовершеннолетних в религиозные организации, обучение их религии вопреки их воле, воле родителей, или лиц, их заменяющих (ст.145).

Защита свободы совести предполагает, чтобы деятельность религиозных организаций и верующих не выходила за рамки действующих законов Республики Узбекистан. Законом запрещается:

- незаконная организация общественных объединений и религиозных организаций, в том числе политических партий;
- незаконное изготовление, хранение, ввоз или распространение материалов религиозного содержания;
- миссионерская деятельность, направленная на обращение верующих одних концессий в другие;
- действия, направленные на противопоставление и обострение отношений, разжигание вражды между различными концессиями;
- деятельность религиозных организаций, течений, сект и др., способствующих терроризму, наркобизнесу и организованной преступности, а также преследующих другие корыстные цели;
- включение религиозных дисциплин в учебные программы системы образования.

Организация и деятельность религиозных объединений не должны противоречить этим положениям Закона. В Конституции Республики Узбекистан закреплено положение о том, что религиозные организации и объединения отделены от государства и равны перед законом. Государство не вмешивается в деятельность религиозных объединений (ст.61). Отделение религии от государства имеет принципиальное значение по следующим причинам:

- не принижая роль религии в формировании высоких духовных качеств населения, необходимо констатировать, что будущее человечества определяет ускоренное развитие науки, техники, передовых информационных-коммуникационных технологий;

— развитые демократические государства исходят из многолетнего руководства принципом отделения религии от государства;

— сегодня практически все государства мира многонациональны и многоконфессиональны, и те, которые отделили религию от государства, намного успешнее решают вопросы обеспечения мира и стабильности в стране, подъем благосостояния населения;

— отделение религии от государства позволяет создавать всем конфессиям равные условия для их деятельности на основе принятых законов, которые защищают права и свободы верующих и не исповедующих никакую религию; обеспечивать устройство общественно-политической, экономической и духовной жизни на демократических принципах, предполагающих сосуществование различных взглядов и идей;

— отделение религии от системы образования позволяет формировать у подрастающего поколения научное мировоззрение, творческое мышление и воспитывать у них активную жизненную позицию.

Что касается конституционного положения о невмешательстве государства в деятельность религиозных объединений, то это важный элемент свободы совести. Государство не возлагает на религиозные организации выполнение каких-либо государственных функций, не указывает им, что и как делать. Они функционируют в соответствии со своим уставом, который регистрируется Министерством юстиции республики. Однако это не означает, что государство безразлично к деятельности религиозных организаций. Во-первых, религия делает много для формирования высоких морально-нравственных качеств населения, руководствуясь такими ценностями, как равенство людей независимо от материального положения и социального статуса, призывает объединяться народы на благо общества и процветания, к милосердию по отношению к родным и близким, не зариться на чужую собственность, не оскорблять, не сквернословить, жить честным трудом, уважать правила общежития и т.д. Государство поддерживает и поощряет добрые дела религиозных организаций.

Когда речь идет об учении ислама у нас, подразумевается не что-то застывшее, неизменное, а конкретное направление, которое исповедует наше население, т.е. традиционный, просвещенный ислам суннитского толка, за многие годы функционирования в Центральноазиатском регионе вобравший в себя лучшие национальные традиции, прошедший проверку временем, полностью соответствующий национальному духу и менталитету. Наш народ, великие представители которого внесли огромный вклад в развитие учения ислама, не нуждается в том, чтобы его кто-то поучал, поэтому Президент И. А. Каримов подчеркивает, что «процесс возрождения национальных традиций ислама, его культуры доказал правомерность отказа от любого «импорта» ислама извне, от политизации ислама и исламизации политики»¹.

Наше государство, руководствуясь интересами безопасности, выступает категорически против таких экстремистских, террористических течений, как «ваххабизм», «Хизбут-тахрир ал-ислами» и др.

И. А. Каримов отмечает: «Сама жизнь показывает, что бороться надо, прежде всего, с первоисточником этого зла: с теми многочисленными радикальными экстремистскими центрами, которые политизируют Ислам, создают идеологию ненависти и терроризма, с теми, кто отравляет умы и зомбируют, в первую очередь молодежь»².

¹ Каримов И. А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса // По пути безопасности и стабильного развития. Т. 6. — Т., 1998. — С.120.

² Каримов И. А. Наша главная цель — демократизация и обновление общества, реформирование и модернизация страны // Узбекский народ никогда и ни от кого не будет зависеть. Т.13. — Т., 2005. — С.106.

Борьба с проявлениями религиозного экстремизма является важнейшей задачей органов внутренних дел. Формы и методы такой борьбы определены в законах Республики Узбекистан и ведомственных документах ОВД. Видимо, здесь нет необходимости их раскрывать. Мы затронем лишь общие положения, касающиеся гражданской позиции сотрудников органов внутренних дел.

Прежде всего, сотрудник органов внутренних дел должен глубоко изучить и осознать значение положений Конституции, Закона «О свободе совести и религиозных организациях», Уголовного кодекса, Кодекса об административной ответственности, касающихся вопросов свободы совести, и неуклонно действовать в их рамках.

Сотрудник непременно по долгу службы должен бороться с нарушениями законодательства в сфере свободы совести, обязан защищать права верующих на исповедание той или иной религии, а также права и свободы неверующих.

Если действия верующего не выходят за рамки законности, не нарушают права и свободы других граждан, не представляют угрозы общественному порядку, то сотрудник должен уважительно относиться к его религиозным чувствам и не принимать какие-либо меры, ущемляющие его права.

Посещая по долгу службы трудовые коллективы, образовательные учреждения и махалли, сотрудник обязан вести широкую разъяснительную работу с гражданами по положениям Конституции и законов Республики Узбекистан, касающихся свободы совести, и том, к каким последствиям могут привести их нарушение. В то же время ему следует быть бдительным и выявлять лиц, склонных к вовлечению лиц к незаконным религиозным течениям, и пресекать их устремления.

И, наконец, вопрос о личном отношении сотрудника органов внутренних дел к религии. Сотрудник как гражданин располагает конституционным правом на свободу совести. Это его частное дело. Он может верить или не верить. Лицо, поступая на работу в органы внутренних дел, принимает присягу и обязуется достойно выполнять свои служебные обязанности. Однако внутренние убеждения не должны мешать ему осуществлять свой профессиональный долг.

Здесь необходимо отметить также, что среди непросвещенных, с религиозной точки зрения, распространено довольно упрощенное понимание критериев, свидетельствующих о принадлежности человека к той или иной религии. Например, в исламе таковых пять: признание воли аллаха (иймон), обязанность в течение месяца держать уразу, ежедневно пять раз совершать намаз, исправно платить закят, хотя бы раз в жизни совершить хадж в Мекку. Конечно, нормы шариата не заканчиваются ими, но это основное. Уместно напомнить еще одно ошибочное мнение о необходимости полностью посвятить себя служению идеалам религии, т.е. «отрешиться от мирской суеты». В связи с этим следует вспомнить 4 аят суры Балад Корана, который гласит так: мы создали человека для того, чтобы он упорно трудился ради религии и мирских дел. Очень справедливо. Если все будут посвящать себя служению только религиозным целям, кто будет создавать материальные блага, кто обеспечит мирские потребности человека и развитие общества в целом. Выдающиеся мыслители учения Ислама призывали к сочетанию религиозных убеждений с упорным трудом на благо своей семьи и общества. Ярким представителем такого подхода является Бахаутдин Накшбанди, который провозгласил тезис: «Дил ба ёру, даст ба кор!» («Аллах в сердце, а рука за работой»).

Обязательное исполнение норм шариата не является показателем того, что человек стал истинным мусульманином. По этому поводу имеется интересная позиция великого Алишера Навои. Он подчеркивал, что истинный мусульманин тот, который руками и словом не обидит другого мусульманина¹.

¹ См.: *Алишер Навои*. Хикматлар. — Т., 2010. — Б.92.

Если исходить из приведенного выше положения, можно заключить, что моральный облик сотрудника, воплотившего в своем сердце веру в высшую справедливость, повседневно борющегося за праведное дело, добросовестно выполняющего свой профессиональный долг по обеспечению спокойствия граждан, их законных интересов и прав, проявляющего постоянную заботу о своей семье, близких, готового защитить безопасность Родины, соответствует и нравственно-религиозным ценностям.

Констатируя важность законодательного закрепления свободы совести, нельзя не обратить внимание еще на одну чрезвычайно важную проблему, от правильного решения которой зависит будущее благополучие нашей страны. Речь идет о воспитании молодого поколения. Как подчеркивает И.А.Каримов, «обогащение духовного мира наших детей, воспитание их в духе национальных и общечеловеческих ценностей остается самой актуальной задачей. Особенно в нынешнее сложное и беспокойное время, когда все более усиливаются различные нападки, направленные против национальной самобытности, вековых ценностей нашего народа, проявляются корыстные устремления, нацеленные на овладение сознанием нашей молодежи. Естественно, это побуждает всех нас к еще большей чуткости и бдительности»¹.

К сожалению, мы иногда становимся свидетелями такого факта, что в учебное время некоторая часть студентов, учащихся колледжей и общеобразовательных школ ходит молиться в мечеть. Но ведь 12-летнее образование обязательное. Здесь напрашивается вопрос, кто же формирует религиозные убеждения этой молодежи. На наш взгляд, главным образом это родители, соседи, родственники, которые не совсем владеют основами учения ислама. Кроме них, что печально, в этом участвуют лица, склонные к экстремистским взглядам.

В целях доведения до молодежи объективной информации о религии было бы полезным повысить роль средств массовой информации. СМИ следует давать научно-обоснованные, аналитические материалы, раскрывать, что полезно и что наносит вред общественному сознанию, больше давать материалов, разоблачающих взгляды религиозных экстремистов на основе положений Корана и Хадисов.

Усилиями государства сделана значительная работа, чтобы основные источники учения ислама, мы имеем ввиду переводы Корана, Хадисов (Имам аль-Бухари, Ат-Термези), труды Мотуруди, Баховутдина Накшбанди, Ахмада Яссави и др. стали общедоступными. Однако несведущий человек не может комментировать их, поскольку он может исказить положения священных книг и нанести вред воспитательной работе. Ведь в комментариях некоторых аятов Корана нет единства даже среди ученых-исламоведов. Теперь представьте себе состояние учащегося или студента, который самостоятельно изучает перевод Корана или Хадисов. Он, естественно, не сможет правильно их истолковать.

Кто ему призван помочь? Хотелось бы сказать, что преподаватели религиоведения. Но, к сожалению, эту дисциплину преподают, главным образом, историки и гуманитарии, которые зачастую сами слабо разбираются в тонкостях религии. Было бы оправданным, если бы эти дисциплины вели выпускники исламского университета. Самое главное в этом деле — уберечь молодежь от фанатизма, чтобы она руководствовалась не только догмами религии, а жила полноценной жизнью, пользовалась всеми благами современной жизни, активно участвовала в тех переменах, которые осуществляются в нашей стране.

То есть вопрос заключается не в том, к какому течению человек принадлежит, выполняет ли беспрекословно те или иные догмы. Смысл веры заключается в совершении

¹ Каримов И.А. По пути преодоления последствий мирового кризиса, модернизации страны и достижения уровня развитых государств. Т.18. — Т., 2010. — С.88.

добрых дел, милосердии, справедливости, стремлении быть полезным обществу, жить заботами других и постоянно самосовершенствоваться, идти в ногу со временем.

Содержание воспитательных мер должно согласовываться с позицией государства по отношению к религии, т.е. оно против утверждения на уровне массового сознания восприятия религии как универсального средства разрешения всех экономических, политических и международных проблем и противоречий¹. Данное положение не означает, что молодежь необходимо воспитывать в атеистическом духе. Конечно, молодежь должна разбираться в сути религиозных учений, чтобы противостоять тем религиозным течениям, которые наносят вред общественному развитию, разжигают межнациональную и межконфессиональную рознь, пропагандируют разрушительные идеологии. Однако, самое главное, молодежь должна овладеть современными знаниями по естественным и гуманитарным наукам, сформировать у себя научное мировоззрение, уметь самостоятельно мыслить, брать на себя ответственность. Только в этом случае старшее поколение может быть спокойным за будущее страны.

Конституционное положение о свободе совести не только гарантирует гражданам свободу вероисповедания, но и накладывает на них конкретные обязанности перед семьей, обществом. В главе XI Конституции Республики Узбекистан определены обязанности соблюдать Конституцию и законы; уважать права, свободы и достоинство других людей; оберегать историческое, духовное и культурное наследие народа Узбекистана; бережно относиться к окружающей среде; защищать Родину; нести военную или альтернативную службу. Они также должны уважать общеустановленные правила поведения, убеждения, взгляды представителей других конфессий и неверующих.

Таким образом, Конституция Республики Узбекистан и Закон «О свободе совести и религиозных организациях» гарантируют свободное вероисповедание или неисповедание граждан, защищают их права и свободы. Наряду с этим запрещается незаконная деятельность религиозных организаций, вмешательство в деятельность религиозных организаций зарубежных религиозных центров. Данными нормативно-правовыми актами урегулированы вопросы организации религиозного образования, распространения религиозной литературы. Они являются правовой основой борьбы против религиозного экстремизма и фундаментализма.

Смысл политики государства в области религии заключается, прежде всего, в защите прав, свобод и законных интересов верующих, стремлении сделать их активными участниками реформ, проводимых в стране, направленных на дальнейшее углубление демократии, формирование гражданского общества, создание достойных условий жизни для всего населения независимо от национальной и конфессиональной принадлежности, обеспечение мира и согласия между различными слоями общества, что является неперенным условием строительства государства с великим будущим.

¹ См.: *Каримов И.А.* Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса // По пути безопасности и стабильного развития. Т.6. — Т., 1998. — С. 56.

Н. Т. Исмоилов*

АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВЫЕ САНКЦИИ: ПРИНЦИП СПРАВЕДЛИВОСТИ И СОРАЗМЕРНОСТИ ВЗЫСКАНИЙ

Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности играет важную роль в обеспечении соблюдения гражданами требований законодательства, повышения уровня законности и правопорядка в стране. Данный нормативно-правовой акт способствует решению задач по охране прав и свобод граждан, собственности, государственного и общественного порядка, природной среды, обеспечению социальной справедливости и законности в интересах благосостояния человека и общества, своевременному и объективному рассмотрению дел об административных правонарушениях, предупреждению этих правонарушений, воспитанию граждан в духе соблюдения Конституции и законов Республики Узбекистан.

Вместе с тем в настоящее время законодательство об административной ответственности активно обновляется. Так, с момента вступления в силу КоАО (1 апреля 1995 г.) принято 76 законов о внесении изменений и дополнений в Кодекс об административной ответственности, в соответствии с которыми внесены более 270 изменений и дополнений¹. На сегодняшний день КоАО не является единственным нормативно-правовым актом, регламентирующим административную ответственность. Общественные отношения, связанные с административной ответственностью, регулируются более тремя десятками законов, рядом нормативно-правовых актов Президента и Кабинета Министров Республики Узбекистан, ведомственными нормативными актами², что предполагает дальнейшее повышение уровня кодификации законодательства об административной ответственности.

Действующий КоАО вбирает в себя нормы, регулирующие правоотношения процессуального характера, смешанные с материальными нормами, которые расположены в различных его частях и разделах. В комплексной проработке нуждаются процессуальные механизмы реализации материальных норм, механизм судебного контроля. Пересмотр процессуального порядка рассмотрения дел об административных правонарушениях и четкое отражение особенностей судопроизводства и правовой природы судебной власти требуются с учетом учреждения судей по административным делам, что предусмотрено Законом Республики Узбекистан «О судах».

В связи с этим Президентом Республики Узбекистан И.А.Каримовым в докладе «Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране»³, озвученном 12 ноября 2010 г. на совместном заседании Законодательной

* Заместитель руководителя Проекта актуальных проблем обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент.

¹ В КоАО введены новые 84 статьи, изменены более 180 статей, исключены 2 статьи, претерпели изменения административные санкции за ряд нарушений.

² В их числе 31 закон, 6 актов Президента Республики Узбекистан, 14 постановлений Кабинета Министров, 7 ведомственных нормативных актов. В частности, хотя КоАО считается основным нормативно-правовым актом, регулирующим вопросы административной ответственности, в таких актах законодательства, как, например, Закон «Об ответственности юридических лиц за правонарушения в области строительства» содержится 11 норм, регулирующих отмеченные отношения, в Налоговом кодексе таких норм 15, в постановлении Кабинета Министров «О совершенствовании деятельности комиссии по делам несовершеннолетних» — 16 и т.д.

³ См.: Каримов И. А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Народное слово. — 2010. — 13 нояб.

палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, была инициирована необходимость принятия КоАО в новой редакции, системно, комплексно отражающего масштабные принципиальные изменения, которые произошли в уголовной политике, административном законодательстве в связи с либерализацией судебно-правовой системы.

В целях подготовки КоАО в новой редакции на сегодняшний день разработана Концепция Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности, определяющая основные его положения с учетом динамично развивающихся процессов демократизации и либерализации судебно-правовой системы Узбекистана. В Концепции отмечается, что КоАО в новой редакции должен отразить тенденции по декриминализации уголовного законодательства, перевод тех или иных правонарушений из уголовной в административную юрисдикцию. Он должен унифицировать законодательство об административной ответственности, предусмотреть меры по совершенствованию, демократизации процессуальных механизмов рассмотрения дел об административных правонарушениях и обеспечению законности, надежной защиты прав граждан в этой сфере.

Одним из важнейших положений Концепции является *пересмотр санкций некоторых статей Особенной части КоАО через призму их соответствия принципу справедливости и соразмерности взысканий*.

При реализации данного положения в КоАО в новой редакции, на наш взгляд, необходимо учесть следующие важнейшие моменты:

1. Принцип справедливости юридической ответственности, в том числе и административной, — идея, основополагающее начало, закрепленное в системе норм, предусматривающих правовую ответственность, заключающееся в равенстве, уважении и защите прав и свобод человека, соответствии правовых норм моральным категориям разумности и добросовестности, учете иерархии личных, общественных и государственных интересов. При этом при установлении и применении административной ответственности понятие справедливости должно рассматриваться одновременно с понятием соразмерности.

Однако, как показывает анализ действующего административного законодательства, установленные по некоторым из статей Особенной части КоАО санкции не всегда соответствуют этому. Например, ст. 52 КоАО устанавливает, что умышленное причинение легкого телесного повреждения, не повлекшее кратковременного расстройства здоровья или незначительную стойкую утрату трудоспособности, влечет наложение штрафа от двух до четырех минимальных размеров заработной платы. Тогда как за нанесение оскорбления санкцией ст. 41 КоАО установлена ответственность в виде наложения штрафа, размер которого варьируется от двадцати до сорока такой зарплаты. Поэтому на практике в случае оформления административных протоколов по ст. 41 и 52 КоАО в отношении граждан, между которыми произошла конфликтная ситуация, на оскорбившее лицо налагается взыскание более значительное, чем на того, кто нанес телесное повреждение.

Другой пример. В ч. 1 ст. 49 КоАО «Нарушение законодательства о труде» предусмотрена ответственность в виде штрафа от двух до пяти минимальных размеров заработной платы, а за правонарушение, предусмотренное в ст. 229 «Соккрытие свободных рабочих мест», которое также имеет отношение к трудовому законодательству и характеризуется схожестью правонарушения, нижний предел санкции установлен в размере трех минимальных размеров заработной платы. В данной ст. 229 КоАО за совершение повторного правонарушения в течение года ответственность в отличие от ст. 49 КоАО не предусмотрена, хотя родовой объект данных правонарушений один.

2. Важно подчеркнуть, что принцип справедливости и соразмерности взысканий должен пронизывать всю административно-правовую систему в любых ее функциональных проявлениях. К примеру, одной из особенностей системы административно-правовых санкций является ее исключительно богатый арсенал средств административного воздействия, разнообразие видов санкций, а также предоставление органам и должностным

лицам в установленных пределах широкой возможности применять те меры воздействия, которые они считают наиболее целесообразными и эффективными. Указанное многообразие также должно быть пронизано системным подходом, предполагающим комплексное его соответствие принципу справедливости и соразмерности.

Так, в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 14 июня 2005 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы правовой защиты субъектов предпринимательства» утверждены меры правового воздействия, применяемые к субъектам предпринимательства только в судебном порядке, такие как приостановление деятельности, приостановление операций по счетам в банках, обращение в доход государства предметов правонарушения, которые не вошли в ныне действующий Кодекс как административно-правовые санкции¹. При установлении порядка применения этих мер в КоАО в новой редакции должна быть учтена их соразмерность, что в конечном итоге будет способствовать реализации принципа справедливости.

3. Принцип справедливости, будучи системообразующим принципом нормативного регулирования в целом, воплощается не в одном, а во всей системе административно-правовых принципов и определяет меру соотношения между ними. Ответственность справедлива, если она индивидуализирована, гуманна, законна, неотвратима и наступая за виновные деяния, так как справедливость — это изначальный принцип юридической ответственности, «принцип принципов». В свою очередь, каждый принцип административного права выражает отдельные стороны и функции справедливости и направляет законодательную и правоприменительную практику на их реализацию. В связи с этим в КоАО в новой редакции при установлении санкций следует исходить из системообразующего признака рассматриваемого принципа.

4. Концепцией предусматривается установление административной ответственности юридических лиц, что требует разработки механизма реализации принципа справедливости при назначении наказания в отношении юридических лиц. В этом контексте с учетом опыта зарубежных стран, а также необходимости дальнейшего законодательного регулирования нуждается в совершенствовании один из важных элементов реализации принципа справедливости — институт общих правил применения взысканий. В этой связи предлагается внести КоАО в новой редакции правило следующего содержания, касающееся назначения наказания в отношении юридических лиц: «При наложении административного взыскания на юридическое лицо учитываются характер административного правонарушения, характер и размер причиненного вреда, обстоятельства, смягчающие или отягчающие административную ответственность, а также финансово-экономическое положение юридического лица».

Таким образом, подводя итоги вышеизложенного, можно резюмировать:

- при установлении и применении административной ответственности понятие справедливости должно рассматриваться в неразрывной связи с понятием соразмерности;
- принцип справедливости и соразмерности взысканий должен пронизывать всю административно-правовую систему в любых ее функциональных проявлениях;
- в Кодексе об административной ответственности в новой редакции при установлении санкций следует исходить из системообразующего признака принципа справедливости;
- установление в КоАО в новой редакции административной ответственности юридических лиц предусматривает совершенствование института общих правил применения административных взысканий, в частности, внесение в Кодекс в новой редакции правила, в соответствии с которым при наложении административного взыскания на юридическое лицо наряду с общепринятыми элементами реализации принципа справедливости следует учитывать также финансово-экономическое положение юридического лица.

¹ См.: Собрание законодательства Республики Узбекистан. — 2005. — № 23-24. — С.167

АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан буён миллий қонунчилигимизда инсонпарварлик тамойилларининг кучайтирилганлиги фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясида катта аҳамият касб этмоқда. Инсон манфаатлари устуворлиги мустақиллик йилларида амалга оширилган барча ислоҳот ва янгиланишларнинг зарур мезонига айланди. Ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган суд-ҳуқуқ тизимини яратилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилганлиги ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Жумладан, жиноят-процессуал қонуни иш юритишда дифференциация қилиш йўлидан ривожланиб бораётганлиги, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, ярашув, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ишларни алоҳида тартибда юритишга ажратилганлиги фикримизнинг яққол далили бўлиб хизмат қилади.

В.В.Вандышев таъбири билан айтганда, алоҳида тартибда иш юритиш — бу жиноят-процессуал қонуни билан тартибга солинган ҳамда жиноят суди иш юритувининг умумий қоидаларига (принциплар ва ҳ.к.) асосланадиган жиноят суди иш юритуви иштирокчилари фаолияти ва ҳуқуқий муносабатларининг жиноятнинг оғирлик даражаси ва хусусияти, жиноий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми ёки ижтимоий-руҳий ва психологик ҳолати каби омилларни ҳисобга олувчи ўзига хос шакли бўлиб ҳисобланади¹.

Шу ўринда, ушбу ишларни юритишнинг алоҳида тартибда иш юритиш деб номланишига сабаб нима, деган табиий савол туғилиши мумкин. Маълумки, жиноят процессида айрим тоифадаги ишлар субъектнинг ҳуқуқий ҳолати (вояга етмаган, руҳий касалларга нисбатан иш юритиш) ҳамда жиноят ишини кўриб чиқиш тартибининг ўзига хослигидан (ярашув, амнистия актини қўллаш) келиб чиққан ҳолда умумий суд иш юритуvidан фарқ қилади. Яъни, ушбу тоифа ишларга Жиноят-процессуал кодексида белгиланган умумий қоидалардан ташқари, унинг махсус бобида белгиланган алоҳида қоидалар ҳам қўлланилади.

Қонунинг бу талабларидан келиб чиққан ҳолда биз алоҳида тоифадаги ишларни юритиш тартибини қуйидаги турларга бўлиб муҳокама қилишни таклиф этамиз:

Хусусан:

1) жиноят содир қилишда айбланаётган шахсларнинг процессуал ҳолати билан боғлиқ алоҳида иш юритиш тартиби. Бунга вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни киритиш лозим. Чунки бундай иш юритишнинг махсус тартибини белгилаш, жиноят содир қилган шахснинг вояга етмаганлиги, руҳий ҳолатининг носоғломлиги, биологик жиҳатдан ривожланишдан ортда қолганлиги ва шу каби ҳолатлар мавжудлигида, шахс ўз ҳуқуқларини ўзи мустақил равишда ҳимоя қила олмаслиги билан боғлиқ бўлади ва унга нисбатан қўшимча қарорлар яратилишини тақозо этади;

2) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги ишларни юритиш тартиби. Бу тартиб жиноят содир қилган шахснинг алоҳида процессуал ҳолати, хусусан, шахснинг ақли норасолиги, жиноят содир этиш вақтида ёки ундан кейин руҳий касалликка чалинганлиги туфайли, унга нисбатан умумий тартибда иш юритиш қоидаларини қўллаб бўлмаслигидан келиб чиқади. Бундай шахсларга нисбатан дастлабки тергов ўтказилмайди, уларнинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, айб эълон қилинмайди, дастлабки суриштирув жараёнида аниқланган ҳолатларга асосланиб, иш судга юборилади. Ўз навбатида,

* Тошкент давлат юридик институтининг тадқиқотчиси.

¹ Қаранг: *Вандышев В.В.* Уголовный процесс: Курс лекций. — СПб., 2004. — С. 833.

суд шахсининг айблилик масаласини муҳокама қилмай, жиноий жазога тортмай, ажрим билан унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллайди;

3) ишларни кўришнинг ўзига хос, соддалаштирилган тартиби. Маълумки, 1994 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибига доир институтлар мавжуд эмас эди. Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларининг натижаси ўлароқ, 2001 йилда ярашув институти (ЖПКнинг 62-боби) 2008 йилда эса ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш институти (ЖПКнинг 63-боби) киритилди. Шу муносабат билан, қонунда белгиланган етарли асослар мавжуд бўлганида, анъанавий иш юритиш шаклларидадан воз кечиб, суриштирув, дастлабки терговни ўтказмасдан ёки охиригача ўтказмай, шахсининг айблилик масаласини судда муҳокама қилмаган ҳолда суднинг ажрими билан ишни тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ёки амнистия актига асосан тугатилади.

Кўйида уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида иш юритилиши сабабларини кўриб чиқамиз. Даставвал, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишга қисқача тўхталиб ўтсак. Маълумки, жиноят процесси инсон ҳуқуқ ва манфаатларига сезиларли даражада таъсир қиладиган давлат фаолиятининг тури ҳисобланади. Бунда шахсга турли жиноят-процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши, уни жиноий жавобгарликка тортиш, озодлигини чеклаш каби масалалар ҳал қилинади. Одил судловни амалга оширишда шахсни қайта тарбиялаш ушбу фаолиятнинг диққат марказида туради, айниқса вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишларини судда кўришда бу янада долзарб аҳамият касб этади¹. Шу билан бирга катта ёшдагилар ва вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишларини кўришнинг нафақат ёш жиҳатидан балки, сифат жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қиладиган хусусиятлари мавжуд².

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш вояга етмаганларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятларидан келиб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг бундай ишларни юритиш тартибига бағишланган 60-бобида белгиланган қоидалар асосида олиб борилади. Аммо, бундай ишларни юритишнинг алоҳида бобда белгиланганлиги умумий тартибда иш юритишдан жиддий фарқ қиладиган алоҳида иш юритувини билдирмайди. Бу вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўшимча равишда ҳимоя қилиш билан боғлиқ кафолатлар белгиланган умумий тартибдаги иш юритишдир. Бундай кафолатлар ўзининг ёши хусусиятига кўра, жиноят процессида ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини тўла ҳимоя қила олмайдиган шахсларга ёрдам бериш заруратидан келиб чиқади.

Процессуал қонун нормаларига мувофиқ, вояга етмаганларнинг жиноятларига доир ишларни юритиш тартиби умумий тартибда иш юритишдан:

- а) исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг ўзига хослиги;
- б) қонуний вакиллар ва ҳимоячининг иштироки шартлиги;
- в) айбланувчи (гумон қилинувчи)ни сўроқ қилишнинг хусусиятлари;
- г) вояга етмаган айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораларини қўллашнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 61-бобида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритишнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлиб, ушбу турдаги ишларни юритиш ҳам умумий асосларда жиноят ишларини юритиш тартибидан бир қанча жиҳатлари билан фарқ қилади. Хусусан, Жиноят кодексининг 91-моддасига мувофиқ, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий касаллик ҳолатида ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсларга нисбатан уларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавfli ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун:

- а) ижтимоий хавfli қилмишнинг ақли норасолик ҳолатида содир этилиши;
- б) ижтимоий хавfli қилмишни содир этиш вақтида ақли расо бўлган, лекин суд

¹ Қаранг: *Рогозин Д.А.* Социально-правовые и психологические основы производства по уголовным делам несовершеннолетних: Учебное пособие / Под ред. А.П.Гуськовой. — Оренбург, 2000.

² Қаранг: *Эргашев А.* Вояга етмаганларни сўроқ қилишнинг жиноят-процессуал асослари // Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги: кеча, бугун ва истиқболлари. — Т., 2010. — Б. 221.

ҳукми чақарилгунига қадар ўз қилмишининг аҳамиятини англаб етиш ёки ўз ҳаракатини бошқариш қобилиятидан маҳрум этадиган руҳий касаллика чалиниши;

в) жиноят содир этганлиги учун жазога маҳкум қилинган, лекин жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалиниб, ўз қилмишининг аҳамиятини англаб етиш ёки ўз ҳаракатини бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлиши;

г) алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларнинг жиноят содир этиши асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)да ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг ҳам алоҳида тартиби белгиланган. Ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди¹.

Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби ЖПКнинг 582-586-моддаларида белгиланган. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади. Ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида берилган тақдирда, бу масала суд мажлисида дарҳол ҳал этилиши лозим. Ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган пайтдан бошлаб, судланувчи эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхонага киргунга қадар берилиши мумкинлиги қонунда назарда тутилган.

Суд муҳокамасида ярашув институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласидан келиб чиқадиган энг асосий мақсад жабрланувчиларнинг жиноятдан кўрган зарарининг қопланиши ва уларнинг маънавий жиҳатдан тортган азобларини бартараф этилиши билан бирга жиноят содир этган шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишга нисбатан салбий муносабатда бўлган ҳолда, ўз айбига иқрор бўлиб, жиноят натижасида юзага келган оқибатларни ихтиёрий равишда бартараф этиш, жабрланувчидан кечирим сўраш ҳамда келгусида бундай ҳаракатларни содир этишдан воз кечиш ниятида бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ўзи содир этган жиноятни фош этилиши бўйича имкони борича ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиши шарт².

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрдаги Қонуни асосида Жиноят-процессуал кодексига «Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш»га бағишланган янги 63-боб киритилди. Ушбу янгилик моҳиятан, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини судлар томонидан қўлланилиши тартибини белгилаши билан муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу қонун қабул қилинганга қадар амнистия актини қўллаш тартиби бирор-бир қонунда белгиланмаган эди. Бу эса, амнистия актини қўллашда турли тушунмовчиликлар, қонун нормаларини қўллашда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда эди.

Жиноят-процессуал кодексига киритилган 63-боб алоҳида тоифада кўриладиган ишлар турини яна биттага кўпайтирди. Амнистия актини фақат судлар томонидан қўлланилиши ҳақидаги қонуннинг қонунда белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳиятидан келиб чиқади ҳамда ушбу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритишда қонунни қўллашнинг ўзига хос процессуал хусусиятлари билан ажралиб турувчи амнистия акти давлат томонидан шахсга тўғри йўлни танлаши учун берилган имконият, кечиримлилик ифодаси бўлиб, жиноят ҳуқуқи ва процессида инсонпарварлик тамойилининг ёрқин ифодаси ҳисобланади. Зеро, жиноий жазодан кўзланган мақсад шахсни жазолаш эмас, балки уни қайта тарбиялаб, жамият учун фойдали инсон бўлиб қайтишига эришишдир.

Хулоса қилиб айтганда, буларнинг барчаси босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ўз ифодасини топмоқда. Унинг замирида эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, юртимизда демократия ва умуминсоний қадриятларга тўлиқ риоя этишга қаратилган юксак мақсадларнинг ижобатини кўриш мумкин.

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010.

² *Хожаназаров И.* Жабрланувчи билан ярашганлик туфайли айбланувчини жиноий жавобгарликдан озод этишнинг процессуал жиҳатлари // *Ҳуқуқ-Право-Law.* — 2002. — №4. — Б. 84-86.

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, айниқса тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мустақиллик йиллари республикамызда тезкор-қидирув фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг қонуний асосларни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинган бўлса-да, амалдаги қонунчиликда «тезкор-қидирув фаолияти» тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилмаганлиги, ушбу фаолиятни амалга оширишнинг қонуний асослари етарли даражада таъминланмаганлиги ва мазкур йўналишда алоҳида қонунга заруратнинг мавжудлиги бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Мазкур масаланинг ҳуқуқий ечими сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилди¹.

Ушбу қонуннинг асосий мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган. Бу қонуннинг қабул қилиниши демократик давлатларнинг умумэътироф этилган амалиётига мос келади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Айни вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолиятини янада либераллашувини таъминлашга олиб келади.

Дарҳақиқат, ҳозир у ёки бу қонунчилик ҳужжатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, мазкур соҳани тартибга солишга оид айрим ҳуқуқий асослар мавжуд бўлса-да, бироқ ушбу фаолиятни амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услубларини белгилаб берувчи яхлит қонунчилик ҳужжати мавжуд эмас.

Амалдаги қонунчиликда айнан қайси органлар ва идоралар тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланишга ваколатли эканлиги ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилишнинг қонуний механизмлари ҳақида айрим нормалар мавжуд.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 339-моддасининг олтинчи қисмида жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида ички ишлар идоралари, миллий

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг бошлиғи.

¹ Қаранг: Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б. 25-26.

хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятлар ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари органлари *тезкор-қидирув чораларини* кўришга ҳақлилиги, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонун 5-моддасининг ўн биринчи қисмида «Божхона органлари *тезкор-қидирув фаолиятини* амалга ошириш ҳуқуқига эгаллиги»; Ўзбекистон Республикасининг «Давлат чегараси тўғрисида»ги қонунининг 29-моддасида эса, «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасида..., *тезкор-қидирув фаолиятини* амалга оширишга ҳақлилиги» белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрь қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги Низомнинг 14-бандида «Ички ишлар вазирлиги ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ, *«оператив-қидирувни шакллантириши, оператив-қидирув ишларини ташкил этиши ва амалга ошириш»* ваколатига эгаллиги қайд этиб ўтилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 2 ноябрь қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Низом 1-бобининг 7-бандида: Ўзбекистон Республикаси МХХ амалдаги буйруқлар ва кўрсатмаларга мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаган, *оператив-қидирув ва бошқа хизмат фаолиятларини* амалга ошириши», 2-боби 4-бандининг иккинчи қисмида: «Ўзбекистон қонуни билан тергов қилиш миллий хавфсизлик органлари ихтиёрига ўтказилган жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларни очиш мақсадида, шу жумладан, техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, ошкора ва ноошкора *оператив-қидирув тадбирларини* белгиланган тартибда амалга ошириши, олинган маълумотлардан қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда фойдаланиши», ушбу бобнинг 4-бандида: «Ички ишлар органлари билан бирга ўзаро ҳамкорликда жиноятларнинг олдини олиш ва уларни очиб ташлаш учун оператив-қидирув тадбирларини амалга ошириш» ваколатига эга эканлиги белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрель қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти тўғрисида»ги Низомнинг 8.4-бандида «Департаментнинг тезкор-қидирув фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш ва мувофиқлаштиришни ташкил этиш; унинг ҳудудий бўлинмаларида тезкор-қидирув ишлари ташкил этилишини назорат қилиш» вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 68-моддасида «Жазони ижро этиш муассасаларида *тезкор-қидирув фаолияти*:

маҳкумлар, муассаса ходимлари ва бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш;

маҳкумлар мазкур муассасага етиб келгунига қадар содир этган жиноятларини аниқлаш ва фош этиш;

жиноятларни ҳамда белгиланган сақлаш режимини бузиш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

жазони ижро этиш муассасаларида содир этилган жиноятларни фош этиш;

озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочган маҳкумларни қидириш;

бошқа жиноятларни фош этишда ёрдам бериш мақсадида амалга оширилади.

Тезкор-қидирув фаолиятини жазони ижро этиш муассасаларининг тезкор хизматлари ходимлари, шунингдек бошқа ваколатли органлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадilar», деб белгиланган.

Амалдаги қонунчиликда тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси зиммасига юклатилган бўлса-да, бироқ мазкур соҳада алоҳида қонуннинг қабул қилинмаганлиги прокурорлар томонидан ушбу фаолиятни амалга оширувчи органлар устидан самарали назорат ўрнатишда мураккабликларни келтириб чиқармоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонуни 4-моддасининг бешинчи қисмида «тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш» прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларга қонун 8-моддасининг биринчи қисмида «жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида *тезкор-қидирув фаолиятни* амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш», 28-моддасининг биринчи қисмида «ўз ваколатлари доирасида тезкор-қидирув фаолиятининг ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни талаб қилиш», 31-моддасининг олтинчи қисмида «*тезкор-қидирув тадбирларининг* қонунга мувофиқлигини текшириш» ваколоти белгилаб берилган.

Умуман, санаб ўтилган қонунчилик ҳужжатларида тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ кўплаб нормалар мавжуд бўлса-да, амалдаги қонунчиликда таъкидланганидек, ҳатто «*тезкор-қидирув фаолияти*» тушунчасининг ўзига таъриф берилмаганлиги миллий қонунчилигимизнинг асосий муаммоларидан биридир.

Ҳуқуқшунос олим Т.Р. Саитбаевнинг фикрича, қонун лойиҳасида қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

— энг аввало, тезкор-қидирув фаолияти тушунчаси ва унинг амалга оширилишида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тартиблари очиқ берилиши лозим;

— тезкор-қидирув фаолияти ва уни амалга оширувчи органларнинг аниқ доираси, уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларининг қонуний мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқдир;

— чора-тадбирларнинг ўтказилиши тақиқланадиган ҳолатларни белгилаш, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш тартибларини аниқлаб олиш зарур;

— тезкор-қидирув фаолиятида бир хиллик ва такрорийликни истисно этиш мақсадида қонун лойиҳасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ваколатини чеклаб қўйиш тақозо этилади;

— тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ва ҳимоясини таъминлаш чегараларини, тезкор-қидирув чора-тадбирларини ўтказиш қарорини прокурор томонидан кўриб чиқиш тартибларини ифодалаш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қарорлари устидан шикоят қилиш тартиблари ҳамда тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарлик масалаларини ҳам акс эттириши лозим;

— тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этиш ва тактикасининг батафсил тартибга солиниши «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун асосида қабул қилинадиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали амалга оширилиши боис, мавжуд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта ишлаб чиқиш ва янгиларини яратиш борасида кўпгина ишларни талаб қилади¹.

Хулоса ўрнида шунга алоҳида урғу бериш зарурки, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун ўта муҳим, айти пайтда, ўта мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Шу нуқтаи назардан қараганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, энг аввало, жабрланувчи шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ва ҳимоя қилишдан бошланса, фикримизча, ижтимоий адолат амалда қарор топган бўлар эди.

¹ Қаранг: Саитбаев Т.Р. «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши — қонунийлик ва фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш гарови // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2010. — №4. — Б. 11.

*И. Исмаилов**

*Д. Бухаров***

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ОТА-ОНАЛАР ИШТИРОКИНИ ХУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлашнинг яхлит тизими шаклланди ва у ўзининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий асосларига эга.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар» (64-м.), «Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар» (65-м.) деб белгилаб қўйилган.

Юқорида кўрсатилган конституциявий нормаларни амалга ошириш бевосита амалдаги бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан таъминланади. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилига кўра ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: а) боқиш; б) тарбиялаш; в) таълим бериш; г) ҳар томонлама (жисмоний, маънавий, руҳий ва ҳ.к.) соғлом ўсиб-улғайиши учун шарт-шароит яратиш бериш; д) ҳар қандай шакл ва кўринишдаги таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш. Албатта, ушбу гуруҳларга кирувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг бирини амалга оширмай, бошқасини таъминлашнинг иложи йўқ.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган барча гуруҳларга кирувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган давлат органлари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликлари талаб қилинади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Шунга кўра болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-оналари зиммасига юклатилади.

Ота-оналар ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ва ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-она ва болалар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик борлиги аниқланганда, ота-она ўз болаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли эмас. Ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлаши шарт (Оила кодекси, 74-м.).

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати ҳақидаги нормасида (4-м.): боланинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш; боланинг камситилишига йўл қўймастик;

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедрасининг тадқиқотчиси.

боланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш; болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашиш ушбу сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида эътироф этилган.

Шунингдек ушбу қонунда ҳар бир бола ўз шаъни ва қадр-қимматиغا қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги, унинг қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши, ҳибсга олиниши, қамоққа олиниши мумкин эмаслиги кафолатланган. Бундан ташқари, давлат боланинг шахси, турар жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатациянинг барча шаклларида, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноққа солишлардан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шаҳвоний шилқимликлардан, жиноий фаолиятга, фоҳишалик билан шуқулланишга жалб этилишдан ҳимоя қилишни амалга оширади (10-м.).

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонунда мустақамлаб қўйилганидек, боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари: *биринчидан*, ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан уларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи; *иккинчидан*, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ота-онаси, ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилиши; *учинчидан*, бола ота-она ва ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қилинадиган суиистеъмоликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги; *тўртинчидан*, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда, бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига мустақил равишда мурожаат қилиши орқали таъминланади.

Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилгани, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилишлари шарт. Шундай маълумотлар олинган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шарт (11-м.).

Ҳар бир бола ғайриқонуний кўчирилишдан ва чет элдан қайтарилмасликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги, ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар боланинг йўқолганлиги ҳақида тегишли органларга дарҳол хабар беришлари шартлиги, шунингдек, ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ҳамроҳлигида бўлмаган болалар уларнинг ёнига кафолатли қайтарилиш ҳуқуқига эгаллиги ҳам ушбу қонунда кафолатланган (14-м.)¹.

Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминловчи яхлит тизимнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 30 сентябрь қонуни бевосита «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган ижтимоий ҳимояга муҳтож, хусусан: ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган, муайян яшаш жойига эга бўлмаган, кам таъминланган оилалардаги болаларнинг; жиноий

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 2007 йил 1 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2008, № 1. — 1-м.

жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган, зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; уларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади.

Қонунда: вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш; уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш; вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари этиб белгиланган (4-м.).

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши: *биринчидан*, вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси соҳасидаги ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этди; *иккинчидан*, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонуности меъёрий ҳужжатлар ўртасидаги зиддиятлар ва ноаниқликларга ойдинлик киритди; *учинчидан*, фаолият олиб боровчи субъектлар ваколатларидаги ноаниқлик ва қайтарилишларга барҳам берди; *тўртинчидан*, субъектлар, шу жумладан ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолиятини либераллаштириш ва демократлаштиришни янада чуқурлаштиришга, мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қила бошлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши вояга етмаганлар хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлашда ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг иштирокини янги бир босқичга кўтарди. Қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштирок этиш шакл ва усуллари ҳамда мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қонун талабларига асосан ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар ўз болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга доир мажбуриятларини бажариш жараёнида, уларнинг хавфсизлиги, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширадilar:

— таълим муассасаларида ўқийтган вояга етмаганларнинг дарс вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоқидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик (боланинг мазкур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбир доирасида бўлиши бундан мустасно);

— вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик;

— вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга оширишлари шарт.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоқидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда улардан бирининг кузатувисиз бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради (7-м.).

Шунингдек ушбу ҳужжатда қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлилик принциплари билан бир қаторда: оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш; ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг тарбиясига яқка тартибда ёндашишнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасининг асосий принциплари этиб белгиланганлиги ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг иштирокини янада фаоллаштириш имконини беради.

Амалиётнинг кўрсатишича, ҳар қандай фаолиятни самарали амалга ошириш аввало ушбу жараённи ташкил этиш учун зарур бўлган ахборотга эга бўлишни тақозо этади. Қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятни ахборот билан таъминлашнинг аниқ белгилаб қўйилганлиги бугунги кунда амалиётдаги мавжуд бир қатор муаммоларнинг, шу жумладан: ўз мажбуриятларини бажармаётган ёки лозим даражада бажармаётган; ўз фарзандларига салбий таъсир кўрсатаётган; муттасил ичкиликбозлик ёки гиёвандликка мубтало бўлган; ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган; уларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлаётган; жисмоний куч ишлатаётган ёки руҳий таъсир кўрсатаётган; вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётган ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахсларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга нисбатан амалдаги қонунда белгиланган жавобгарликни қўллаш имкониятини янада кенгайтиради.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг бола ҳуқуқларини таъминлаш, шу жумладан уларни ҳар қандай шакл ва кўринишдаги таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажармасликлари, албатта уларни амалдаги Оила кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларида кўрсатилган тегишли нормалар асосида ва белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига кўра ота-она (улардан бири) қуйидаги ҳолларда:

ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа;

узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

муттасил ичкиликбозлик ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлса;

ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин (79-м.).

Шунингдек, ушбу кодексда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш(80-м.) ва тиклаш (82-м.) тартиби, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг оқибатлари (81-м.) ҳамда ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши (83-м.) тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ота-она ва улар ўрнини босувчи шахсларнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлиги (47-м.), васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилганлиги (48-м.), вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга (188-м.), маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганлиги (188¹-м.), вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этишга жалб қилганлиги (191-м. 2-қ) учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексда ота-она ва улар ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товланганлиги (122-м.), гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга, яъни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир

қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилганлиги, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса (127-м. 1-қ), гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга (127-м. 2-қ), жиноят қилишга (127-м. 3-қ), қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилганлик, (шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса) (278-м. 2-қ.) жиноий жавобгарлик белгиланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахслар Ўзбекистон Республикаси «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 10-моддаси ва «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлик учун амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жавобгарликни белгиловчи алоҳида норма йўқ, аммо, кодекснинг 47-моддасида фақат болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик учун жавобгарлик белгиланган, холос. Болаларнинг хавфсизлиги, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг жавобгарлиги масаласи бугунги кунда муаммо бўлиб қолмоқда.

Вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари зиммасига юклатилган¹.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасида ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахсларга вояга етмаганларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш бўйича мажбуриятлар юклатилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу мажбуриятлар вояга етмаган шахсларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш муносабатлари доирасидан четга чиқади. Шунинг учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига қўшимча киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ:

«47-модда. Болаларни тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси борасидаги мажбуриятларни бажармаслик

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганларни тарбиялаш, уларга таълим бериш ҳамда уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этишига олиб келиши, — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

Амалдаги қонунга бундай қўшимчанинг киритилиши, фикримизча бола ҳуқуқларини, хусусан вояга етмаганларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси борасида ўз мажбуриятларини бажармаётган ёки лозим даражада бажармаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг жавобгарлиги муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Халқ сўзи. — 2010. — 30 сент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ СИЁСАТИ ВА ТИЗИМИ

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатда демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида ҳаётнинг барча жабҳалари, шу жумладан жиноят-ижроия тизимини ҳам тубдан ислоҳ қилиш изчил амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъбири билан айтганда: «Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди».

Маълумки, жиноий жазо тизимида озодликдан маҳрум қилишнинг улуши анча катта. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси сифатида Махсус қисм 230 та моддасининг 199 тасининг санкциясида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо кўзда тутилган, яъни бу кўрсаткич 86,5 % ни ташкил қилади¹.

Шунга қарамай, мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ камайган ва Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил этмоқда. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади².

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия сиёсати масаласини батафсил ёритишдан аввал «сиёсат» тушунчасига тўхталиб ўтиш ўринлидир. «Сиёсат» юнонча *politike* — давлатни бошқариш санъатидир. У кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса бўлиб, турли жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда таърифланади. Умумий маънода сиёсатни ҳокимият муносабатлари, давлат ва унинг тузилиши, сиёсий институтлар, уларнинг амал қилиш принциплари билан боғлиқ инсонлар фаолиятининг алоҳида соҳаси ҳамда ҳокимият, бошқарув ва бўйсунув субъектларининг ўзаро муносабати ва иштироки шакли сифатида таърифлаш мумкин.

Давлат сиёсати ички ва ташқи сиёсатга бўлинади. Ўз навбатида, давлатнинг ички сиёсатини иқтисодий, ижтимоий соҳаларга ажратиш мумкин. Ижтимоий сиёсат ўз таркибига давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини ҳам қамраб олади³. Шу маънода, жиноят-ижроия сиёсати давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг таркибий бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия соҳасидаги сиёсатининг мақсад ва принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳкумлар билан муомала қилиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади. Ўзбекистонда жиноят-ижроия сиёсатнинг ҳозирги кундаги стратегик йўналиши бўлиб жиноий жазоларни ижро этишда инсонпарварлаштириш ва маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг бош юрисконсульти.

¹ *Нажимов М.Ш.* Озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашнинг ҳуқуқий асослари ва такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. — Т., 2010. — Б. 12.

² *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б. 19-20.

³ Қаранг: *Тахиров Ф.* Жиноят-ҳуқуқий сиёсат ҳамда жиноят қонунини такомиллаштириш истиқболлари // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. — Т., 2010. — Б. 62.

Жиноят-ижроия сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) жиноий жазони, бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш прициплари, тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда такомиллаштириш;

2) жиноят-ижроия соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек жиноят-ижроия тизимини давлат томонидан суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошириладиган ислоҳотларга мос тарзда шакллантириш;

3) жазони ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Жиноят-ижроия сиёсати ўз мазмунига кўра жазони ижро этишнинг мақсад ва вазифалари, принциплари, моҳияти ҳақидаги рационал асосланган қарашлар ва тасаввурларнинг тизимлашган йиғиндисидан иборат. У давлат органларининг маҳкумлар билан муомала қилиш ва жазони ижро этиш фаолиятининг методлари, воситалари, шакллари ва асосий йўналишларини белгилаб беради. Шундай қилиб, жиноят-ижроия сиёсати — ижтимоий фаолият тури сифатида икки бир-бири билан ўзаро боғлиқ назарий-интеллектуал (сиёсатни шакллантириш) ва ташкилий-амалий (сиёсатни татбиқ этиш, қўллаш) томонларни ўз ичига олади¹.

Профессорлар Э. Норбўтаев ва Р. Кабуловларнинг фикрича, жиноят-ижроия сиёсатининг ҳозирги асосий ривожланиш босқичлари қуйидагиларда намоён бўлади:

— жазони ижро этиш жараёнида маҳкумларга ахлоқан тузатиш таъсир чораларини кучайтириш;

— содир этилган жиноятни, маҳкумнинг шахсини эътиборга олган ҳолда, шунингдек ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларини қўллаш имкониятларини инобатга олиб, жазони индивидуаллаштириш ва мувофиқлаштириш;

— жазони ижро этиш жойларидан озод қилинганларни ижтимоий мослаштириш².

Жиноят-ижроия сиёсатини шакллантирувчи ва амалга оширувчи субъектлар масаласи муҳим аҳамиятга эга. Назаримизда, уни шакллантирувчи субъектлар сирасига давлат ҳокимиятининг фақат учта субъектини, яъни Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини киритиш мумкин.

Шу билан бирга мазкур субъектлар айрим ҳолларда жиноят-ижроия сиёсатини амалга оширувчи субъектлар сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституциянинг 93-моддасида белгилаб қўйилган ваколатидан келиб чиққан ҳолда амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси эса маҳкумларнинг моддий-маиший ва озиқ-овқат таъминоти бўйича минимал нормаларни белгилайди ҳамда жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомала қилишнинг айрим масалаларини ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

Бошқа органлар эса жиноят-ижроия сиёсатини амалга ошириши, яъни уни ҳаётга татбиқ этиш субъектлари бўлиши мумкин холос. Ҳозирги кунда жиноят-ижроия сиёсатини амалга оширувчи асосий субъект Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳисобланади. Шунингдек, ушбу субъектлар сирасига адлия, мудофаа, халқ таълими, соғлиқни сақлаш идоралари ва ҳаттоки, суд органлари ҳам киради (ЖИК 14-15-м.). Айни вақтда, амалдаги қонунчилик жиноят-ижроия

¹ Қаранг: *Бриллиантов А.В., Курганов С.И.* Уголовно-исполнительное право: Учебное пособие. — М., 2007. — С. 14.

² Қаранг: *Норбўтаев Э., Кабулов Р.* Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ва унинг ички ишлар органлари фаолиятида амалга оширилиши: Ўқув қўлланма. — Т., 2004. — Б. 21, 88.

сиёсатини амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштирокини ҳам белгилайди (ЖИК 1-м.).

Хорижий давлатларда, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда жиноят-ижроия тизими «пенитенциар тизим» деб аталади. Юридик энциклопедияларда кўрсатилишича, «Penitentiorius» сўзи — лотинчадан олинган бўлиб, «ахлоқан тузатиш»¹, «жазо орқали тузатиш»², «тавба қилиш»³ деган маъноларни билдиради.

Жиноят-ижроия тизимининг фаолиятини шартли равишда учга ажратган ҳолда ўрганиб, таҳлил этиш мумкин, яъни:

1) жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган (жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш) жазоларни ижро этувчи органлар фаолияти;

2) жамиятдан ажратиш билан боғлиқ (интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш) жазоларни ижро этувчи муассасалар фаолияти;

3) бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини (шартли ҳукм, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари) ижро этувчи муассаса ва органлар фаолияти.

Жазоларни ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар жазо ёки фаолият турига қараб турлича тавсифланади. Масалан, жазо турига қараб асосий ёки қўшимча жазоларни ёхуд бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассаса ва органлар, фаолият турига қараб ихтисослашган ёки ихтисослашмаган муассаса ва органлар бўлиши мумкин.

Ихтисослашган муассаса ва органларнинг асосий фаолияти бевосита жазолар ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш билан боғлиқдир. Бунга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасига бўйсунувчи жазони ижро этиш колониялари, тарбия колонияси, турма, тергов ҳибсхоналарининг фаолиятини, шунингдек Мудофаа вазирлигига қарашли интизомий қисмлар ва ички ишлар идоралари тасарруфидаги жазони ижро этиш инспекцияларининг фаолиятини мисол келтириш мумкин.

Ихтисослашмаган муассаса ва органлар эса қонунда белгилаб қўйилган айрим жазолар ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларни ижро этиш вазифаси юклатилган ёки улар тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга берилган рухсатномани бекор қилиш ваколатга эга. Бунга адлия (жарима жазосини ижро этиш бўйича), суд (вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари, яъни жабрланувчидан узр сўраш, етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш мажбуриятини юклаш бўйича), халқ таълими (маҳсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш бўйича) органларини, ҳарбий қисм (хизмат бўйича чеклаш жазосини ижро этиш бўйича) ёки гарнизон (ҳарбий хизматчиларга нисбатан қамоқ жазосини ижро этиш бўйича) қўмондонлигини мисол келтириш мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасалар фаолияти жиноят-ижроия тизимининг асосий қисмини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддасида жазони ижро этиш муассасаларининг қуйидаги турлари кўрсатилган, яъни жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, турмалар.

Тергов ҳибсхоналари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасалари вазифасини бажаради.

Юқорида билдирилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: жиноят-ижроия тизимининг фаолияти ўзига хос бўлиб, ушбу орқали давлат жиноят қонунчилигида кўрсатилган жазолар ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш жараёнида маҳкумларга нисбатан ўзининг мажбурлов чоралари ва ахлоқан тузатиш воситаларини қўллайди.

¹ Қаранг: Большой юридический словарь. — М., 1997. — С. 478.

² Қаранг: Юридик энциклопедия / Проф. У. Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т., 2001. — Б. 358.

³ Қаранг: Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Нашр учун масъул Р. А. Муҳиддинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. — Т., 2010. — Б. 365.

ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ: УНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ, ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ ҲАҚИДА

Хуфиёна иқтисодиёт тўғрисида сўз юритганида, аввал хуфиёна иқтисодиётнинг ўзи нима, унинг ўзига хос хусусиятлари ва айрим жиҳатлари нималардан иборат, днган фикр ҳақида мулоҳаза юритиш лозим. Хуфиёна иқтисодиётга турли адабиётларда хилма-хил таърифлар берилган. Жумладан, россиялик мутахассис Ю.В.Лагов хуфиёна иқтисодиётга «давлат назорати ва ҳисобидан ташқаридаги хўжалик юритиш фаолияти, шу билан бирга у расмий статистикада ўз аксини топмайди», деб таъриф беради¹.

Криминал ёндашув нуқтаи назаридан А.К.Бекряшев, И.П.Белозеровлар хуфиёна иқтисодиёт таркибини иккига, яъни «криминал хуфиёна иқтисодиёт» ва «нокриминал хуфиёна иқтисодиёт»га бўладилар².

Криминал хуфиёна иқтисодиёт ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган, биринчи навбатда инсоннинг соғлиги ва ҳаётига тўғридан-тўғри хавф соладиган фаолият тури бўлиб, унга мисол сифатида одам ва унинг организмлари, қурол-яроғ, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосини киритиш мумкин.

Нокриминал хуфиёна иқтисодиёт — ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлмаган, инсонлар соғлиги ва ҳаётига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатмайдиган иқтисодий фаолият тури. Жумладан, майда бизнес, яъни кундалик эҳтиёжни қондириш мақсадида савдо фаолияти билан шуғулланиш тушунилади. Бундан ташқари, нокриминал хуфиёна иқтисодиётга жамиятда, айниқса, деҳқон хўжаликларида амалга ошириладиган бартер муносабатларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ю.Г.Латов бу хусусда хуфиёна иқтисодиётнинг таркибини қуйидаги турларга бўлади:

- иккинчи (оқ ёқали) хуфиёна иқтисодиёт;
- кулранг (норасмий) хуфиёна иқтисодиёт;
- қора (яширин) хуфиёна иқтисодиёт³.

Иккинчи хуфиёна иқтисодиёт — бу норасмий ва ноқонуний, яширин фаолият тури бўлиб, бу каби фаолият эгаларининг асосий даромад манбаи уларнинг расмий касбий фаолият туридан олинмайдиган ноқонуний даромадлари ҳисобланади. Иккинчи хуфиёна иқтисодиёт субъектларига, асосан раҳбарлик лавозимларида ишловчилар, мансабдор шахслар ёки идоравий ходимларни келтириш мумкин. Шунинг учун ушбу ноқонуний иқтисодий фаолият тури «оқ ёқали» хуфиёна иқтисодиёт дейилади. Иккинчи хуфиёна иқтисодий фаолият турининг ўзига хос жиҳати, бундай ноқонуний иқтисодий фаолият субъектлари жамиятда тўғридан-тўғри ҳеч қандай хизмат кўрсатмайдилар ёки моддий неъматлар ҳам яратмайдилар. Улар фақат ижтимоий даромадларнинг ноқонуний қайта тақсимланишида иштирок этадилар.

* Тадқиқотчи.

¹ Қаранг: *Латов Ю. В., Ковалев С. Н.* Теневая экономика. — М., 2006. — С.14.

² Қаранг: *Бекряшев А.К., Белозеров И.П.* Теневая экономика и экономическая преступность. Понятие и структура теневой экономики // <http://www.finbook.biz/description.html?prm=149>

³ *Латов Ю.В.* Теневая экономика // <http://ie.boom.ru/Latov/Monograph/Contents.htm>

Кулранг хуфиёна иқтисодиёт — иқтисодиётнинг норасмий секторларидан бўлиб, маълум даражада қонунда рухсат этилган ошқора ёки қисман рухсат этилган яримошқора иқтисодий фаолият тури ҳисобланади. Кулранг хуфиёна иқтисодий фаолият турига кичик бизнесни мисол қилиб келтириш мумкин. Унинг ўзига хос жиҳатларидан бири — расмий статистик ҳисобларда қайд қилинмаслиги. Бундан ташқари, бу каби иқтисодий фаолият тури билан шуғулланувчиларнинг асосий хусусияти шундаки, кулранг хуфиёна иқтисодиёт субъектлари давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар тўлаш ёки бошқа тўловлардан қочиб мақсадида реал даромадларини камайтириб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Кулранг хуфиёна иқтисодиёт асосан ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига хос ҳисобланади.

Қора хуфиёна иқтисодиёт — иқтисодий жиноятчилик фаолияти бўлиб, у энг аввало уюшган жиноятчилик билан боғлиқдир. Бундай иқтисодий фаолиятнинг ўзига хусусияти шундаки, унинг субъектлари қонунда тақиқланган ва ўта камёб товарлар, моддий бойликларни сотиш, хизматлар кўрсатиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, фоҳишабозлик, ноқонуний қимор ўйинлари, рекэт ва бошқа шу каби фаолият турлари билан шуғулланадилар.

Хуфиёна иқтисодиётни юзага келтирувчи шарт-шароитлар тўғрисида фикр юритилганида уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Иқтисодий шарт-шароитларга қуйидагиларни киритиш жоиз:

— давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг фаолиятига нисбатан ўрнатилаётган республика ва маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлар юқининг оғирлиги;

— мамлакатдаги иқтисодий ахволнинг ёмонлашуви;

— мамлакатда пул-кредит сиёсатида муаммоларнинг мавжудлиги;

— иқтисодиётда бартер муносабатларининг ошиб кетиши;

— монополиянинг мутлақлашиб бориши;

— давлат томонидан иқтисодиётни ҳаддан ташқари регламентациялаб юборилиши;

— давлат томонидан бозордаги эркин рақобат ва нарх сиёсатига аралашувнинг кучайиб

кетиши;

— мамлакат аҳолиси турмуш даражасининг оғирлашиб бориши.

Ижтимоий шарт-шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

— мамлакатда ишсизлик даражасининг ошиб кетиши;

— мамлакат миқёсида ЯИМнинг нотўғри тақсимланиши;

— мамлакатдаги қонунчиликнинг номукамаллиги ҳамда хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш юзасидан қонунларнинг етарли эмаслиги.

Ҳуқуқий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

— хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш юзасидан қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан назоратнинг сустлиги;

— ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш юзасидан олиб бораётган фаолияти самарасининг пастлиги;

— хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш юзасидан мувофиқлаштириш механизмнинг йўқлиги ёки бўлса ҳам ушбу механизмнинг номувофиқлиги;

Умуман, хуфиёна иқтисодиёт — бу иқтисодиёт субъектлари томонидан мамлакатдаги қонунчиликка хилоф равишда, давлат ва маҳаллий бюджетларга тўланиши лозим бўлган солиқ, йиғим, бож ва бошқа тўловларни тўлашдан бош тортган ҳолда иқтисодий фаолият тури билан шуғулланишни англатади.

Одатда хуфиёна иқтисодиётнинг мамлакат миқёсида ўсиб бориши энг аввало давлатнинг молия-кредит ва бюджет сиёсатини издан чиқаришга, мамлакатдаги нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, давлат бюджетига

•

тўланадиган турли хил солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларнинг тўланмаслигига олиб келади, банкларда нақд пул маблағларининг етишмаслигини келтириб чиқаради. Мамлакатда нақд пул маблағларининг етишмаслиги оқибатида аҳолига давлат томонидан берилиши лозим бўлган ойлик иш ҳақи, нафақа, пенсиялар ва бошқа ижтимоий тўловлар ўз вақтида амалга оширилмайди. Бу ҳол давлат томонидан муомалага қўшимча равишда товар билан таъминланмаган пул маблағларини эмиссия қилинишига олиб келади. Товар билан таъминланмаган пул маблағларининг муомалада кўпайиб кетиши эса бозордаги моддий товар бойликлари, кўрсатиладиган хизматлар нархларининг асоссиз ўсишига олиб келади.

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг бу каби тус олиши, жамиятда давлат томонидан расман қабул қилинган миллий валютанинг харид қобилиятини пасайтириш билан бирга, унинг жамғариш функциясини ҳам издан чиқаради. Бу каби ҳолатлар аҳоли орасида давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга нисбатан ишончсизликни уйғотиши мумкин.

Криминалистик нуқтаи назаридан қараганда эса, жамиятда жиноий «хуфиёна иқтисодиёт»нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади¹. Шу боис, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иқтисодиётнинг ушбу яширин секторининг илдиз отмаслиги борасида фаолият олиб боришлари ўта муҳим вазифалардан биридир. Чунки хуфиёна иқтисодиёт жамиятнинг иқтисодий негизларини мустаҳкамлашга путур етказди.

• **Нашрга тайёрланди** •

Ўзбекистон Республикасининг жиноят протсесси: Darslik // В. А. Миренский, А. Х. Раҳмонқулов, Д. Камалходжыев, В. В. Кадилова ва бoshqalar. То'ldirilgan ikkinchi nashri. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. — 600 б.

Darslikning to'ldirilgan ikkinchi nashrida jinoyat protsessi fanining Umumiy va Maxsus qismlari batafsil bayon etilgan bo'lib, asosiy e'tibor jinoyat protsessining eng muhim tushuncha va prinsiplariga qaratilgan hamda shu nuqtai nazardan jinoyat protsessining ishtirokchilari isbotlashni amalga oshirish, protsessual majburlov choralari ni qo'llash tartiblari va asoslari, jinoyat natijasida yetkazilgan mulkiy ziyonni qoplash, jinoyatlarning oldini olish choralari, rehabilitatsiya, protsessual muddatlar va chiqimlar haqidagi va boshqa masalalar yoritilgan. Mualliflar jinoyat protsessining bosqichlariga o'ziga xos yondashuv asosida ta'rif berganlar, har bir bosqichni alohida-alohida ko'rib chiqqanlar.

Yuridik oliy o'quv yurtlarining talabalari, tinglovchilar, kursantlar, huquqni muhofaza qilish organlarining xodimlariga mo'ljallangan.

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // *Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида.* Т.6. — Т., 1998. — Б.90.

ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТЛАРИГА ДОИР ИШЛАР БЎЙИЧА ТЕРГОВ ВАЗИЯТЛАРИ

Хозир одам савдоси глобал хавфсизлик, жамият барқарорлиги, жаҳон ҳамжамиятининг ривожланишига таҳдид солаётган жиноят сифатида баҳоланмоқда. У хавфлилиқ даражаси бўйича ноқонуний қурол-яроғ сотиш ва нарқобизнес каби трансмилий жиноятлар билан бир қаторга қўйилмоқда. Одам савдоси трансчегаравий, комплекс хусусиятга эга, уюшган гуруҳлар томонидан содир этилаётган ва кенг тарқалган жиноят бўлиб, унда инсон «товар»га айлантирилади. Амалда эса бу «қулликнинг» замонавий шаклидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили 2 миллион 700 минг киши одам савдоси қурбони бўлади. Бу эса одам савдоси халқаро уюшган жиноятчиликнинг сердаромад молиявий манбаи эканлигидан далолат беради. Бу фикр экспертларнинг хулосаларига кўра, одам савдосидан олинадиган даромад йилига 7 млрд АҚШ долларидан ошаётганлиги билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасида ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги 1950 йилги конвенцияси, «Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги 2000 йил 15 ноябрдаги конвенция ҳамда «Одам савдоси, айниқса болалар ва аёлларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш» тўғрисидаги қўшимча протокол, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги 2008 йил 17 апрель қонуни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг одам савдосига оид 135-моддасининг (ўзгартирилган ва айнан одам савдоси жиноятини квалификация қилиш учун мослаштирилган) янги таҳрири асосида амалга оширилмоқда.

Суд-тергов амалиёти натижаларининг таҳлил этилиши одам савдоси жиноятларининг уюшган гуруҳ аъзолари томонидан бир неча босқичларда — жабрланувчиларни ёллаш, ҳужжатларни расмийлаштириш; чегарадан (қонуний ёки ноқонуний) ўтказиш; жабрланувчиларни чет мамлакатда кутиб олиш, ҳужжатларини олиб қўйиш, уларни сотиш; сотиб олиш ва эксплуатация қилинишини кўрсатмоқда. Юқорида кўрсатилган вазифаларни жинойий гуруҳнинг жабрланувчини ёлловчи, чегарадан ўтказиш ёки чиқиб кетишини таъминловчи; уларни белгиланган давлатда кутиб олувчи ва сотувчи, уларни сотиб олувчи ва эксплуатация қилувчи шахслар амалга оширадилар.

Одам савдоси жинояти юзасидан келиб тушган маълумотлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш қуйидаги уч вазиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

1) шахсининг номаълум сабабларга кўра, қўққисдан йўқолиб қолганлиги тўғрисида унинг яқин қариндошлари, танишлари, ҳамкасблари ёки бошқа манфаатдор шахслар берган аризаларни текшириш;

2) ЖКнинг 135-моддасида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд бўлган қилмиш ҳақида жабрланувчи, унинг яқин қариндошлари, танишлари ва бошқа шахсларнинг берган аризаларини текшириш;

3) одам савдоси жиноятларини содир этилишига тайёргарлик кўриш ёки унинг содир этилганлиги тўғрисида тезкор-қидирув йўли билан олинган маълумотларни текшириш.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг тадқиқотчиси.

Одам савдоси жиноятлари билан боғлиқ типик тергов вазиятлари ва жиноятларнинг криминалистик тавсифидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар идораларининг тергов органлари томонидан келиб тушган ахборот ва маълумотларни терговга қадар текшириш мақсадида тизимли равишда бир қатор ҳаракатлар ва чоралар амалга оширилади:

Биринчи ҳолат (шахснинг номаълум сабабларга кўра, қўққисдан йўқолиб қолганлиги тўғрисидаги унинг яқин қариндошлари, танишлари, ҳамкасбалари ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг берган аризаларини текшириш) юзасидан:

Шахснинг номаълум сабабларга кўра йўқолганлиги тўғрисидаги маълумотлар тезкор-қидирув чора-тадбирларини амалга ошириш, профилактика инспекторлари томонидан узоқ муддатга республикадан чиқиб кетган шахсларни рўйхатга олиш, унинг паспорт режимини текшириш, хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни рамийлаштириш бўлинмаларининг хизмат фаолиятини амалга ошириш, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш (рўйхатга қўйиш ва чиқариш); нотариат органлари томонидан кўчар ва кўчмас мулк объектлари билан фуқаролик ҳуқуқий муносабатга киришган шахсларнинг ҳаракатларини тасдиқлаш, судлар томонидан жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик соҳасидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида аниқланиши (келиб тушиши) мумкин.

Шахсни одам савдоси жинояти содир этилиши натижасида йўқолган деб ҳисоблаш учун қуйидаги ҳолатларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

— ишга жойлашиш, гўзаллик конкурсида қатнашиш, кўшиқ ва рақс ансамбллари таркибида намоийишлар кўрсатиш, сайёҳлик (виза билан) мақсадида мамлакатимиз ҳудудидан чиқиб кетган шахснинг дом-дараксиз йўқолганлиги;

— шахснинг йўқолишидан олдин унинг чет элда ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи фирмаларга мурожаат қилиш нияти бўлганлиги ёки мурожаат этганлиги;

— фоҳишалик билан шуғулланувчи, массаж кабинетларида, сауналарда, тунги клубларда ишлаган аёлларнинг йўқолиши;

— мамлакатимиз ҳудудига ишга жойлашиш мақсадида келган чет эл фуқаросининг (айниқса, МДХ давлатлари фуқароларининг) бедарак йўқолиши.

Бундан ташқари, ёш қиз ва аёлларнинг, меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркекларнинг, болаларнинг йўқолиши ҳолатлари бунда одам савдоси билан боғлиқ жиноят аломатлари борлигини текшириб кўриш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ёш қиз ва аёллар, меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркеклар йўқолган ҳолларда уларнинг яқин қариндошларидан бедарак кетган шахснинг яқинлари ёки танишларидан бирортаси чет эл давлатларида ишлашга кетганлиги, у билан алоқаси бўлганлиги, шахснинг чет элга кетиш нияти борлиги, уни ким биландир муҳокама қилганлиги ойдинлаштирилиши керак.

Агар юқорида келтирилганлар натижасида шахснинг йўқолишидан олдинги мавжуд ҳолатлардан бирортаси тасдиқланса, у ҳолда қуйидагиларни ойдинлаштириш зарур бўлади:

— шахснинг чет элга кетишини ёки унинг чет элда ишга жойлаштирилишини ҳужжатлаштирган фирма ёки шахс тўғрисидаги маълумотлар;

— бедарак йўқолган шахснинг иш жойи тўғрисидаги маълумотлар;

— бедарак йўқолган шахснинг чет элда ишловчи ёки ишлаган таниш-билишлари тўғрисидаги маълумотлар.

Бедарак йўқолган шахснинг уй-жойи, транспорт воситасини кўздан кечиришда терговчи қаршилик кўрсатиш аломатлари излари борлигига, шахснинг ҳужжатлари қолдирилган ёки қолдирилмаганига, бошқа шахсларнинг ҳужжатлари бор-йўқлигига, бедарак йўқолган ёки унга тегишли бўлмаганнинг, кийим ва буюмлари, шунингдек шахснинг ўғирланганлиги ёки ёлланганлиги, ғайриқонуний равишда ушлаб турилганлигидан далолат берувчи кийим-буюмлар, материаллар бор-йўқлигига, одамларни чет элда ишлашга даъват қилувчи материаллар ва ҳужжатлар (реклама варақалари, газеталардаги эълонлар, паспорт органларида тўлдириган анкета ва бошқа ҳужжатлар, таклифномалар, фоторасмлар, виза расмийлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва ҳоказолар) мавжудлигига,

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлашиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг бор-йўқлигига алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Агар амалга оширилган чора-тадбирлар давомида бедарак йўқолган шахсни топишнинг имкони бўлмаса, қидирув тезкор-қидирув чора-тадбирлари билан давом эттирилиши шарт.

Иккинчи ҳолат — (ЖКнинг 135-моддасида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд бўлган қилмиш ҳақида жабрланувчи, унинг яқин қариндошлари, танишлари ва бошқа шахсларнинг берган аризаларини текшириш) биринчи ҳолатдан одам савдоси жиноятининг яққол излари мавжудлиги ва кўрсатилган жиноятнинг содир этилганлиги шарт-шароитлари ҳамда уни содир этган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Лекин бунда жабрланувчининг қочиб кетганлиги ва унинг ички ишлар идораларига мурожаат қилиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда жиноятчиларнинг жиноий фаолиятини тўхтатиб туришлари ва жиноят изларини йўқотишлари мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Бундан ташқари жиноятчилар, уюшган жиноий гуруҳ аъзолари томонидан терговга фаол қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари амалга оширилиши, шу жумладан, жабрланувчиларга, уларнинг яқин қариндошлари ҳамда яқинларига нисбатан ғайриқонуний таъсир ўтказилишини, уларни ўлдириш ёки бошқа таъсир ўтказиш билан ёддан чиқармаслик керак. Шунингдек жабрланувчи, унинг яқин қариндошлари ҳамда яқинларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш тақозо этилади.

Ушбу ҳолатда икки типик вазиятни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) жабрланувчи (жабрланувчилар) мавжуд, одам савдоси жиноятини содир этган шахслар тўғрисида аниқ ахборотлар бор;

б) жабрланувчи (жабрланувчилар) мавжуд, одам савдоси жиноятини содир этган шахслар тўғрисида аниқ ахборотлар йўқ.

Биринчи ҳолатда бевосита жабрланувчидан олинган маълумотлар жиноий гуруҳнинг кейинги фаолиятини назорат қилиш учун жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимига ўтказилиши керак. Бунда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ходимларнинг асосий вазифаси жиноят ишини кўзгатиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни тўплаш, янги гувоҳларни аниқлаш ва сотиш учун пинҳона жойларда сақланаётган ёки эксплуатация қилинаётган бошқа жабрланувчиларни озод этишдан иборат бўлади. Бунинг учун улар жабрланувчи билан батафсил сўров ўтказишлари керак бўлади.

Агарда одам савдоси билан шуғулланувчи уюшган жиноий гуруҳ аъзоларининг ташқи қиёфа белгилари мавжуд бўлса, уларнинг фотороботини (оғзаки портретини) тайёрлаш ва ушлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Уларнинг шахси маълум бўлса тезкор-маълумотли ва криминалистик ҳисоблар бўйича текшириш зарур.

Иккинчи ҳолатда одам савдоси жиноятини содир этган шахслар тўғрисида аниқ ахборот йўқ бўлса, тезкор ходимларга одам савдоси билан шуғулланаётган шахслар тўғрисида маълумот тўплаш ва ушбу шахсларни аниқлаш тўғрисида топшириқ берилиши керак. Бунда асосий эътибор, илгари шу турдаги жиноятларни содир этган шахсларга қаратилиши лозим.

Бунинг учун қуйидаги шахсларни текшириш мақсадга мувофиқ бўлади:

— илгари одам савдоси билан шуғулланган, одамлардан, текин ишчи кучи сифатида фойдаланганларни, одам ўғирлаш, ноқонуний равишда инсонни эркинлигидан маҳрум қилиш ҳамда фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур этиш, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, фоҳишахоналар сақлаш ва қўшмачилик қилиш, порнографик материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, вояга етмаганларни ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир этишга жалб қилиш каби жиноятларни содир этган шахслар;

— юқорида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахслар билан жиноий алоқада бўлган шахслар;

— тезкор ҳисобларда турувчи бошқа шахслар.

Учинчи ҳолат одам савдоси жиноятларининг содир этилишига тайёргарлик кўриш ёки унинг содир этилганлиги тўғрисида тезкор-қидирув йўли билан олинган маълумотларни текшириш тезкор-қидирув ҳуқуқига тегишли бўлганлиги сабабли муҳокама этмаймиз.

Одам савдоси ҳақидаги ариза ёки хабар бўйича терговга қадар текширув жараёнида қуйидаги ҳужжатлар тўпланиши мақсадга мувофиқ:

— жабрланувчи ёки уларнинг вакилларида ариза, оммавий ахборот воситалари ёхуд бошқа манбалардан келган хабар ва бошқа маълумотлар;

— жабрланувчидан ва гумон қилинаётган шахсдан ҳолат бўйича олинган батафсил тушунтириш хатлари, уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларининг нусхалари;

— жабрланувчи ва гумон қилинувчининг шахси ва ҳаёт тарзини ўрганиш учун қишлоқ фуқаролар йиғини, ўзини ўзи бошқариш органлари ёки маҳалла қўмиталаридан олинган тавсифнома ҳамда оилавий шароити тўғрисида маълумотномалар;

— жабрланувчини ёллаш тўғрисида тузилган шартнома (агар тузилган бўлса) ёки унинг нусхаси;

— гумон қилинувчи ва жабрланувчиларга тегишли жиноят иши бўйича далилий ашё сифатида ишлатилиши мумкин бўлган фотосуратлар, видео ёки аудио ахборот манбалари;

— меҳмонхоналарда бўлганлиги ҳақида маълумотнома ёки квитанцияларнинг нусхаси (агар мавжуд бўлса);

— жабрланувчининг чет элга чиқиши ва қайтишида фойдаланган чипталарининг асли ёки ксеронусхаси (агар мавжуд бўлса), мамлакатга кириш тўғрисидаги чегара назорати қоидаларини белгиловчи ҳужжатлар нусхаси, банк омонатлари;

— хорижга чиқиш-кириш ва фуқаролик бўлиmidан жабрланувчи ва гумон қилинувчиларга нисбатан виза олинганлиги ҳақида маълумот ҳамда уларга нисбатан юритилган ҳужжатлар йиғмажилдини олиб иш материалларига қўшиш;

— жабрланувчи ва гумон қилинувчиларнинг телефони бўлса, телефон алоқалари ташкилотларидан мазкур телефон ҳисобининг рўйхатини олиш;

— ишга тааллуқли шахсларнинг давлат чегарасидан ўтганлигини текшириб, бу ҳақда маълумотнома ва воқеа гувоҳларининг тушунтириш хатлари олиниши керак.

Жиноят иши қўзғатишдан аввал, жабрланувчининг чет элга борганидан сўнг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари кимда сақланганлиги; иш жойида ўзи мустақил равишда ҳаракатланиш ва иш жойини ташлаб кетиш имконияти бўлган-бўлмаганлиги; қандай шароитларда ишлаганлиги; тутқунликда ушлаб турилганлиги; ишлаш жараёнида қийноққа солинганлиги; тазйиқ ўтказилганлиги, ҳақиқатан ҳам чет элда мажбурий меҳнатга жалб қилинганлиги аниқланиши ва жабрланувчининг кўрсатувларини кимлар тасдиқлаши кабилар эътиборга олиниши лозим.

Чет элдан қайтганлиги тахмин қилинаётган жабрланувчидан ариза тушгач, ёллаш ва эксплуатация учун олиб чиқилган ҳолатлар бўйича хулоса чиқариш мумкин бўлган асосий ва бирламчи манба жабрланувчининг ўзи ҳисобланади. Шу боис имкон қадар тахмин қилинаётган жабрланувчи билан учрашиш ва шахсан суҳбатлашиш жуда муҳим. Албатта, дастлабки суҳбат телефон орқали бўлиши ҳам мумкин. Лекин, шахсий учрашув бошқаларига қараганда афзалроқдир, чунки шахсан бўлган учрашувда суҳбатдош ифодалаётган белгилардан ҳам кўп маълумотларни олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 330-моддасида жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга идораларнинг аниқ процессуал ваколатларидан келиб чиқиб, одам савдоси юзасидан келиб тушган ариза ёки жиноят ҳақидаги хабар бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши лозимлиги белгиланган:

1) жиноят иши қўзғатиш ҳақида;

2) иш қўзғатишни рад қилиш ҳақида;

3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилиги бўйича юбориш ҳақида.

Илмий мақолалар ва адабиётларда ушбу босқичдаги муаммолар сифатида жиноят ишини қўзғатишдан олдин тергов ҳаракатлари ўтказиш, улар натижасида олинган ашёларнинг далилий аҳамияти, қабул қилинган қарорлар устидан судга шикоят қилиш кабилар кўрсатилганлигини қайд этиш керак¹.

¹ Қаранг, масалан: *Панюков А.* Процессуальная деятельность без возбуждения уголовного дела // Российская юстиция. — 2003. — №5. — С. 51—53; *Раҳмонқулов А.Х.* Дастлабки тергов. — Т., 2004. — Б.125.

Жиноят-процессуал қонунида ишни қўзғатишдан аввал ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкинлиги, бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилиниши алоҳида белгилаб қўйилган. Шу ўринда бир савол туғилади. Ушлаб туриш тергов ҳаракатими ёки процессуал ҳаракатми? Лекин Жиноят-процессуал кодексида ушлаб туриш процессуал мажбурлов чоралари бўлимида акс эттирилган. Шу билан бирга жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартибида шахсда қурол борлиги ёки унинг жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар бўлганда, ушлаётган шахсни шахсий тинтув қилиш ва унга нисбатан олиб қўйиш ўтказишга процессуал қонун орқали ваколат берилган.

Шахсий тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатлари ҳисобланади. Шундай экан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакиллари қандай қилиб 329-модданинг учинчи қисми талабларини бузган ҳолда бу тергов ҳаракатларини ўтказишлари мумкин? Жиноят-процессуал қонунчиликда мавжуд қарама-қаршилик, бир қарашда унчалик катта аҳамиятга эга эмасдек туюлади, лекин қонунни қўллаш амалиётида ногўри, икки хил тушуниш ва амал қилиш ҳолатларининг пайдо бўлишига, пировард натижада қонуннинг бузилишига, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тушунмовчилик оқибатида чекланишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари» ҳақидаги 2004 йил 24 сентябрь қарорида: «Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунни аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга қўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул (яроқсиз) деб топилишига олиб келади», — дейилган.

Демак, жиноят содир қилган шахсдан олиб қўйилган ашёлар, қурол-яроғ, иш учун аҳамиятли бўлган бошқа нарсаларни жиноят иши бўйича далил деб ҳисоблаш мумкин эмас. Бу эса амалиёт билан назария ўртасида зиддиятли ҳолатни юзага келтиради, яъни ҳуқуқни қўлловчи шахс (суриштирувчи, терговчи ва ҳоказо) қонунни тўғри қўлласа, далилни йўқотади, далилни қайд қилса, қонунни бузади.

Бундай коллизия ҳолатни фақат қонунчиликка ўзгартиш киритиш орқали ҳал этиш мумкин. Бунда процессуал назариянинг ютуқлари билан бир қаторда жиноят ишларини тергов қилиш амалиётининг тажрибасини ҳам эътиборга олиш ва энг маъқул қарорни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, амалдаги ЖПКнинг 329-моддасининг иккинчи қисмида «... шахсни ушлаб туриш мажбурлов чорасини, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш, ушлаб туриш билан боғлиқ ҳолларда шахсий тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларини ўтказиш мумкин...» деб ифодалаш ва қонуний тартибга солиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай муаммоли ҳолатларнинг бартараф этилиши қонунларнинг бир хилда тушунилиши ва аниқ бажарилишига хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Қонуннинг ушбу ҳолатини ўрганиб, одам савдоси жинояти қурбонларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини жиноят ишини қўзғатиш вақтида таъминлаш мақсадида, уларга тергов олди текшируви давридаёқ процессуал мақомидан фойдаланиш имконияти берилиши, терговчининг уларни сўроқ қилишига рухсат этилиши, уларнинг жабрланган сифатидаги ваколатларини махсус қарор чиқариш йўли билан мустаҳкамланиши ва қарорда жиноят иши қўзғатишни ҳуқуқий таъминловчи чоралар кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

Масаланинг бундай қўйилиши жиноятдан жабрланганларнинг процессуал мақомини мустаҳкамлайди ва халқаро ҳуқуқ даражасида аниқланган «*иккиламчи виқтимизация*»¹ каби салбий омилларни йўқ қилишга ёрдам беради.

¹ Қаранг: *Акрамходжаев Б.Т.* Правовосстановительная функция в уголовном процессе. — Т., 1997. — С. 26.

Н. П. Азизов*

**ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ
ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ**

XX аср бошлари Туркистон халқлари учун сиёсий жиҳатдан уйғониш, ўз талаб-истаклари ҳамда эҳтиёжларини амалга ошириш мақсадида турли ташкилот, тўғарак ва жамиятларга уюшиш даври бўлди. Айнан чор Россияси мустабид тузумининг ўлкадаги бошбошдоқлиги, маҳаллий аҳолини зулм ва зўравонликда тутиб туриши, халқнинг бундай турмуш тарзига барҳам беришга интилиши ўлкада турли-туман жамият ва партияларнинг вужудга келишига олиб келди.

Россия сиёсий тузумида 1905 йилда рўй берган туб ўзгаришлар, Давлат Думасининг ташкил этилиши, унинг минбаридан туриб Туркистон ўлкаси халқларининг манфаатларини ҳам ҳимоя қилишга имкон яратди. Бу, ўз навбатида, туб аҳоли илгор қатламларини европа халқларидек ташкилот ва партияларга уюшиб ҳаракат қилишга ундади. 1917 йил февраль ойида рўй берган инқилоб Туркистонда партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши учун янги, жуда кучли туртки берди. Уни нафақат рус либераллари ва демократлари, шу билан бирга ўзининг муаммоларини тез ва адолатли тарзда ҳал этилишига умид уйғонган Туркистон туб аҳолисининг илгор қисми ҳам қўллаб-қувватлади¹.

Туркистон миллий ташкилотларининг сиёсий саҳнага чиқиши, фаолияти ҳамда дастурларида мужассамланган ғояларни ўрганиш ҳар доим тадқиқотчиларни ўзига жалб этиб келган. Мазкур ҳодисага ёндашув бир хил бўлмаган. Собиқ совет тузуми даврида уларнинг вужудга келиши ва тараққиётига фақат синфийлик нуқтаи назаридан баҳо берилган. Маҳаллий партия ва жамиятлар «маҳаллий буржуазия» ва «аксининқилоб руҳидаги зиёлилардан» иборатлиги, жамиятнинг юқори қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳаракатлар эканлиги уқтирилган².

Уларда 1917 йил февраль инқилобидан кейин «миллий буржуазиянинг турли ташкилотлари тузилганлиги», «маҳаллий буржуазиянинг, бой-клерикал унсурларнинг, буржуа зиёлиларининг буржуа миллатчилик ҳаракати» ўсиб борганлиги, «буржуа-миллатчи пантуркистларнинг «Шўройи исломия» ташкилоти» тузилганлиги, «олий табақа руҳонийлар, чор ҳукумати қуйи маъмуриятининг собиқ хизматчилари, маҳаллий бойлар, миллий буржуазиянинг реакцион унсурлари бу ташкилотларнинг таянчи» бўлганлиги тарғиб этилди³.

Миллий сиёсий ташкилотларнинг вужудга келиши, уларнинг дастурларида мужассамланган қоялар мазкур сиёсий ташкилотларнинг фаолиятида иштирок этган Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдуллоҳ Ражаб Бойсун, Али Бодомчи, Маҳмудхўжа Бехбудий, Аҳмад Заки Валидий каби тараққийпарварлар ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ўрганилган⁴.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиқининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Қаранг: *Абдуллаев Р.* Туркестанские прогрессисты и национальное движение // Звезда Востока. — 1992. — №1. — С.108.

² *Алексеевков П.* Кокандская автономия. — Т., 1931; *Федоров Е.* Очерки национально-освободительного движения в Средней Азии. — Т., 1925; ва бошқ.

³ Қаранг: *Ўзбекистон ССР тарихи.* Т.3. — Т., — 1971. — Б.53.

⁴ *Абдурашидхонов Мунавварқори.* Танланган асарлар (Тахрир ҳайъати): О.Шарафиддинов, Н.Аминов, Н.Каримов ва бошқ.: Масъул муҳаррир: *Н.Каримов.* — Т., 2003. — Б.304; *Абдуллоҳ Ражаб.* Бойсун. Туркистон миллий ҳаракатлари. — Истанбул, 1945; *Али Бодомчи.* 1917—1924 йиллардаги Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошшо. Қўрбошилар. II жилд. — Истанбул, 1975; *Маҳмудхўжа Бехбудий.* Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчи, тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Қосимов. — Т., 1997. — Б.232;

Мустақиллик йилларида ҳуқуқшунос олимлардан профессорлар А. Азизхўжаев, Ж. Тошқулов¹, тарихчи олимлардан профессорлар Р. Абдуллаев, Д. Алимова, С. Аъзамхўжаев, Ҳ. Зиёев, Д. Зияева, А. Мингноров, Ж. Содиқовлар ўлкада сиёсий партия ва ташкилотларнинг вужудга келиши тарихини ҳамда уларнинг дастурларини тадқиқ этганлар².

Ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта из қолдирган ички ва ташқи омиллар таъсирида Туркистон халқларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Тараққийпарварлар», «Турон», «Иттифоқ», «Иттиҳод ва тараққий», «Шўройи Исломия», «Шўройи Уламо», «Турк Адами Марказият» ҳамда Туркистон сиёсий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутган «Алаш Ўрда» каби партиялар, йигирмага яқин миллий жамият ва тўғарақлар тузилган.

Туркистонда сиёсий ташкилотларнинг вужудга келиши ва тараққиёт босқичлари тўғрисидаги масала муҳим бўлиб, ҳозирга қадар тадқиқотчилар ўртасида яқдил фикр мавжуд эмас. Шу сабабли Туркистонда миллий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичларига ойдинлик киритиш вақти етди. Аксарият тадқиқот ишларида Туркистон миллий партияларининг вужудга келиши даврини ўрганиш, Россияда 1917 йил февраль ойида юз берган инқилобдан бошланади³.

Шу билан бирга мамлакатимизда сиёсий ташкилотлар 1917 йил февраль воқеаларидан анча олдин вужудга келганлигини кўрсатувчи далиллар мавжуд. Жумладан, Туркистон жадиidlари етакчиларидан бири бўлган А. Авлонийнинг ёзишича, «1904 йилда рус-япон уруши чиқиб, бу уруш бутун Россия ишчиларининг кўзини очқондек бизнинг ҳам кўзимиз очилди. 1905 йилдаги Россияда бошланган инқилоб тўлқини бизга ҳам таъсир қилди. Бизнинг ташкилотимиз сиёсий маслақларга тушуниб, биринчи навбатда қора халқни оқартмоқ ва кўзни очмоқ чорасига киришди. Бу мақсадга эришмоқ учун газит чиқармоқни муносиб кўруб, уюшма ҳаракати билан ўзбек тилида газеталар чиқарилди»⁴.

Жадиdчилик оқимининг вужудга келиши ва тараққиётини тадқиқ этган олим Б.Қосимов А.Авлонийнинг таржимаи ҳолидан келтирилган муддатга асосланиб, сиёсий ҳаракатлар 1900 йиллардан бошлаб шаклланганлигини уқтиради: «А.Авлоний таржимаи ҳолларидан маълум бўлишича, 1901 йиллардан бошлаб Тошкентда маҳаллий ёшларнинг «жадиdлар тўдаси» ташкил топган эди. Авлоний унга 1904 йилда аъзо бўлганлигини маълум қилади. Мунавварқори унинг асосчиларидан эди. 1909 йилда у бир қатор дўстлари ҳамкорлигида «Жамияти хайрия» тузади. 1913 йилда «Турон» жамиятини таъсис этади»⁵.

Юқоридагиларга асосланиб, Туркистон ўлкасида сиёсий партияларнинг шаклланиши 1917 йил юз берган февраль воқеаларидан анча илгари, 1900 йиллардан бошланганлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Туркистон ўлкасида вужудга келган ва фаолият кўрсатган сиёсий ташкилотларнинг тараққиёт босқичларини шартли равишда тўрт босқичга бўлиб ўрганиш мумкин: *биринчи*

Аҳмад Заки Валидий. Рус мустамлака сиёсатининг моҳияти ва мақсади. / Б.Қосимов таржимаси. — Вена, 1929; *Мустафо Чокай-оглы.* Туркестан под властью советов (к характеристике диктатуры пролетариата). — Париж, 1935; Программные документы мусульманских политических партий 1917—1920 гг. — Оксфорд, 1985.

¹ *Тошқулов Дж.У.* Правовое государство — независимость, нация, экономика, идеология, политика. Т.4. — Т., 1994. — С.232; *Ўзбекистоннинг янги тарихи / Тузувчилар: Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов* ва бошқ.: Таҳрир ҳайъати: А.Азизхўжаев (раис) ва бошқ. — Т., 2000. — Б.464.

² *Абдуллаев Р.* Туркестанские прогрессисты и национальное движение // Звезда Востока. — 1992. — №1. — С. 106—113; *Аъзамхўжаев С.* Туркистон мухторияти. — Т., 1996. — Б.60; *Зияева Д.* Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати XX аср тарихнавислигида (1916 йил кўзғолони ва 1918—1924 йиллардаги истиқлолчилик ҳаракатини ўрганиш муаммолари): тарих фанлари д-ри дис. автореф. — Т., 1999; *Алимов Д., Голованова А.А.* Узбекистан в 1917—1990 годы: противоборство идей и идеологий. — Т., 2002; *Мингноров А.Д.* Туркистонда 1917—1918 йиллардаги миллий-сиёсий ташкилотлар (миллий матбуот материаллари асосида). — Т., 2002.

³ Қаранг: *Алимова Д.А., Голованова А.А.* Узбекистан в 1917—1990 годы: противоборство идей и идеологий. — Т., 2002. — С.80; *Мингноров А.* Туркистонда 1917—1918 йиллардаги миллий-сиёсий ташкилотлар (миллий матбуот материаллари асосида). — Т., 2002. — Б.60.

⁴ *Авлоний А.* Бугунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи // Туркистон. — 1924. — 24 июнь.

⁵ Қаранг: *Қосимов Б.* Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. — Т., 2002. — Б. 238.

босқич, ўлкада маърифий, иқтисодий ғояларни илгари сурувчи ташкилотларнинг вужудга келиш даври. Мазкур даврда фаолият кўрсатган ташкилотлар «бюро», «тўғарак», «жамият» деб аталиб, улар халқ орасида илм-маърифат тарқатиш, мавжуд ўқитиш тизимини ислоҳ этиш, зарарли одатларга барҳам беришни ўз олдиларига мақсад қилиб олганлар; *иккинчи босқич*, Россияда 1917 йил февраль ойида юз берган воқеалардан сўнг пайдо бўлган ташкилотлар. Бу ташкилотлар зудлик билан сиёсийлашиб, партияларга айлана борди; *учинчи босқич*, Туркистонда ҳокимият большевиклар томонидан эгалланганидан кейин вужудга келган партиялар. Мазкур партиялар мустақиллик ғояларини ёқлаб чиққанлар ва шу йўлда фаол ҳаракат қилганлар; *тўртинчи босқич*, ўлкада якпартиявийлик тизимининг ўрнатилиши ва миллий партияларнинг тугатилиши даврини ўз ичига олади.

Таъкидлаш жоизки, Туркистон сиёсий партиялари бир жойда қотиб қолган, халқдан узилиб қолган ҳаракат бўлмаган. Аксинча, улар замон ўзгаришларига мос равишда тараққий этган. Ўз ривожланишининг ҳар бир босқичида халқ иродасини ифодалашга интилан, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган.

Аксарият адабиётларда XX асрнинг бошларида жадидларнинг фаолияти фақат маърифатни тарғиб этиш, янги усул мактаблар очиш, газеталар нашр этиш орқали халқни асрий қолоқликдан чиқаришга қаратилганлиги, улар бу даврда ўз олдиларига сиёсий мақсадларни қўймаганликлари таъкидланади. Лекин сўнгги маълумотлар жадидларнинг аввалдан озодликка эришиш, мустамлака тузумига барҳам беришни мақсад қилиб қўйганликларини кўрсатади. Жумладан, Мунавварқори жадидларнинг маърифатчилик ғоясини илгари суриш орқали, янги усулдаги мактаб ва газеталар очишнинг туб мақсади рус мустамлака тузумини йўқотиш эканлигини уқтиради. У бу ҳақда шундай ёзади: «Чор ҳукумати йўқотиш жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда насия ёзадурқон ходимлар етказсак. Шу ишга ақлли одам шу баҳони беришда у ёқ, бу ёқни мулоҳаза қилсин»¹.

Ўлкада кучли маҳаллий партияларнинг шаклланишидан хавотирланган большевиклар, ўзларининг мутлақ ҳокимиятни эгаллашига тўсқинлик қилиши мумкинлигини англаб етган ҳолда турли воситалар билан бундай партияларни парчалаб ташлашга, улар ўртасида адоват, душманлик қўзғатишга интилан ва бунга муваффақ ҳам бўлган. «Туркистон мусулмонларининг I қурултойида уламочилар билан тараққийпарвар ёшларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши, мусулмонларнинг ҳамжиҳатликда мустақилликни қўлга киритиш ҳаракатлари Россия сиёсатчиларини, аниқроғи, большевикларни чўчитиб қўйди ва улар миллий кучлар ўртасида ўзаро келишмовчиликларни юзага келтириб, вазиятдан фойдаланган ҳолда уларни парчалаб юбориш сиёсатини олиб бордилар»².

Жумладан, Туркистон ўлкасида XX аср бошларида вужудга келган илғор ғояларни илгари суриб, халқни ўз атрофида уюштиришга ҳаракат қилган умуммиллий ҳаракатлардан бири «Шўройи Исломия» ҳисобланади. Адабиётларда «Шўройи Исломия» партияси 1917 йилнинг 12 мартидан ўз фаолиятини бошлаганлиги, партиянинг 14-16 ва 31 март кунлари бўлиб ўтган мажлисларида ташкилий жиҳатдан шаклланганлиги, унинг идора мажлиси (президиуми), ижроия қўмитаси ташкил этилганлиги қайд этилади. У дастлаб «Шўройи Исломия» бюроси, кейинчалик Тошкент «Шўройи Исломия» жамияти ва ниҳоят «Туркистон Шўройи Исломия жамияти» деб аталган³.

«Шўройи Исломия» партияси ўзининг ташкилий тузилиши, дастури, аниқ мақсадларига эга бўлиб, у қисқа вақт ичида халқ оммасининг эътиборини қозонган. Андижон, Мари, Оқ масжид, Тошкент, Туркистон, Фарқона, Ўш шаҳарларида жамиятнинг шўъбалари очилган. Жумладан, Фарғона шаҳрида «Шўройи Исломия» шўъбаси, Самарқанд шаҳрида «Клуби Исломия», Андижон шаҳрида «Шўройи Исломия» шўъбаси, Наманганда «Шўройи Исломия»

¹ *Абдурашидхонов Мунаввар қори*. Танланган асарлар (Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов, Н.Аминов, Н.Каримов ва бошқ.). — Т., 2003. — Б.181.

² Ўша асар. — Б.27.

³ Қаранг: *Абдурашидхонов Мунавварқори*. Танланган асарлар (Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов, Н.Аминов, Н.Каримов ва бошқ.): Масъул муҳаррир: Н.Каримов. — Т., 2003. — Б.42-44.

жамиятлари тузилган¹. Партия дастурида «Туркистон мусулмонлари орасида кенг ислохотларни амалга ошириб, бутун Туркистон мусулмонларини ягона бир партия атрофида бирлаштиришни асосий мақсад қилиб кўрсатилган»².

Лекин большевикларнинг «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» сиёсати натижасида, «Шўройи Исломия» ташкилоти парчаланиб, 1917 йилнинг июн ойида ундан «Шўройи Уламо» жамияти ташкилий жиҳатдан ажралиб чиқди. «Шўройи Уламо» жамияти аъзолари аксарият уламолардан иборат эди. Уларнинг асосий эътибори диний масалаларга қаратилган бўлиб, ахлоқ, маданият, ижтимоий ҳаёт руҳоният нуқтаи назаридан тарғиб этилган.

Партияларнинг сиёсий мақсадлари, дастурий талаблари замон талабига монанд ўзгариб борган. Агар улар дастлаб чор амалдорларининг жабр-зулми, зўравонлиги, руслаштириш сиёсати авжга чиққан пайтда халқнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, унинг сиёсий онгини юксалтириш, ҳаққини танитиш мақсадида илм-маърифат тарқатиш, ёшларни ўқишга тарғиб этиш йўлида фаолият кўрсатган бўлса, кейинроқ большевикларнинг ўлкада янги мустамлака тартибларини жорий этишга уриниши, маҳаллий аҳоли вакилларини ҳокимият ишларига аралаштирмаслик сиёсати кабиларга эътироз билдирганлар ва бу, ўз навбатида, истиқлол ғоясини тарғиб қилувчи ҳамда шу йўлда кураш олиб борувчи партияларнинг шаклланишига туртки бўлган.

Худди шундай партиялар сирасига «Эрк», «Миллий иттиҳод» каби партияларни кириштиш мумкин. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, «Эрк» партиясини тузиш ғояси 1919 йилнинг баҳорида пайдо бўлган. Бир-биридан мустақил равишда Тошкент ҳамда Бошқирдистон социалистлар гуруҳи III Интернационалга кира оладиган маҳаллий социалистик партияни тузишга қарор қилган. Шу йилнинг ноябрь ойида Тошкент, Бухоро, Қирғиз ва Бошқирд социалистик вакиллари Москвада йиғилиб, маҳаллий социалистик партия тузишга келишганлар. Партиянинг 12 банддан иборат дастури ишлаб чиқилган.

1920 йилнинг баҳорига келиб, Россия собиқ коммунистик партияси қонуний равишда амал қиладиган маҳаллий социалистик партиянинг вужудга келишига йўл қўймаслиги аниқ бўлган. Шунда мазкур партия вакиллари 1920 йилнинг июн ойида ҳар қандай йўл билан партияни тузишга қарор қилганлар.

1920 йилнинг сентябрь ойида Бокуда бўлиб ўтган Шарқ халқлари съезди даврида, партиянинг ташкилий комиссияси фаолият кўрсатган. Улар томонидан партиянинг 37 банддан иборат дастури ишлаб чиқилган. Худди шу комиссия 1921 йилнинг 7-10 январида Бухорода бўлиб ўтган мажлисида «Туркистон социалистлар тўдаси» номини қабул қилди. Шу йилнинг 15-18 апрелида Бухорода Қирғиз (Қозоғистон) ва Хоразм республикалари вакиллари иштирокида партиянинг кенгайтирилган кенгаши бўлиб, унда партиянинг 9 банддан иборат дастури қабул қилинган. 1926 йил 8-9 январда партия кенгаши партия номини «Социалистик Эрк фирқаси», яъни «Туркистон социалистик Эрк партияси» деб ўзгартирган ва 9 банддан иборат партия дастурини охириги вариантда тасдиқлаган³.

Лекин ўлкада большевиклар мутлақ ҳокимиятининг ўрнатилиши ва миллий партияларни йўқ қилиш мақсадида олиб борган фаолияти мазкур ҳаракатларнинг тараққий этишига имкон бермади. Балки уларнинг қисқа вақт ичида яширин иш олиб боришга ўтишига ҳамда мустабид тузум тарафидан партия аъзоларининг жисмоний ва маънавий бартараф этилишига олиб келди.

Шундай қилиб, Туркистон ўлкасида миллий партияларнинг шаклланиши ва тараққиёти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар ўлка халқларининг ижтимоий, сиёсий ҳаётида беқиёс аҳамиятга эга бўлган. Шу сабабли, миллий партияларнинг вужудга келиши, тараққиёти, дастурлари, илгари сурган ғоялари ва фаолиятини чуқур ўрганиш мустақил мамлакатимиз тарихини ўрганиш учун зарур манба бўлиб хизмат қилади.

¹ Қаранг: *Мингноров А.* Туркистонда 1917—1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). — Т., 2002. — Б.5.

² Ўша асар. — Б.11.

³ Батафсил қаранг: Программные документы мусульманских политических партий 1917—1920 гг. — Оксфорд, 1985. — С.106—107.

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИ, ТУЗИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хива хонлиги илк ташкил топган давр, яъни XVI аср бошлариданоқ маъмурий-худудий тузилиши ва маҳаллий бошқарувига кўра қўшни давлатлар ҳисобланган Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигидан фарқ қилган. Жумладан, уларда маъмурий-худудий бирликларга нисбатан «беклик» атамаси қўлланилган. Хивада эса ўтроқ ва кўчманчи аҳоли истиқомат қилувчи маъмурий-худудий бирликлар барча даврларда «вилоят», «шаҳар» ва «туман» деб юритилган. Айни вақтнинг ўзида маҳаллий бошқарув лавозимлари, яъни «ҳоким» ва «султон» мансаби номидан келиб чиққан ҳолда, дастлабки даврларда «султонлик» ва «ҳокимлик» деб ҳам юритилган.

Абулғозийхон, эронлик тарихчилар, рус элчиларининг маълумотлари ва Асфандиёр султон, Шариф Муҳаммад султон ёрлиқларида қайд этилганидек, XVI асрда маҳаллий давлат бошқаруви марказдан амалга оширилмаган. Чингизийларнинг ўлка тақсимооти қондасига биноан, ҳар бир султон ўз ерига эгалик ҳуқуқини қўлга киритган. Султонлар вилоятларда хон саналиб, маҳаллий давлат ҳокимиятини вужудга келтирган. Улар худудларни ўзлари тайинлаган ҳоким, кенгаш ва маҳаллий маъмурий давлат тузилмаси орқали бошқарганлар. Абулғозийхоннинг «Шажарайи турк» асарида ва инглиз савдогари Антони Женкинсоннинг хотираларида ёзилишича, пойтахтдан узоқ Нисо, Обивард ва Марвдаги султонлар алоҳида хонлик даъвоси билан бош хоннинг руҳсатисиз Эрон худудига юришлар уюштирганлар¹. Ўз номларидан элчилик алоқаларини йўлга қўйиб, ташқи сиёсатда мустақил иш кўрганлар².

Сулолавий бошқарув, яъни султонликлар даврида мамлакат худуди султонлар (хон сулоласи вакиллари) ўртасида тақсимланган ва марказий ҳокимият билан келишган ҳолда идора этилган. Маҳаллий ҳокимият, яъни султонликлардаги ҳокимият ҳам умумий ҳолларда мерос тариқасида ўтган. Қўшни давлатлар билан ҳар қандай алоқа ва жанглар ҳам мустақил тарзда олиб борилган³. Бу ҳолат сулолавий бошқарув ўрнини худудий бошқарув тизими эгаллаган даврда ҳам нисбатан сақланиб қолган. Жумладан, XVIII асрнинг биринчи ярмида Шоҳобод (ҳозирги Шовот) мустақил ҳолда қўшни давлатлар билан ҳарбий ҳаракатлар олиб борган⁴.

Қисқача айтганда, XVI асрга Хоразм хонлиги давлатчилиги учун олий ҳукмдор ҳисобланган бош хоннинг қонун чиқариш, марказий ижроия, назорат ва бош қўмондонлик ҳуқуқлари чекланган. Табиийки, бу ҳолат маҳаллий давлат бошқаруви эмас, балки давлат ичидаги давлат тартибида бўлган.

Манбаларда бу даврда давлат бошқаруви соҳасида оталиқ, ҳоким, нақиб, хазиначи, парвоначи, мирохур, божбон (муҳассили, солиқ ва ўлпон йиғувчи), мироб, ясовул, қози, раис, муфти, мутаввали, пошшаб (турма бошлиғи, жаллод), оқсоқол, чухра ва бошқалар хизмат қилганлиги қайд этилади⁵. Чунончи, ушбу лавозимлар хонликнинг кейинги даврида ҳам мавжуд бўлган.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедрасининг ўқитувчиси.

¹ Бухоро хони Абдуллахон Иккинчининг Хоразмга юришига айнан султонларнинг хатти-ҳаракатлари сабаб бўлган.

² Қаранг: Бекжонов И. «Етти гумбаз»дан топилган ёрлиқлар // Миллий тикланиш. — 1995. — 31 окт.

³ Қаранг: Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. — Т., 1990. — Б.133—143.

⁴ Қаранг: Бобожонов П., Отаев А. Хива тарихига бир назар. — Урганч: Хоразм, 1997. — Б.13.

⁵ Қаранг: Камалов С. К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. — Т., 1968. — С. 128; Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. 5-жилд. — Т., 1978. — Б.64.

Султонлик даврига хос жиҳатлар шундаки, барқарорлик ҳукм сурган даврларда мамлакат хон томонидан унинг ўғллари султонларга инъом тариқасида берилган. Айрим ҳолларда битта султонлик собиқ бош хоннинг фарзандлари ихтиёрига берилган. Бир нечта маъмурий-ҳудудий бирлик бир султон томонидан идора этилиши мумкин бўлган.

1644 йилдан сўнг маҳаллий бошқарув энди бош хон томонидан тайинланган иноқларга, ер-сув ва молиявий ваколатлар оталиқлар ихтиёрига ўтган. XVIII–XIX асрнинг биринчи ярмида вилоят ва улуслар иноқлар ҳамда бийлар томонидан бошқарилган. Валиаҳд-иноқ асосан мамлакатнинг муҳим стратегик ва катта вилояти ҳисобланган Ҳазораспни бошқарган. XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, хонлик тугатилгунча *маҳаллий бошқарув* қобилиятли хўжалар авлоди ва хон оиласи яқинлари томонидан юритилди.

Султолавий бошқарув тизими ўрнини ҳудудий бошқарув тизими эгаллаган даврларга келиб, йирик маъмурий-ҳудудий бирликлар ўзаро бўлинган ҳолда, султонлар томонидан эмас, балки маҳаллий мансабдор шахс — ҳокимлар томонидан бошқарилган. Ноиблик ҳисобланган Марв вилоятига хон томонидан лавозимга тайинланадиган ва ундан озод этиладиган ноиб бошчилик қилган. Хива таркибига киритилган Хуросон ерларига алоҳида ҳокимлар тайинланган. Илгариги даврларда бўлгани сингари хонлик тугатилгунга қадар пойтахт ва унга туташ ҳудудлар бевосита хон томонидан бошқарилган.

Ҳокимлар хон томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод этилган. Айрим ҳолларда хонлар жойларга борганда шу ерлик аҳоли орасидан маҳаллий мансабдор шахсларни лавозимга тайинлаган, шунингдек муносибларини ўз лавозимида қолдирган ва тақдирлаган. Ўз навбатида, ҳокимлар устидан қилинган арзлар хон томонидан кўриб чиқилган. Анъанага кўра, жойларга ҳоким сифатида баҳодир, оталиқ, маҳрам, хўжа, девон каби мансаб ва унвон эгалари тайинланганлар¹.

Ҳокимларнинг ваколат доираси хон томонидан белгиланган. Уларнинг бирламчи вазифаси жойларда аҳолини бошқариш ва ўз вақтида солиқларни йиғиш ҳисобланган. Шунингдек, улар маъмурий, молиявий, хавфсизлик ва тартибот, судлов ва бошқа функцияларни амалга оширганлар.

Маҳаллий бошқарув органларида девон фаолият юритиб, ўз бюджетига эга бўлган. Мансабдор шахслар мазкур бюджет ҳисобидан таъминланган².

Баъзи манбаларда маҳаллий ҳокимият органларида кам сонли маҳрам лавозимлари ҳам бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар учрайди³. Фикримизча, маҳрамлар фақат саройда фаолият кўрсатган ва хон маҳрами деб юритилган. Улар хон топшириқларини ижро этган.

Маҳаллий манбаларда келтирилишича, ҳокимлар қошида ёлланма кўшин бўлган⁴. Зарур ҳолларда, у хон фармонида биноан ҳоким бошчилигида ҳаракатланган⁵.

Кўчманчи аҳоли яшаган ҳудудларнинг ҳокимлари ҳисобланган қабила бошлигининг барча даврлардаги ваколат доираси ўтроқ аҳолига ҳукмронлик қилган ҳокимларнинг ваколатидан фарқ қилган. Уларнинг таъсири аҳоли (масалан, қорақалпоқ улуси), қабила ёки уруғи миқёси билан чекланган. Бийлар ва оқсоқоллар қабила ёки уруғ ичидаги музокараларни, ер-сув ва бошқа масалаларни ҳал этиш, одат ҳуқуқи нормалари асосида уруғнинг экзогамикаси ва ички левиритини бузиш, қалин тўламаслик ҳолатлари юзасидан суд ишларини юритиш ваколатига эга бўлган.

Кўчманчи аҳоли вакиллари бир вақтнинг ўзида масжид-қавмлар (бир масжидга йиғилувчи аҳоли яшаш жойи)га уюшган бўлиб, этник тузилишига кўра нисбатан

¹ Қаранг: *Азизов Б. Т.* Хоразм навозандалари. — Т., 1994. — Б.26.

² Қаранг: *Погорельский И. В.* Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства в конце XIX и начале XX в. — Л., 1968. — С. 38.

³ Қаранг: *Камалов С. К.* Каракалпаки в XVIII–XIX веках. — Т., 1968. — С. 127.

⁴ Қаранг: *Огаҳий.* Асарлар. 6 жилдлик. 5-жилд. — Т., 1978. — Б.123.

⁵ Қаранг: *Баёний.* Шажараи Хоразмшоҳий. — Т., 1991. — Б.242.

фарқланувчи ички бошқарув тизимлари ҳам амал қилган. Ҳар бир этник гуруҳга мансуб аҳоли, аввало, қабилани ташкил этувчи уруғларга бўлиниб, уруғ бошлиқлари томонидан идора этилган. Қишлоқлар оқсоқоллар томонидан бошқарилган. Оқсоқол масжид-қавм фуқаролари томонидан сайланган ва номзоди хон тасдиғидан ўтган. Манбаларда келтирилишича, оқсоқоллар жамоат тартиботига оид ишларни ҳам амалга оширган¹.

Ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудларда катта оқсоқол фаолият кўрсатган ва у оқсоқоллар кенгашини чақириш ваколатига эга бўлган. Кенгашда умумий аҳамиятга молик масалалар кўрилиб, бу юзасидан қарор чиқарилган. Масалан, Янги Урганчга нисбатан чоризм босқини амалга оширилаётган вақтда худди шундай Кенгаш чақирилади. Кенгаш таркибида маҳаллий аҳоли вакиллари катта мавқега эга фуқаролар ҳам ўрин олган².

Оқсоқоллар ички низоларни ўз ваколати доирасида ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Лекин уларнинг қарорлари мажбурий кучга эга бўлмаган³. Уруғ оқсоқоллари муҳрини сақловчи ва олиб юривчи шахс муҳрдор деб аталган⁴. Уруғ ичидаги мансаблар ҳам мерос тариқасида ўтган ва бунинг учун, албатта, хон тасдиғи шарт бўлган.

Туркманларда уруғ оқсоқоллари қабила оқсоқолларига, қабила оқсоқоллари эса бевосита хонга бўйсунган ва хон томонидан лавозимга тайинланган. Шу билан бирга, ички бошқарувда уруғ ва қабилаларнинг ўз оқсоқоллари томонидан юргизиладиган маслаҳат кенгаши бўлган.

Қорақалпоқ халқи ичида катта овулларни бий (шажара бошлиғи)⁵, катта овул ичидаги тузилма - коше (кўча)ларни оқсоқол ёки хон тасдиқлаши шарт бўлмаган кўше бийлар бошқарган. Уруғлар қабилалар миқёсида қабила оқсоқоллари ҳисобланган бийлар томонидан бошқарилган. Бийлар оталиққа (уруғ бошлиғига), оталиқлар эса саройда фаолият кўрсатувчи хон томонидан тайинланадиган ва бутун халқ — улус номидан иш кўрадиган беклар бегига бўйсунган. Бийлар қабила ҳамда уруғ бошлиғи ҳисобланган бийларга бўлиниб, қабила аъзолари сонига қараб, сони турлича бўлган. Хусусан, қорақалпоқлар бошқаруви бўйича 16 нафар бий фаолият кўрсатган бўлиб, 4 нафар бий битта оталиққа, 4 нафар оталиқ эса марказий аппаратдаги 2 нафар бекларбегига бўйсунган. Бекларбегиларнинг бири қўнғирот, иккинчиси манғитлар бошқарувини олиб борган⁶. Бий мансаби жамоа фикри ва хон тасдиғи асосида мерос тариқасида ўтган⁷.

Кўчманчи аҳоли ижтимоий-сиёсий ҳаётида қабила ва уруғ бийлари томонидан чақириладиган «оқсоқоллар маслаҳати», бий ва уруғ аслзодалари вакиллари иборат «маслаҳат» фаолият кўрсатган. Овулларда овул кенгаши мавжуд бўлган.

Эътиборлиси шундаки, маҳаллий мансабдор шахслар ҳам хонга хатлар орқали турли масалалар юзасидан мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган. Масалан, Хива хонлари архиви ҳужжатларидан бирида Қозоқия улусидаги Эшнӣёз бий «ҳазрати хоразмшоҳ» Саййид Муҳаммадхонга ариза жўнатиб, бобоси, отаси, акаси эга бўлган бийлик мансаби ўтган йил хон (Саййид Муҳаммадхон) томонидан унга берилгани, бироқ ҳоким Ёрмуҳаммад элларни бирлаштириши натижасида мансабсиз қолганини ва иложи бўлса, яна ўз эли ва уруғига бий қилиб қўйишларини илтимос қилганлиги қайд этилган⁸.

¹ Қаранг: Ўзбекистон тарихи. 4 томлик. Т. 1. — Т., 1970. — Б.652—653.

² Қаранг: Описание действий Туркестанского отряда в Хивинскую экспедицию 1873 года. — Т., 1882. — С. 202.

³ Қаранг: Военные действия на Оксусе и падание Хивы. — М., 1875. — С. 248.

⁴ Қаранг: *Погорельский И. В.* Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства в конце XIX и начале XX в. — Л., 1968. — С. 91.

⁵ XIX асрнинг учинчи чорагида қорақалпоқ қабилалари бошқарувида 95 та бий фаолият юритган.

⁶ *Йўлдошев М.* Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. — Т., 1959. — Б.246.

⁷ Қаранг: Обращения к хивинскому хану разных лиц о назначении на какую-либо должность // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. № 31. — 1-5-в; *Камалов С. К.* Каракалпаки в XVIII-XIX веках. — Т., 1968. — С. 125-128.

⁸ Қаранг: Обращения к хивинскому хану разных лиц о назначении на какую-либо должность // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. — № 31. — 1-5-в.

Қуйида маҳаллий бошқарув тизимида жорий этилган маҳаллий лавозимларга оид баъзи маълумотларни келтирмоқчимиз. Пойтахт ва бошқа шаҳарларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиларни излаш ва маҳкумларни кўриқлаш борасида доруға, калонтор, тўқсовул ҳамда миршаб каби лавозимлар таъсис этилган¹. Одатда, миршаблар кечки пайт, яъни бозорлар, дўконлар, устахоналар ва шаҳар дарвозалари ёпилиши билан ўз вазифасини бажаришга киришган. Шу нуқтаи назардан, улар «тунги миршаблар» деб ҳам аталган. Улар суд терговидан олдин миршабхонада суриштирув ишлари олиб бориш, гумон қилинувчи ва айбланувчиларни ушлаб туриш ваколатига эга бўлган. Кўп ҳолларда жамоат тартибини сақлашда навкарлар ҳам қўшимча куч сифатида жалб этилган.

Айрим манбаларда хон ёрлиғига биноан лавозимга тайинланган ва озод этилган «мингбоши» ва «юзбоши» маҳаллий бошқарувни амалга оширувчи мансабдор шахслар бўлиб, ҳарбий ҳаракатлар жараёнида қўшин бошқарувига жалб этилган, деган фикрлар келтирилади². Бу ўринда биз қўшин бошқаруви ҳудудий миқёсда ҳам амалга оширилган бўлиши мумкин деган, фаразни илгари сурамиз.

Хон томонидан шаҳар ва катта қишлоқларга диний-ахлоқий нормаларнинг бажарилишини назорат этувчи раислар тайинланган³. Одатда, улар муфти ва охунлар орасидан тайинланган.

Раислар жойларда одамларнинг хатти-ҳаракатларини диний-шаърий қоидаларга мослигини текшириш, яъни: мусулмон аҳолининг кундалик турмушда (уйларда) шариат қоидаларига риоя этишларини; диний анъана ва маросимларни ўтказиш тартибига риоя этилиши ёки аниқ бажарилишини назорат қилиш; масжидларда намозга келган-келмаганларни аниқлаш, ота-оналарнинг болаларни мактабга жўнатишлари устидан назорат олиб бориш; шаҳарлар тозалиги, ободончилиги ва хавфсизлигини кузатиш, йўллар ва унинг теварак-атрофининг таъмирланганлик ҳолати ва савдо-сотиқ қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш, бозорлардаги ўлчов воситалари ва тарозиларнинг тўғрилигини, мадрасалар фаолиятини текшириш ва бошқа ваколатларни амалга оширган. Ўз навбатида, улар диний-шаърий қоидаларнинг бузилиш ҳолатлари юзасидан интизомий ва жиноий жазо чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган. Шунингдек, мулла, имом ва муфтиларга кўрсатма бериб борган⁴.

Раислар қозилар билан яқин ҳамкорликда фаолият юритгани сабабли манбаларда «қози-раис», «муфти-раис» каби атамаларни учратиш мумкин⁵. Жумладан, ҳижрий 1268 йил 15 рабиъ ул-аввал (1852 йил март) ойида Хонақоҳда Муҳаммад Латиф махдумнинг қози-раис ва ҳижрий 1266 йил 18 рабиъ ул-аввал (1850 йил апрел) ойида Қипчоқ қалъаси қози-раиси тайинлангани ҳақидаги ёрлиқлар ҳам бизгача етиб келган бўлиб, улар «қози-раис», «муфти-раис» атамаси маъноларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади⁶.

¹ Қаранг: Разные письма, адресованные Эмир ал-Умара, от Мир-Ахмад-хана о войне туркменов и иранцев, о положении города Герата // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. № 248. — 11-12-в; *Огаҳий*. Асарлар. 6 жилдлик. 5-жилд. — Т., 1978. — Б.192—193.

² Қаранг: *Маткаримов М. М. Феруз — йирик давлат арбоби // Феруз — шоҳ ва шоир: Тўплам. — Урганч: Хоразм, 1994. — Б. 11—12.*

³ Тарханный ярлык хивинского хана Сеид Шах-Тимур-Бахадур-хана, выданный сыновьям Мухаммад-Надир-шейха // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. — № 2. — 1-4-в.

⁴ Қаранг: Ярлык хивинского хана Сейд-Мухаммад-Рахим-Бахадур-хана о назначении раиса и казия в городе Хазарасп // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. — № 22а. — 1-2-в.

⁵ Қаранг: *Маткаримов М. М. Феруз — йирик давлат арбоби // Феруз — шоҳ ва шоир: Тўплам. — Урганч: Хоразм, 1994. — Б.10—11; Погорельский И. В. Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства в конце XIX и начале XX в. — Л., 1968. — С. 38.*

⁶ Қаранг: Ярлык хивинского хана Мухаммад-Эмин-Бахадур-хана о назначении казиев и биев // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. — № 15. — 1-4-в.

Сув ҳўжалигига ушбу соҳани мукамал билган «мироб»лар танлаб олинган. Мироблар хон томонидан тегишли ҳудуддаги маҳаллий аҳоли вакиллари орасидан суғормачилик ишларини яхши тушунадиган кишилардан тайинланган. Улар катта ва кичик миробларга бўлинган. Катта мироб сувни ташқи катта каналлар орқали, кичик мироблар эса ички каналлар орқали сув тақсимотини амалга оширган. Улар сув йўллари ва иншоотларини қуриш ва таъмирлаш ишларига аҳолини сафарбар этиш каби вазифаларни бажарган.

Мироблар қишлоқларда тартиб-интизом ишларига ҳам жалб этилганлар. Чунки иқтисодиётининг асосини қишлоқ ҳўжалиги ташкил этган Хоразмда суғориш ишлари қийин шароитда амалга оширилиб, дарёдан каналлар тортиш, сув иншоотларини қуриш, сув тақсимоти, қазииш ва қазииш жараёнларининг умумхалқ ҳашари йўли билан бажарилишига оид масъулиятли ишлар асосан шу мироблар қўлида бўлиб, ундаги тартибот ишлари ҳам уларга юкланган эди. Шунинг учун ҳам Ҳерман Вамбери миробларни ҳуқуқ-тартиботчилар сифатида тилга олган. Айтиб ўтиш жоизки, қаттиқ чора кўриш, жазо бериш ваколоти мироблар ихтиёрида бўлмаган. Мироб ўзини ижобий жиҳатдан намоён этса, маҳаллий ҳудудларга ҳоким этиб тайинланиши мумкин бўлган.

Жойларда диний муассаса (масжид, мадраса, қабристон)лар ва мансабдор шахслар фаолияти билан боғлиқ ишларни юритувчи мутаваллийлар ҳам фаолият кўрсатган. Вақф ерларнинг кўпайиб бориши билан мутаваллий мансабининг мавқеи ҳам ошиб борган. У вақф ерларни тақсимловчи, назорат қилувчи ва ижарага берувчи шахс амалдор ҳисобланган. Улар ҳар бир масжид-қавмда масжид, мадраса ва қабристонга қарашли ер ҳўжалиги ишлари билан шуғулланган, улардан тушган даромад рўйхатини юритган ва уларни тақсимлаган¹.

Маҳаллий-маъмурий ҳокимият тизимида фаолият кўрсатувчи мансабдор шахслар вазифасига мувофиқ тарзда алоҳида унвонлар билан тақдирлаб борилган. Кўп ҳолларда ушбу унвонлар фаҳрий унвон сифатида эътироф этилган.

Маълумот ўрнида архив материлларига таянган ҳолда айтиш жоизки, жойларда кўнгилли фуқароларнинг жамоат тартибини сақлаш борасида халққа озор етказган бир неча ўғрини ушлаб келиш ҳақида хон олдида ўз хоҳиши билан мажбурият олганлиги ҳолати учрайди². Мазкур ҳолатни эса фуқароларнинг жамоат тартибини таъминлашда ихтиёрий равишда жонбозлик кўрсатиши, ташаббуси дейиш мумкин.

Хулоса ўринда айтганда, Хива хонлигида маҳаллий бошқарув тизими изчил амал қилган. XVI асрда маҳаллий давлат аппаратлари марказдан мустақил фаолият юритган. Мамлакат умумий бошқаруви нуқтаи назаридан марказ ва ҳудудлар ўртасидаги муносабатлар келишув ва кенгашлар асосида олиб борилган. Марказлашган давлат бошқаруви жорий этилгач, маҳаллий бошқарув тизими хон томонидан шакллантирилган. Жойларда маҳаллий мансабдор шахслар фаолият юритган. Муҳим аҳамиятга эга соҳалар бўйича фаолият юритувчи маҳаллий амалдорлар бевосита хон томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимидан четлаштирилган.

¹ Қаранг: *Азизов Б. Т.* Хоразм навозандалари. — Т., 1994. — Б.53-54.

² Қаранг: Обязательство группы людей перед Хивинским ханом о том, что они будут искать воров и представят их хану. Документ оформлен в канцелярии военного казия (кази аскара) // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. № 598. — 1-в.

И. Т. Тультеев*,
Ж. А. Ядгаров**

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ЯРАШУВНИ АМАЛГА ОШИРИШ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Маълумки, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг натижадорлиги ҳар доим ҳам тегишли даъво талабларининг судда қондирилиши зарурлигини назарда тутмайди. Аксарият ҳолларда ҳуқуқий муносабат иштирокчилари низоларни ҳал қилишда ҳуқуқий ҳимоянинг бошқа воситалари, хусусан ярашув институти тартибларидан, бошқача айтганда келишув битимидан фойдаланадилар. Ҳозир аксарият мамлакатларда ярашув (келишув) тартибларига тобора кўпроқ эътибор қаратилаётгани боис уларнинг самарали амалга оширилишини таъминловчи тартиблар ва органларга оид қонунчилик амалиёти фаол ривожланмоқда.

Маълумки, Европа Кенгашига аъзо давлатларга «томонлар ярашуви ёки низоларни дўстона тартибга солишни енгиллаштириш ёки ўрни келганда рағбатлантириш чоратадбирларини улар иш юритувига қабул қилингунга қадар ёки муҳокама жараёнида қабул қилиш»¹ тўғридан-тўғри тавсия қилинади.

Сўнги йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида, бир томондан, қонунларни такомиллаштириш орқали, бошқа томондан эса низолашаётган тарафлар ўртасидаги низоларни тартибга солишнинг янги, хориж амалиётидан ўзлаштирилган яраштирув шаклларини жорий этиш орқали ушбу соҳада бир қатор ислоҳотлар ўтказилди². Иқтисодий низоларни ҳал этиш ва тартибга солишнинг муқобил шакллариغا нисбатан жамиятнинг муносабати ҳам ижобий томонга ўзгарди.

Мамлакатимизда ҳам қонунчиликдаги ўзгаришлар ва ислоҳотлар натижасида ярашув тартиблари ҳуқуқий муносабатларнинг фуқаролик, хўжалик ва жиноят процесси соҳаларида изчил қўлланилмоқда, низоларни ҳал этишнинг судга қадар босқичларида муваффақиятли жорий этилмоқда. Шу ўринда миллий юридик амалиётда ярашув тартиблари жиноят-процессуал муносабатларда биринчи марта мустақамланганлигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикасида 2007 йилдан буён ҳакамлар суди тизими амал қилмоқда. Шу туфайли эндиликда ҳуқуқий ҳимоянинг юрисдикциявий шакли билан бир қаторда, ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг юридик низоларни ўз ихтиёрига кўра, мустақил, давлат судлов органлари — ҳакамлар суди билан «мувозий» амал қиладиган тузилма орқали ҳал этиш ва тартибга солиш ҳуқуқи қонунда эътироф этилган.

Айтиш жоизки, хориж тажрибасини ўрганиш амалдаги барча суд тизими самардорлигига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатадиган ва юзага келадиган келишмовчиликларни тартибга солиш масалаларида судлов ишларини юритиш иштирокчиларининг ўзига хос «мустақил қарори» тариқасида илгари суриладиган мутлақо янги ҳуқуқий ҳодиса бўлган ярашув тартиблари ҳақида фикр юритиш имконини беради.

* Юридик фанлар доктори.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курслари юридик фанлар циклининг ўқитувчиси.

¹ Рекомендация Комитета министров Совета Европы от 14 мая 1991 г. № R (81) 7 «Комитет министров — государствам-членам относительно путей облегчения доступа к правосудию» // Российская юстиция. — 1997. — № 6. — С. 4.

² Қаранг: Раҳмонкулов М. Х. Роль и сущность гражданско-правового договора в условиях рыночной экономики. — Т., 1994. — С. 128.

Дарҳақиқат, ярашув институти ёки келишув битими ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги низоларни дўстона йўл билан тартибга солишнинг ижобий натижаси сифатида тобора кўп қўлланилмоқда. Бунинг устига нафақат фуқаровий-ҳуқуқий ёки хўжалик хусусиятига эга бўлган низоларни, балки жинсий-ҳуқуқий низоларни бартараф этишда ҳам кўп қўлланиладиган мақбул ва амалий натижа берадиган самарали воситага айланмоқда. Айниқса, бу ўринда, фуқаролик процессидаги ярашув институти билан боғлиқ масалалар эътиборга моликдир.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятининг асосий мақсади одил судловни амалга ошириш, яъни низоларни ҳал этиш ва давлат ҳокимияти амалга оширадиган ушбу ҳаракатнинг ҳокимият кучига эга эканлигини тасдиқлаш тариқасида давлат номидан қарор чиқариш ҳисобланади. Хусусий-ҳуқуқий низоларни ҳал этувчи суд ҳуқуққа оид низони малакали бартараф этиш орқали субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлган, ҳокимият ваколати берилган ҳокимият органи ҳисобланади¹.

Кўрсатиб ўтилган вазифалар барча қонуний воситалар қонун томонидан берилган барча процессуал воситалар ёрдамида: ҳам томонлар тенглиги ва тенг ҳуқуқлилиги, суд муҳокамаларининг тортишувчанлик ва бевоситалилигига асосланган очиқ, оператив суд процесси орқали, ҳам низони бартараф этувчи қонуний ва асосланган қарор чиқариш ва суд ҳужжатларини ижро этиш механизмини амалга ошириш орқали ҳал этилади. Томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берадиган процессуал воситалар қаторида ярашув институти муҳим ўрин эгаллайди.

Томонларнинг ярашувига ёрдам бериш, даъво ёки ариза шаклига эга бўлган низоларни тартибга солишга кўмаклашиш ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида ҳам, суд муҳокамаси босқичида ҳам, бошқа кейинги барча босқичларда ҳам фуқаролик ишлари бўйича судларнинг асосий вазифаси ҳисобланади (ФПК 180-м.).

Олий суд Пленумининг «Фуқаролик-процессуал қонуни айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги 2003 йил 19 декабрь қарорининг 7-бандида белгиланганидек, «даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш, шунингдек келишув битимини тузиш тўғрисидаги ариза суд мажлиси баённомасига киритилиши ва даъвогар, жавобгар ёки ҳар иккала тараф томонидан имзоланиши лозим бўлади, агар бундай ариза ёзма шаклда тақдим этилган бўлса, у ишга тикиб қўйилади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида таъкидланади»².

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, суд босқичига кўтарилган низоларнинг аксарият қисми ярашув билан тугалланади. Масалан, ушбу масала бўйича тадқиқот олиб борган япониялик тадқиқотчи Р. Нишикаванинг маълумотларига қараганда, 1998 йилда Япония судига келиб тушган низоларнинг 30 % дан ортиги 2003 йил 19 декабрдаги ярашув тартибларини қўллаган ҳолда ҳал этилган³.

Ярашув тартибларининг қуйидаги асосий ҳуқуқий белгиларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

биринчидан, ушбу ярашув тартиблари низонинг ҳал этилиши судларга берилган тақдирда қўлланилади;

иккинчидан, улар процессуал қонунчилик нормаларига амал қиладиган судлар назорати остида амалга оширилади;

учинчидан, ишни томонларни яраштириш йўли билан тугатиш уларнинг асл мақсади ҳисобланади.

Шундай қилиб, уларга қуйидагича ҳуқуқий таъриф бериш мумкин: Яраштирув тартиби — бу келишув битими тузиш ва ишни юритув орқали тугатишга қаратилган чора-

¹ Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ. Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. — Т., 1997. — Б. 243.

² Бюллетень Верховного Суда Республики Узбекистан. — 2003. — № 4.

³ Қаранг: Пилехина Е. В. Мировое соглашение в гражданском и арбитражном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — СПб, 2001. — С. 14.

тадбирларни судлар назорати остига олиш йўли билан низоларни тартибга солишда судларга кўмаклашиш орқали фуқаролик ишлари судларининг процессуал имкониятларини қонуний амалга оширишдир.

Хориж тажрибасининг кўрсатишича, фуқаролик ишлари бўйича давлат судларига мурожаат қилиш фуқаролик ҳуқуқи субъектлари учун юзага келган низоларни ҳал этишнинг анъанавий усуллари билан ҳисобланади. Шу билан бирга, юзага келган низоларни ҳал этиш ёки тартибга солишнинг бошқа имкониятлари ҳам кам эмас, масалан, ҳозир адабиётда «низоларни муқобил усулларда ҳал этиш» деган атама қабул қилинган.

«Низоларни муқобил усулларда ҳал этиш» атамаси АҚШ ҳуқуқ назарияси ва қонунчилигида қўлланиладиган «Alternative Dispute Resolution» (расмий аббревиатураси - ADR) атамасининг таржимаси ҳисобланади. Бу атама АҚШнинг давлат одил судлов ишларидаги оғир ва мураккаб низоларни ҳал этишнинг норасмий ва нисбатан ихчам тартиблари учун қўлланилган¹. Бундай тартибларга кичик процесслар, воситачилик, арбитражгача бўлган ишлар, экспертларнинг мустақил хулосалари, арбитраж, ярашув ишлари, музокаралар (медиациялар) ва бошқалар кириди. АҚШда бундай тартиблар сони 20 тадан кўпдир.

Бу анча қизиқарли тажриба ҳисобланади, бироқ, назаримизда, ундан механик равишда нусха кўчириш эмас, балки унинг ижобий жиҳатларини диққат билан ўрганиш лозим. Бундан ташқари, Америка таълимотидан ўзлаштириб олинган «низоларни муқобил усулларда ҳал этиш» атамаси, фикримизча, низоларни тартибга солиш ва ҳал этишга қаратилган қоидаларнинг моҳиятини тўлиқ акс этгирмайди.

Биринчидан, низоларни ҳал этиш — низо иштирокчилари ҳисобланмайдиган, балки келиб чиқадиган низоларни судьялар нуқтаи назаридан кўриб чиқадиган «бетараф шахслар»нинг имтиёзлари эканлигини таъкидламаслик мумкин эмас. Бундайлар сифатида, одатда, ҳакамлар муҳокамаси томонлари учун чиқарган қарори мажбурий бўлган, ҳакамлар суди илгари сурилади.

Айни пайтда, «низоларни муқобил усулларда ҳал этиш» атамаси низоларни ҳал этишни эмас, балки уни тартибга солишни назарда тутувчи қоидаларни қамраб олиши мумкин эмас. Низоларни тартибга солишга, маълумки, музокаралар натижасида ҳар икки низолашаётган томонни ҳам қондирадиган ва бунинг натижасида низо бартараф этиладиган ўзаро мақбул келишув амалга ошганда (жумладан, бошқа шахслар — воситачилар, медиаторлар ёрдамида), ўзаро низолашаётган тарафлар томонидан эришилади².

Иккинчидан, барча ҳолатларда ҳам низоларни тартибга солишни назарда тутувчи қоидалар давлат одил судловининг муқобилидан иборат эмас. Аксинча, бу қоидалар давлат судидаги судлов жараёнлари динамикаси учун дастлабки шарт-шароит ҳисобланиб, давлат судлов муҳокамалари билан «ёнма-ён» туриши мумкин. Шундай қилиб, назаримизда, кўриб чиқиладиган ярашув институти қоидаларини «низоларни нодавлат усулида ҳал этиш ва тартибга солиш» атамаси билан белгилаш аниқ бўлур эди.

Қонун (Ўзбекистон Республикаси ФПК 180-м.) ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида томонларга уларда келишув битимини тузиш имконияти мавжудлигини ва унинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиришни судьялар зиммасига юклайди. Ўзбекистон Республикаси ФПКга мувофиқ, томонларнинг келишув битимини тузиши ва уларнинг суд томонидан тасдиқланиши ҳам, низони ҳакамлар судида кўриб чиқишга ўтказиш тўғрисидаги шартномани тузиш ҳам иш бўйича судлов ишларини юритишни тугатишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: *Носырева Е. И.* Альтернативное разрешение гражданско-правовых споров в США: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — Воронеж, 2001. — С. 3.

² Қаранг: *Эгамбердиева Н.* Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартлари // Қонун ҳимоясида. — 2000. — № 5-6. — Б. 17-19.

ФПКга асосан, томонлар процесснинг ҳар қандай босқичида келишув битимини тузиш билан ишни тугатишга ҳақлидир. Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажримининг қонуний кучга кириши ўша томонлар ўртасидаги ва ўша предметлар бўйича низолар юзасидан қабул қилинган аризаларни судьяларнинг рад қилиши учун асос бўлиб ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, судьялар томонлар ўртасидаги низоларни тартибга солиш тўғрисида ўзаро мақбул келишувга эришиш учун кўмаклашишга нафақат ҳақли, балки мажбур ҳамдир. Судлов ишларини юритиш шуни назарда тутадик, судьялар томонларни келишув битимини тузишга мажбур қилмайди. Бироқ, агар у «томонларни келишувга ундашга» эришса ва бунинг натижасида улар томонидан ҳуқуқлар тўғрисидаги томонлар низосини тартибга солиш тўғрисидаги келишув битимини тузишга эришилса, унда келишувни амалга ошириш мақсадига эришилган, ишнинг ўзи эса тугалланган ҳисобланади.

Ярашув тартибларини қўллашга фақат ҳар икки низолашган томон рози бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади. Бунда томонларнинг ҳар бири исталган пайтда ушбу тартибни давом эттиришни рад қилишга ҳақлидир (келишув битимини имзолагунга қадар) ва бу ярашув тартибларининг тугалланишига сабаб бўлади. Ушбу ҳолатда «ярашувни амалга ошириш» атамасини қўллаш билан биз фақатгина томонларнинг келишув битимларини тузишга қаратилган судьялар хатти-ҳаракатларининг мақсадли хусусиятини таъкидлашни истаймиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, фуқаролик процессида судьяларнинг томонларнинг келишувига кўмаклашиш мажбурияти қонун йўли билан ўрнатилган, суд томонларнинг ярашуви чораларини кўриши, уларнинг низоларни тартибга солишига кўмаклашиши лозим. Шу билан бирга, амалдаги қонунчилик судлар зиммасига томонлар ярашуви вазифасини юкларкан, ўзи ярашув функциясини амалга ошириш тартибини, яъни ярашув фаолияти "технологияси"ни амалга оширишини назарда тутмайди.

Ҳокимиятлар тақсимланиши ижтимоий-сиёсий ҳаётга реал жорий этилган тақдирдагина фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини, адолатли қонунчилик тизими мавжуд бўлишини ҳуқуқий давлатчилик ва фуқаролик жамияти зоҳир бўлишини таъминлаш мумкин.

Бундан ташқари, назаримизда, Вазирлар Маҳкамаси нафақат Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига, балки мамлакат сиёсий ҳаётида Вазирлар Маҳкамаси иштирокида кечадиган айрим масалаларни суд томонидан кўриб чиқиб, уларга ойдинлик киритишни сўраш ваколатига ҳам эга бўлиши керак.

Кези келганда айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг Конституциявий судга нафақат ижтимоий масалалар, балки мамлакат миқёсида юзага келадиган сиёсий, яъни ҳокимият ваколатларини самарали амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам мурожаат этиши мақсадга мувофиқдир.

Қиёсий таҳлил асосида Россия Федерацияси тажрибасида мавжуд қуйидаги юридик конструкцияга эътибор қаратиш мумкин:

Россия Федерациясининг Конституциявий суди 1991 йил ташкил топган ва ҳозир «Россия Федерациясининг Конституциявий суди тўғрисида»ги 1994 йил 21 июль қонуни билан тартибга солинади. Қонунга мувофиқ, Россия Федерациясининг Президенти, Федерация Кенгаши, Давлат Думаси, Федерация Кенгаши аъзоларининг бешдан бир қисми ёки Давлат Думасининг депутатлари, Ҳукумат, Олий суд, Арбитраж суди, федерация субъектларининг қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари сўрови билан иш (масала)ларнинг Конституцияга мослигини кўриб чиқади. Бу ўринда биз Конституциявий судга мурожаат этувчи субъектлар орасида Ҳукумат ҳам борлигига эътибор қаратмоқчимиз.

Бундай мурожаат асосида Россия Федерациясининг Конституциявий суди қуйидаги масалаларни кўриб ҳал этади: а) Федерация қонунлари ва Россия Федерацияси Президентининг, Федерация Кенгашининг, Давлат Думасининг, Ҳукуматнинг норматив ҳужжатларини; б) Россия Федерацияси субъектларининг конституция ва уставларини, қонун ва бошқа норматив ҳужжатларини Россия Федерацияси давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, Россия Федерацияси ва унинг субъектларининг биргаликдаги ваколатлари ҳамда федерация субъектлари давлат ҳокимият органларининг ваколатларига оид масалалар бўйича чиқарилган норматив ҳужжатларини; в) Россия Федерацияси давлат ҳокимияти органларининг ўзаро шартномалари ва Россия Федерацияси давлат ҳокимияти органлари билан унинг субъектлари ўртасидаги, Россия Федерацияси субъектларининг давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги шартномаларини; г) Россия Федерациясининг кучга кирмаган халқаро шартномаларини кўриб чиқади.

Ҳулоса қилиб айтганда, давлат сиёсий тизимида ҳокимиятлар тақсимланиши мутаносиблиги ва ўзаро назорат механизмини такомиллаштирилиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари муҳофазасининг кафолатланиши мамлакатда ҳуқуқий барқарорликка эришишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

¹ Мирбобоев Б.Ш. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги устидан суд назорати // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномаси. 14-сон. — 2006. — №14. — Б. 21.

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ЧЕКЛАШ МАСАЛАЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов тарихий жараёнлар ҳақида фикр юритиб, «...Тарихий илдини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўғри хулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди...»¹ деб таъкидлаган. Шундай экан, тарихни ўрганмай туриб, келажакда белгилаб олинган режаларни амалга ошириш, ишда муваффақиятга эришиш мумкин эмас. Бу эса жиноят процессуал назарияда процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тарихи ва унинг асосларини ўрганишга ҳам тааллуқлидир.

Ҳуқуқий фанлар тизимида жиноят процесси фани вужудга келиши билан бирга унинг мақсади ва вазифалари ҳам шаклланган. Мазкур мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ёки тўсқинлик қилувчи процесс иштирокчиларига нисбатан жиноят ишларини юритиш ваколати берилган шахслар томонидан турли мажбурлов чоралари қўлланиб келган.

Шахс ҳуқуқларини чеклаш амалиёти тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш учун зарур манба ҳисобланади. Чунки тарихда йўл қўйилган хато ва камчиликларни келажакда бартараф этиш, ютуқлардан эса қонун нормаларини янада такомиллаштиришда фойдаланиш бу соҳада ижобий натижаларга олиб келади

Дастлабки терговда шахс ҳуқуқларини чеклаш масалаларининг ҳуқуқий тартибга солиниши тарихини ўрганиш бир қатор ҳуқуқий манбаларни кўздан кечиришни тақозо этади.

Ўтган асрнинг 1917 йил октябрь ойида Чор Россияси ҳукмронлигига барҳам берилганидан сўнг, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм ХСРлари ташкил этилган. Собиқ совет давлатининг барча ҳудудларида бўлгани каби Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм ХСРда ҳам Чор Россияси давридаги судлов тизимида барҳам берилиб, унинг ўрнига 1917 йил 24 ноябрдаги Судлар тўғрисидаги 1-сонли декрет асосида ҳарбий революцион трибуналлар ташкил этилган.

Собиқ совет давлатининг бошқа ҳудудларидан фарқли ўлароқ Ўрта Осиё ва Шимолий Кавказда қозилик судлари қайта тикланган ва улар ҳарбий революцион трибуналлар билан бир вақтда фаолият юрита бошлаган. Қозилик судлари оила-никоҳ, ворислик, шунингдек тарафларнинг розилиги билан айрим фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган².

Туркистон АССРда 1919 йил 17 июнда «Ягона Халқ судлари тўғрисида низом»³ қабул қилиниши билан қозилик судларига барҳам берилган ва ҳудудда халқ судлари ва ҳарбий революцион трибуналлар фаолият юрита бошлаган.

Низомда шахс ҳуқуқлари кафолатлари ҳақида гап борар экан, илк бор иш юритилаётган тилни билмайдиган, озчиликни ташкил қилувчи миллат вакиллари иш юритувни ўз она

* Ўзбекистон Республикаси жиноят процесси кафедрасининг катта ўқитувчиси.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. — Т., 2000. — Б. 71—75.

² Қаранг: Раҳмонов А., Раҳмонов А. Ислон ҳуқуқи. — Т., 2007. — Б. 233.

³ Ўзбекистон Марказий Давлат архиви, Р-38-жамғарма, 1-рўйхат, 46-иш, 97-варақ. Бундан кейин матнда Низом.

тилларида олиб борилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган (21-м.), «Қасам» далил сифатида тан олинмаган (24-м.), ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи киритилган (34-м.), илк бор вакил ва ҳимоячи сифатида ишда иштирок этиш ваколатига эга шахслар доираси белгилаб берилган (47-м.), судья ва халқ маслахатчиларини рад этиш ҳуқуқи берилган (50-м.).

Низом асосида олиб борилган дастлабки тергов жараёнида шахс ҳуқуқларининг чекланиши ҳолатларига тўхталганда, халқ судьяси суриштирув устидан назоратни амалга ошириб, танланган эҳтиёт чорасини тасдиқлаш, енгилроғи ёки оғирроғи билан алмаштириш ваколатига эга бўлган (6-м. 4-б.), иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсадида халқ съезди қарорига асосан айбланувчининг ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган (34-м.), терговчи иш юритув жараёнида айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ваколатига эга бўлган (35-м. 2-б.), лекин уларни қўллаш асослари ва процессуал тартиби, эҳтиёт чораларининг турлари, эҳтиёт чораларини ўзгартириш асослари белгилаб берилмаганлиги тушунарсиз ҳолат. Ҳудди шундай ҳолатни, тергов ҳаракатларини ўтказиш ваколати берилишида ҳам кузатиш мумкин (35-м. 4-б.). Айбланувчининг ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солишда ҳам шахс ҳуқуқларининг чекланиши кузатилади, масалан, агар иш олти нафар халқ маслахатчилари иштирокида кўриладиган бўлса, айбланувчининг илтимосига кўра ҳимоячининг иштироки мажбурий бўлган (43-м.). Бошқа ҳолатларда эса бу масала суд мажлисида муҳокама қилиниб, ҳал этилган.

Собиқ совет тузумига қарши қаратилган жиноят ишларини кўриб чиқувчи ҳарбий революцион трибуналларда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари ҳақида умуман сўз юритилмаган. Масалан, «Революцион трибунал ҳақидаги низом»нинг 1-моддасида трибуналга ишни кўриш жараёнида қатагон чораларини белгилашда чекловсиз ҳуқуқ берилган.

Мазкур Низомнинг 1-моддаси асосида суриштирув органлари томонидан ишни революцион трибуналга кўриб чиқиш учун юборишга етарли асослар тўпланмаган ҳолларда Туркистон муваққат комиссиясининг розилиги билан суриштирув органлари айбланувчи шахсларни беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга мажбурий меҳнат лагерларига юбориш ваколатига эга бўлганлиги шахс ҳуқуқ ва эркинликлари умуман ҳисобга олинмаганлигининг яна бир исботи ҳисобланади.

Айбланувчи шахсга нисбатан жиноят ишини тугатиш масаласида Трибунал пленуми томонидан ҳал қилиниши лозимлиги ҳақида қоида (10-м.) эса айбдор бўлмаган шахснинг оқланишга эришишининг умуман иложи йўқлигидан далолат беради.

Айбланувчининг иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи фақат унинг илтимосига биноан таъминланган, танишиб чиқиш жараёнида юзага келган масалалар юзасидан илтимосномалар келтириш ҳуқуқи берилган, лекин келтирилган илтимосномалар ишга қўшиб қўйилгани билан улар фақат суд мажлиси муҳокамаси даврида ҳал қилинган (16-м.).

Айбланувчининг ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш учун фақатгина адвокатлар, судланувчининг яқин қариндошлари ёки трибуналнинг мутлақ ишончига эга шахсларгина ҳимоячи сифатида иштирок этишга қўйилиши мумкин бўлган (17-м.).

1922 йил 25 майда РСФСРнинг биринчи Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинган ва 1 июлдан кучга кирган¹. Туркистон АССР Марказий ижроия комитетининг IV сессияси қарорига биноан 1922 йил 1 августдан РСФСР ЖПК Туркистон АССР ҳудудида ҳам амалга киритилган².

1922 йилги РСФСР ЖПКни таҳлил этганда, шахсий эркинликни кафолатловчи «ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда озодликдан маҳрум этилиши ва қамоқда сақланиши мумкин эмас»лиги нормаси (5-м.) ва «Habeas corpus act» қоидасига мос келувчи нормалар (6-7-м.)

¹ Уголовно-процессуальный кодекс РСФСР // Собрание указаний и распоряжений рабочего и крестьянского правительства. — Т., 1922. — С.230.

² Қаранг: Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. — Т., 1974. — С. 30.

киритилган. Шу билан бирга, иш юритилаётган тилни билмаган иштирокчиларга таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи (22-м.), судьяни рад этиш ҳуқуқи ва асослари (47, 49-м.), илк бор ҳимоячининг иштироки мажбурий бўлган ҳолатлар (59-м.) белгилаб берилган.

Суриштирув органлари жиноят содир этганликда гумон қилиб ушланган шахсга судловга тегишлилик қонидаси асосида тегишли судга ушлаб туриш асосларини келтирган ҳолда 24 соат ичида хабар бериши шарт бўлган. Агар судья ёки терговчи шахснинг ушлаб турилганлиги ҳолатини тасдиқламаса, хабарнома келиб тушган вақтдан эътиборан 48 соат ичида озод қилиниши шартлиги белгиланган (106-м.).

Эътибор қаратиш лозим бўлган ҳолатлардан яна бири сифатида, иш учун аҳамиятли ҳолатларда терговчи айбланувчининг гувоҳ ва экспертни сўроқ қилиш ҳамда бошқа далилларни тақдим қилиш ҳақидаги илтимосномасини рад қилиши мумкин бўлмаганлигини келтиришимиз мумкин (114-м.). Шу билан бирга, айбланувчи барча тергов ҳаракатларида иштирок этиши ва бошқа иштирокчиларга саволлар бериши мумкин бўлган (117-м.). Айбланувчининг шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиш кафолатланган (139-м.). Шахсни ялонғочлаш билан боғлиқ гувоҳлантиришда терговчининг иштироки мумкин бўлмаган (194-м.), бу эса айбланувчининг тана дахлсизлиги ҳуқуқини кафолатлаган.

Бевосита шахс ҳуқуқларининг чекланиши ҳолатларига тўхталганда, суриштирув органлари томонидан жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туриш асослари келтириб ўтилган. Бу асослар 1864 йил 20 ноябрдаги «Жиноий судлов ишларини юритиш низоми»даги асослар билан айнан бир хил.

Фикримизча, терговчи томонидан очикда қолдирилган, лекин доимий иш ва яшаш жойига эга бўлмаган айбланувчиларни чақирувсиз мажбурий келтирилиши мумкинлигини (134-м.) ёқлаб бўлмайди.

Терговчига мансабдор шахс бўлган айбланувчини лавозимдан четлаштирилиши масаласини ҳал қилиш мажбурияти юклатилган. Лекин уни қўлланиш асослари ва процессуал тартиби белгилаб берилмаган.

Дастлабки тергов жараёнида ҳар бир айбланувчидан тергов ва судда ҳозир бўлиш ҳамда яшаш жойи ўзгарганда хабар бериш мажбуриятини юкловчи тилхат олиш белгиланган (146-м.). Бундан ташқари, айбланувчининг тергов ва судда ҳозир бўлишини таъминлаш мақсадида: унга нисбатан худуддан чиқиб кетмаслик ҳақида тилхат, шахсий ёки мулкый кафилик, гаров, уй қамоғи, қамоққа олиш эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин бўлган (147-м.).

Эҳтиёт чорасини танлаш ва қўллаш жараёнида терговчи томонидан айбланувчи жиноятининг хавфлилик даражаси, айбнинг оғирлиги, шахснинг тергов ва суддан яшириниши ёки ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши мумкин-мумкин эмаслиги, айбланувчининг соғлиги ва ижтимоий аҳволи ҳисобга олиниши кераклиги қонидаси (150-модда)нинг киритилганлиги эътиборга молик ҳолат бўлиб ҳисобланади. Революцион трибуналда иш юритиш тартибини белгиловчи ЖПКнинг 4-бўлимида шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида умуман сўз юритилмаган.

Бухоро ва Хоразм ХСРда аҳолига шариат пешволарининг таъсири кучли бўлганлиги сабабли халқ судининг янги шаклларига ўтиш дарҳол юз бермаган¹. Бухоро ва Хоразм ХСРда Халқ судлари фақат русий забон миллат учун хизмат қилган².

Бухоро ХСРда қозилик судлари Муваққат инқилобий ҳукуматнинг 1920 йил 2 сентябрь декретига мувофиқ тугатилган. 1922 йил 27 майда Бухоро ХСР ҳукумати халқ қозилари тўғрисида муваққат қонун қабул қилган, 1922 йил 19 декабрда эса, Умумбухоро Марказий ижроия қўмитасининг II сессиясида «Бухоро ХСРда халқ қозилик судлари тўғрисидаги низом» тасдиқланган³.

¹ Қаранг: *Ишанов А.И.* Бухарская Народная Советская Республика. — Т., 1969. — С. 202.

² Қаранг: *Абидова Н.И.* Суды казиев и особенности процесса их ликвидации в Узбекской ССР: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 1974. — С. 23.

³ Қаранг: *Рахмонов А., Рахмонов А.* Ислон ҳуқуқи. — Т., 2007. — Б. 236-237.

РСФСРда 1923 йил 15 февралда олдинги кодексга мазмун жиҳатидан жуда яқин бўлган янги таҳрирдаги Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинган. Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм ХСРда мазкур қонун тан олинган ва деярли ўзгартиришсиз жорий қилинган¹. РСФСРнинг бу Жиноят-процессуал кодексида шахс ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари ва уларнинг чекланиш ҳолатлари деярли бир хил бўлган.

1924 йилга келиб, давлат чегараларини ўзгартириш сиёсати натижасида собиқ Ўзбекистон ССР ташкил топди ва Ўзбекистон ССР Революцион қўмитасининг 1924 йил 27 ноябрдаги қарори билан ҳудудда аввалги жиноят-процессуал кодексларнинг амал қилиши давом эттирилди².

1926 йил 16 июнда собиқ Ўзбекистон ССРнинг дастлабки Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди ва ўша вақтда амалда бўлган РСФСР, Бухоро ХСР ва Хоразм ХСРнинг Жиноят-процессуал кодекслари бекор қилинди³.

Мазкур ЖПК РСФСРнинг аввалги Жиноят-процессуал кодекслари асосида ишлаб чиқилганлиги боис, уларда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари ва уларнинг чекланиш ҳолатлари деярли бир хил бўлган ва фақат ҳимоячи иштироки мажбурий бўлган ҳолатлар (59-м.) бир оз кенгайтирилган. Шу билан бирга, айбланувчини лавозимдан четлаштириш мажбурлов чораси устидан муассаса раҳбари томонидан прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи (140-м.) киритилган. Жиноят иш юритуви давлат тиллари ҳисобланган ўзбек ва рус тилларида олиб борилиши белгиланиб, иш юритилаётган тилни билмаган иштирокчиларга таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи (22-м.) кафолатланган. Шахснинг танасини ялонғочлаш билан боғлиқ гувоҳлантиришда гувоҳлантирилувчи шахс истагига кўра терговчининг иштироки мумкин бўлмаган ва у гувоҳлантириш баённомасига киритилиши лозимлиги (194-м.) белгиланган, бу эса шахснинг тана дахлсизлиги ҳуқуқини янада кафолатлаган.

1929 йил 29 июлда Ўзбекистон ССРнинг иккинчи Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинган ва 1 августдан кучга кирган⁴. Ўзбекистон ҳудудида амалда бўлган Жиноят-процессуал кодексларни таҳлил қилган Ф.Абдумажидов Ф.С. Бакировнинг «1929 йилги ЖПК Ўзбекистонда процессуал фаннинг ривожланишидан далолат берувчи ҳужжат сифатида 1926 йилги ЖПКнинг бўшлиқларини тўлдирган» деган фикрини инкор этган ҳолда, 1926 йилги ЖПКда бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатиб, 1929 йилги ЖПК уларни тўлдирмасдан, балки кўпайтирган» деган фикрларни баён қилган⁵.

Биз олимнинг фикрларини кўллаб-қувватлаб, 1929 йилдаги ЖПК олдингисига нисбатан 280 та моддага кам эканлигини, ҳатто унда «Умумий қоидалар» бўлимининг умуман мавжуд бўлмаганлигини келтиришимиз мумкин.

1929 йилги ЖПКда шахс ҳуқуқларини кафолатловчи ҳолатлар, яъни иш учун аҳамиятли ҳолатларда терговчи айбланувчининг гувоҳ ва экспертни сўроқ қилиш ҳамда бошқа далилларни тақдим қилиш ҳақидаги илтимосномасини рад қилиши мумкин эмаслиги (15-м.), тергов чоғида амалга оширилган ҳаракатлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи (21-м.), бошқа жинсдаги шахснинг танасини ялонғочлаш билан боғлиқ шахсий тинтув ва гувоҳлантиришда гувоҳлантирилувчи шахс истагига кўра терговчининг иштироки мумкин эмаслиги (39-м.), жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларни рад қилиш ҳуқуқи ва асослари (84-м.), ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи ва ҳимоячи сифатида иштирок этиши мумкин бўлган шахслар рўйхати (87-м.), ҳимоячи иштироки мажбурий

¹ Қаранг: Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. — Т., 1974. — С. 31—32.

² Қаранг: Қўшаев Н.М. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш муаммолари: Юрид. фан номз. ... дис. — Т., 2010. — Б. 43.

³ Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР (Изд. 3-е). — Самарканд. 1927. — С. 4.

⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР (по состоянию на 1 января 1954 г.). — Т., 1954. — С. 3.

⁵ Қаранг: Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. — Т., 1974. — С. 44—45.

бўлган ҳолатлар (88-м.) сақланиб қолган. Лекин инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи қоидалар мазкур ЖПКда ўз аксини топмаган.

Бунинг натижасида гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашнинг ҳеч қандай тўсқинликсиз амалга оширилишига шароит яратилган. Масалан, жиноят ишларини юритишда тил принципи эътибордан четда қолган, натижада гумон қилинувчи ва айбланувчи таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. ЖПКнинг 40-моддасида гумон қилинувчи шахснинг жиноят содир қилганлигини тахмин қилиш учун асослар етарли бўлиши, уни айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинишига олиб келганлиги қонуннинг камчиликларидан бири сифатида¹ эътироф этилган. Биз ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда, етарли далиллар билан ўз тасдиғини топмаган тахмин шахсни айбланувчи сифатида ишда иштирок этиш учун жалб қилишга асос бўла олмаслигини тасдиқлаймиз.

Шу билан бирга, гумон қилинувчини ушлаб туриш асослари ва процессуал тартиби мазкур ЖПКга 1958 йилда қўшимча сифатида киритилган². Бу эса, 29 йил давомида ишни юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар ва органларнинг шахсни хоҳлаган асослар ва тартибда ушлаб туришига олиб келган.

Эътиборга молик ҳолатлардан яна бири сифатида террорчилик билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки тергов муддатининг 10 кун қилиб белгиланганлигидир. Ахир бу муддат ичида терговчи иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга қаратилган қанча ишни амалга ошириши мумкин бўлган?

«Айбланувчи»³га нисбатан қўлланиши мумкин бўлган эҳтиёт чоралари сони қисқартирилганлигини ҳисобга олинмаганда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кескин чекламайдиган, нисбатан енгилроқ бўлган мулкый кафиллик, гаров ва уй қамоғининг кодексдан чиқариб юборилганлиги, шу даврда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини сезиларли чекланишига олиб келган.

1929 йилдаги Ўзбекистон ССР ЖПКда кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва ҳуқуқий бўшлиқлар тоталитар давлатнинг қатағон сиёсатини амалга оширишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган.

1958 йил 25 декабрда «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят-судлов ишларини юритиш асослари»⁴ қабул қилинган. Бунинг натижасида жиноят процессида шахс ҳуқуқлари кенгайтирилган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мансабдор шахслар зиммасига уларни амалга оширилишини таъминлаш мажбурияти юкланган.

Фикримизча, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари кучайтирилган Асосларнинг қабул қилинишига собиқ иттифоқ томонидан 1948 йил 10 декабрдаги «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси»нинг ратификация қилинганлиги ва унинг қоидаларига асосланиш шарт эканлиги сабаб бўлган.

1959 йил 21 майда Асослар талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон ССРнинг учинчи Жиноят-процессуал кодекси ишлаб чиқилган ва 1960 йил 1 январдан кучга кирган. Мазкур ЖПКда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати, аввалги ЖПКларга нисбатан бирмунча юқори даража таъминланганлигини эътироф этмоқ жоиз. Жумладан: жиноят содир қилган ҳар бир кишига адолатли жазо берилиши ва айби бўлмаган шахснинг жавобгарликка тортилмаслиги (2-м.), шахснинг дахлсизлиги (6-м.), таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи (11 ва 120-м.), шахсий ҳаётга оид маълумотлар сир сақланиши (12-м.), ҳимоя ҳуқуқи таъминланиши шартлиги (13-м.), шахснинг шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилиниши (14-м.), процесс иштирокчиларини рад қилиш ҳуқуқи ва асослари (15, 32-33-м.), ишни

¹ Қаранг: Ўша манба. — С. 47.

² Ведомости Верховного Совета УзССР. — 1958. — №2. — С. 6.

³ 1929 йилги Ўзбекистон ССР ЖПКда «айбланувчи» ўрнига «терговга жалб қилинган (подследственный)» атамаси ишлатилган.

⁴ Бундан сўнг матнда Асослар.

юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи (21-м.), айбланувчининг ҳуқуқлари (41-м.), суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчининг ишда иштирок этувчи шахсларга ҳуқуқларини тушунтириши ва уларни амалга ошириш имконини яратиш мажбурлиги (47-м.), иш бўйича илтимосномалар киритиш ҳуқуқи (115-м.), тергов ҳаракатлари жараёнида шахсий ҳаёт (153-м.) ва тана дахлсизлиги ҳуқуқи (155 ва 164-м.), барча иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи (180-м.) ва дастлабки терговни тўлдириш тўғрисида илтимос киритиш ҳуқуқи (182-м.) кафолатланган.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи ҳолатлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, мол-мулкни мусодара қилиш жазоси қўлланилиши мумкин бўлган ишлар бўйича гумон қилинувчи ёки айбланувчининг мол-мулкни хатлаш (25 ва 158-м.) қўлланилган. Фикримизча, бу ўринда айбдорлигини тасдиқловчи далиллар етарли бўлмаган гумон қилинувчининг ҳам мулк ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилиши тушунарсиз ҳолат.

Шу билан бирга, шахсга ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган, лекин бу ҳуқуқдан у фақатгина дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг фойдаланиши мумкин бўлган (42-м.). Дастлабки тергов ўтказиш талаб этилмайдиган ишлар бўйича суриштирув материаллари тўғридан-тўғри судга юборилган ва бу жараёнда ҳимоячи иштирокига йўл қўйилмаган (100-м.). Бу эса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари айнан дастлабки тергов ва суриштирув олиб борилаётган даврларда тўла таъминланмаган деган хулоса чиқаришга асос бўлади.

Шахсга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш асослари ва уни танлашда ҳисобга олинishi лозим бўлган ҳолатларнинг келтирилганлиги (71-м.) ҳамда эҳтиёт чораларининг турлари кенгайтирилиб, вояга етмаганлар ва ҳарбий хизматчиларни кузатув остига топшириш эҳтиёт чоралари (72-м.) қўшимча сифатида киритилганлиги эътиборга молик жиҳатдир. Лекин авваллари амалда қўлланилган ва шахс ҳуқуқларини кескин чекламайдиган, нисбатан енгилроқ бўлган мулкий кафилик, гаров ва уй қамоғи эҳтиёт чораларининг киритилмаганлигини таъкидлаш жоиз.

Қамоққа олиш эҳтиёт чораси айрим тоифадаги жиноятларни, масалан, 1959 йилдаги Жиноят кодексининг 119¹-моддасида назарда тутилган «Давлат ёки жамоат мулкни жуда кўп миқдорда ўзлаштириш» жиноятини содир этганликда айбланувчи тариқасида жалб қилинган шахсларга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш асослари инобатга олинмай, фақат жиноятнинг хавфлилиги асоси билангина қўлланилиши мумкинлиги қоидасининг (78-м.) мавжудлиги шахс ҳуқуқларининг чекланиши ҳисобланади.

Аммо қамоққа олинган шахснинг болаларига васийлик қилиш (80-м.), унинг мулкни муҳофаза қилиш (81-м.) мажбуриятлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилганлиги айбланувчиларнинг оила ва мулкий муносабатлардаги ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаган деган фикрдамиз.

Жиноят содир қилишда гумон қилинувчи¹ шахсни ушлаб туриш асослари (102-м.) ва уни амалга ошириш тартиби (103-м.) белгилаб берилган. Мазкур чора амалдаги ЖПКда белгиланган ушлаб туриш асослари ва тартиби қоидаларига жуда ҳам яқин.

Очиқда қолдирилган айбланувчи чақирувга биноан ҳозир бўла олмаганида, қандай ҳолатлар узрли ҳисобланиши белгилаб берилган (125-м.). Лавозимдан четлатиш (130-м.) ва тиббий муассасага жойлаштириш (149-м.) чоралари фақатгина айбланувчига нисбатан зарурият бўлганда белгиланган тартибда қўлланилиши мумкин бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида амалга оширилган таҳлилларда 70 йилдан ортиқроқ ҳукм сурган собиқ совет даври жиноят-процессуал қонунлари асос қилиб олинди. Бунда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва уларни чеклаш масалалари муайян давр ва сиёсий режимнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос бўлганлигини кўрсатади.

¹ 1959 йилги Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексида гумон қилинувчи «гумондор» деб аталган.

О НЕКОТОРЫХ ВОПРОСАХ УГОЛОВНО-ПРАВОВОЙ БОРЬБЫ С ХУЛИГАНСТВОМ

Хулиганство относится к одному из наиболее распространенных преступлений против общественного порядка. Хулиганские действия нарушают нормальные условия труда, отдыха и быта граждан, сопровождаются применением насилия к гражданам или угрозой его применения, уничтожением или повреждением чужого имущества. Они могут быть сопряжены и с сопротивлением представителям власти или иным гражданам, исполняющим обязанности по охране общественного порядка или пресекающим нарушения такого порядка.

Различают мелкое хулиганство, являющееся административным правонарушением, и уголовно наказуемое хулиганство. Под мелким хулиганством в соответствии со ст. 183 КоАО Республики Узбекистан понимается нецензурная брань в общественных местах, оскорбление граждан и другие действия, демонстративно нарушающие общественный порядок и спокойствие граждан. Уголовно наказуемое хулиганство характеризуется грубым нарушением общественного порядка и явным неуважением к обществу.

В ст. 277 УК Республики Узбекистан указано, что хулиганством является «умышленное пренебрежение правилами поведения в обществе, сопряженное с побоями, причинением легких телесных повреждений либо с уничтожением или повреждением чужого имущества, причинившее значительный ущерб».

Под грубым нарушением общественного порядка понимаются действия, выражающее явное неуважение к обществу, сопровождающееся применением насилия к гражданам либо угрозой его применения, а равно уничтожением или повреждением чужого имущества, которые причиняют существенный вред этому порядку, правам и интересам граждан¹. Причинение серьезного вреда общественному порядку имеет место в случаях длительного нарушения общественного спокойствия, надругательства над отдельными лицами или группой лиц, осквернение мест отдыха и т. п. Грубое нарушение общественного порядка возможно и в форме помех массовым мероприятиям, дерзкого приставания к гражданам и других действий, выражающих явное неуважение к обществу. Последнее может проявляться в открытом пренебрежении общественными интересами, правилами поведения, в бесчинстве, унижительном обращении с окружающими².

Совершение хулиганских действий чаще всего происходит в общественных местах: на улицах, площадях, стадионах, в парках и т. п. Подобное преступление может быть совершено и в любом другом месте (например, на реке, в поле, в горах и т. д.), т. е. вне мест массового присутствия людей, однако здесь необходимо устанавливать наличие явного игнорирования правил по соблюдению общественного спокойствия и покоя граждан.

Хулиганство продолжает оставаться опасным и распространенным правонарушением, посягающим на общественный порядок, спокойствие граждан, нередко приводящим к совершению других, более тяжких преступлений. Следует отметить, что судебная практика

* Стажер-соискатель-исследователь Академии МВД Республики Узбекистан.

¹ См.: *Rustamboyev M.H., Ahrorov B.J. Jinoyat huquqi (Maxsus qism)*. — Т., 2006. — В.130—131; *Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism): Oliy o'quv yurtlari uchun darslik*. — Т., 2006. — В.127.

² См.: *Захаревский В. И.* Комплексная криминологическая характеристика хулиганства // Совершенствование деятельности органов внутренних дел в условиях решительного усиления борьбы с преступностью. — М., 1990. — С. 98—102.

в отношении борьбы с хулиганскими проявлениями страдает зачастую отсутствием должной требовательности к качеству дознания и предварительного следствия по делам о хулиганстве¹. Следовательно, при решении вопроса об отграничении уголовно наказуемого хулиганства от мелкого хулиганства следует учитывать степень нарушения общественного порядка, которая определяется на основании совокупности обстоятельств дела, включая место и способ совершения противоправных действий, их интенсивность, продолжительность и т. д.

Согласно ст. 183 КоАО «мелкое хулиганство, т.е. умышленное пренебрежение к правилам поведения в обществе, выраженное в нецензурной брани в общественных местах, оскорбительном приставании к гражданам и другими подобными действиями, нарушающими общественный порядок и спокойствие граждан, — влечет наложение штрафа от трех до пяти минимальных размеров заработной платы или административный арест до пятнадцати суток.

Хулиганские действия признаются преступлением, когда они сопровождаются применением насилия к гражданам или угрозой его применения, а равно уничтожением или повреждением чужого имущества.

Насилие, сопровождающее хулиганство и квалифицируемое по ст. 277 УК, может состоять в нанесении побоев и ударов потерпевшему, причинении легкого вреда его здоровью и других действиях. Однако это насилие не должно быть опасным для жизни или здоровья потерпевшего. Хулиганские действия, сопровождавшиеся причинением средней тяжести или тяжкого вреда здоровью потерпевшего, а также его убийством, должны быть квалифицированы по совокупности ст. 277 и соответствующих статей УК, предусматривающих ответственность за преступления против жизни и здоровья.

Угроза применения насилия выражается в запугивании убийством, причинении легкого, средней тяжести или тяжкого вреда здоровью потерпевшего или его близких.

По ст. 277 УК следует квалифицировать хулиганские действия, сопровождавшиеся уничтожением или повреждением чужого имущества без отягчающих обстоятельств. Уничтожение или повреждение чужого имущества означает приведение его в состояние, непригодное для дальнейшего использования по назначению, либо в такое состояние, при котором имущество может быть восстановлено для последующего использования.

Не следует квалифицировать как хулиганство нанесение оскорблений, побоев, причинение телесных повреждений и т. п., когда эти действия совершаются в кругу семьи, в квартире в отношении родственников или знакомых на почве личных неприязненных отношений. Подобные действия образуют хулиганство лишь в случаях, когда они сопровождаются грубым нарушением общественного порядка, проявлением явного неуважения к обществу.

Хулиганство как преступление признается оконченным с момента совершения действий, грубо нарушающих общественный порядок и выражающих явное неуважение к обществу, сопровождавшихся применением насилия либо угрозой его применения, а также уничтожением или повреждением чужого имущества. Хулиганство является умышленным преступлением, оно совершается с прямым умыслом. При этом лицо сознает, что грубо нарушает общественный порядок, проявляет явное неуважение к обществу, предвидит возможность или неизбежность общественно опасных последствий своих действий и желает их наступления². Таким образом, субъективная сторона данного

¹ См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О судебной практике по делам о хулиганстве» от 14 июня 2002 г., №9 // <http://www.supcourt.uz/>.

² См.: Сулейманов Р. Мотивация девиантного поведения и вопросы квалификации формы вины и умысла при хулиганстве // Вестник Саратовской государственной академии права. — 2008. — № 4. — С. 135—140.

преступления характеризуется виной в виде прямого умысла. Обязательным признаком субъективной стороны хулиганства является хулиганский мотив¹, который может состоять в стремлении в неуважительной форме бросить вызов обществу путем нарочитой грубости, жестокости, озорства, буйства и т. п.

Уголовная ответственность за хулиганство, предусмотренное ч. 1 ст. 277, наступает с 16-летнего возраста. Субъектами преступления по ч. 2 и 3 ст. 277 могут быть лица, которые к моменту совершения хулиганских действий достигли 14 лет (здесь речь идет о злостном и особо злостном хулиганстве). Для квалификации хулиганства по ч. 2 ст. 277 необходимо установить хотя бы одно из перечисленных в ней отягчающих обстоятельств.

Квалифицированным (злостным) по ч. 2 ст. 277 УК признается хулиганство:

- а) совершенное повторно или опасным рецидивистом;
- б) сопряженное с демонстрацией, угрозой применения или применением огнестрельного оружия;
- в) совершенное во время массовых мероприятий;
- г) связанное с сопротивлением представителю власти или общественности, выполняющему обязанности по охране общественного порядка, либо иным гражданам, пресекающим хулиганское поведение.

Хулиганство признается совершенным по ч. 3 ст. 277 УК, если оно:

- а) совершено повторно или опасным рецидивистом;
- б) сопряженно с демонстрацией, угрозой применения или применением огнестрельного оружия;
- в) совершено во время массовых мероприятий;
- г) связано с сопротивлением представителю власти или общественности, выполняющему обязанности по охране общественного порядка, либо иным гражданам, пресекающим хулиганское поведение.

Как уже было отмечено выше, по ч. 3 ст. 213 УК подлежит квалификации хулиганство, сопряженное с сопротивлением представителям власти либо иному лицу, исполняющему обязанности по охране общественного порядка или пресекающему нарушение общественного порядка. Сопротивление состоит в активном противодействии работникам органов внутренних дел, другим представителям власти, представителям общественных формирований «Махалла посбони» и военнослужащим, выполняющим возложенные на них обязанности по охране общественного порядка, а также иным гражданам, пресекающим хулиганские действия. Такое сопротивление с насилием, не опасным для жизни или здоровья потерпевшего, охватывается ч. 3 ст. 213 УК. Если же при этом было применено насилие, опасное для жизни или здоровья, то оно в зависимости от конкретных обстоятельств должно быть дополнительно квалифицировано по соответствующим статьям УК либо по статьям о преступлениях против жизни и здоровья.

В ст. 277 речь идет о сопротивлении представителю власти либо иному лицу в процессе совершения хулиганских действий. Поэтому сопротивление, оказанное после прекращения хулиганских действий, в частности, в связи с последующим задержанием виновного, не должно рассматриваться как квалифицирующее обстоятельство хулиганства и подлежит самостоятельной квалификации.

Мелкое хулиганство, связанное с сопротивлением представителю власти либо иному лицу, исполняющему обязанности по охране общественного порядка или пресекающему нарушение общественного порядка, также не должно квалифицироваться по ч. 3 ст. 277. Такие действия, в зависимости от конкретных обстоятельств, надлежит квалифицировать по соответствующим статьям УК.

¹ См.: Ратинов А. Р., Рчеулевский А. Ш. О психологической природе хулиганского мотива // Вопросы борьбы с преступностью. Вып. 45. — М., 1987. — С. 36—45.

Когда речь идет о сопротивлении иному лицу, пресекающему нарушение общественного порядка, то действия такого лица должны выражаться не в просьбах и словесных призывах, а в активных формах вмешательства лица, направленных на прекращение хулиганства, включая применение силы¹.

Особо злостное хулиганство — это хулиганство, сопряженное с применением оружия или предметов, используемых в качестве оружия.

Основанием для квалификации преступления по ч. 3 ст. 277 является совершение хулиганства, предусмотренного ч. 1 или 2 этой статьи, но сопряженного с применением оружия или предметов, используемых в качестве оружия. Именно применение оружия или предметов, используемых в качестве оружия, выступает в качестве особо квалифицирующего обстоятельства. Под оружием понимаются устройства и предметы, конструктивно предназначенные для поражения живой цели. Хулиганские действия, квалифицируемые по ч. 3 ст. 277, могут быть совершены с применением как огнестрельного, так и холодного оружия (например, ножи, кастеты). Применение охотничьего, пневматического и газового оружия при совершении хулиганских действий также подпадает под признаки ч. 3 ст. 277 УК. К используемым в качестве оружия при совершении хулиганства следует отнести предметы, специально изготовленные или приспособленные для нанесения телесных повреждений, а также предметы хозяйственно-бытового назначения (нож, топор, отвертка и т. п.), которые применяются виновным в процессе насилия над потерпевшим².

Применение или попытка применения предметов, подобранных на месте преступления, которые не были специально приспособлены для нанесения телесных повреждений, в том числе предметов хозяйственно-бытового назначения, не может рассматриваться как основание для квалификации действий по ч. 3 ст. 277 УК. Под применением оружия и других предметов следует понимать фактическое их использование как средства насилия над потерпевшим, создающего реальную угрозу его жизни или здоровью. Представляется обоснованной квалификация по ч. 3 ст. 277 УК случаев применения оружия и других предметов, повлекших за собой причинение легкого или средней тяжести вреда здоровью. Причинение тяжкого вреда здоровью и убийство потерпевшего из хулиганских побуждений должны быть квалифицированы по статьям УК о преступлениях против жизни и здоровья.

Один лишь факт обнаружения оружия у задержанного хулигана не может признаваться особо квалифицирующим обстоятельством. Это обстоятельство отсутствует также в случаях, когда оружие или предметы, используемые в качестве оружия, применялись для уничтожения или повреждения имущества и это не создавало опасности для жизни и здоровья граждан (например, производство выстрела по электролампам осветительных мачт). Следовательно, моментом окончания данного преступления является фактическое применение оружия или предметов, используемых в качестве оружия. Наступление общественно опасных последствий в виде вреда здоровью или жизни не требуется.

Нет оснований говорить о применении оружия, когда виновный угрожает негодным или незаряженным оружием, демонстрирует оружие без намерения его применять, а равно когда угрожает предметами, имитирующими оружие, если они не используются как средство насилия, опасное для жизни или здоровья.

¹ См.: Рагулин А. В. Уголовно-правовая характеристика хулиганства, связанного с сопротивлением представителю власти или иным лицам // Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с преступностью. Вып. 4, Часть 1. — Иркутск, 2007. — С. 107—116.

² См.: Непринцев А. Камень в руке хулигана — всегда оружие // Российская юстиция. — 2002. — № 2. — С. 55; Рябов Е. В. Об изъятии орудия преступления у хулигана на месте задержания // Закон и право. — 2011. — № 4. — С. 77—79; Платошкин Н. А. Признак вооруженности в составе хулиганства // Военно-юридический журнал. — 2008. — № 5. — С. 30—32.

Убийство, причинение тяжкого или средней тяжести вреда здоровью, совершенные из хулиганских побуждений, надлежит квалифицировать только по ч.2 ст. 97, 104 и 105 УК. Если имеет место реальная совокупность названных преступлений и хулиганств, содеянное квалифицируется по совокупности с хулиганством.

В тех случаях, когда лицо в разное время совершило несколько преступлений, предусмотренных разными частями ст. 277 УК, каждое из совершенных преступлений подлежит самостоятельной квалификации.

Таким образом, квалификация хулиганских действий по различным частям ст. 277 УК возможна лишь в тех случаях, когда преступления совершены в разное время и предусмотрены различными частями указанной статьи.

При отграничении хулиганства от других преступлений следует исходить из содержания и направленности умысла виновного, мотивов, целей и обстоятельств совершенных им действий. Следует отметить, что нанесение оскорблений, побоев, причинение легких или менее тяжких телесных повреждений и другие подобные действия, совершенные в семье, квартире, в отношении родственников, знакомых и вызванные личными неприязненными отношениями, неправильными действиями потерпевших и т. п., должны квалифицироваться по статьям УК, предусматривающим ответственность за преступления против личности. Однако в тех случаях, когда такие действия были сопряжены с очевидным для виновного грубым нарушением общественного порядка и выражали явное неуважение к обществу, их следует квалифицировать как хулиганство.

На наш взгляд, в УК Республики Узбекистан следует ввести самостоятельный состав, — вандализм — антисоциальное явление, представляющее собой бессмысленно жестокое разрушение исторических памятников и культурных ценностей, варварство. Вандализм относится к числу преступлений против общественного порядка и общественной нравственности. Он тесно примыкает к хулиганству и зачастую сопряжен с ним. Таким образом, объектом вандализма и хулиганства является общественный порядок¹. Представляется, что его отражение в уголовном законодательстве будет способствовать охране исторических памятников и культурных ценностей народов Узбекистана.

В заключение необходимо отметить, что при судебном разбирательстве уголовных дел должно всегда быть обеспечено всестороннее и полное исследование обстоятельств по каждому эпизоду предъявленного подсудимым обвинения и выявление всех участников преступления.

Большинство хулиганских действий совершается в состоянии опьянения, поэтому необходимо, чтобы суды всегда признавали, что это обстоятельство отягчает ответственность правонарушителя. При этом важно, чтобы при постановлении приговора суды обсуждали вопрос о применении принудительных мер медицинского характера к хулиганам, подлежащим лечению от алкоголизма либо наркомании.

Не менее важным условием правильного разрешения дела является то, чтобы во всех необходимых случаях решался вопрос о взыскании с виновных средств по возмещению материального ущерба, причиненного преступлением, а также средств, затраченных на стационарное лечение граждан, потерпевших от хулиганских действий.

Выявление судами при разбирательстве дел данной категории причин и условий, способствовавших совершению преступления, будет предупреждать повторное совершение таких действий и послужит улучшению профилактической работы среди населения.

¹ См об этом также: Макаренко М. М. Сравнительный анализ составов вандализма, хулиганства и надругательства над телами умерших и местами их захоронения // Уголовно-правовая охрана личности и ее оптимизация. — Саратов, 2003. — С. 234—236.

2011 йил 22 ноябрь куни ИИВ Академияси Маънавият ва маърифат марказида «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг **«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли асарининг назарий ва амалий жиҳатлари**» мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Унда Академия профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари, Тошкент олий-ҳарбий техника билим юрти, Ёнгин хавфсизлиги олий-техник мактаби, ИИВ Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг ходимлари, тарихчи, сиёсатшунос олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияни ИИВ Академиясининг бошлиғи полковник Ш.Т. Икромов очар экан, ушбу асарни халқимиз ва келажагимиз эгалари бўлган ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш лозимлиги, бу уларни фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий тафаккурини бойитиш, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб ўтди.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Тарихчилар жамияти ва «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди раиси, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор Б. В. Ҳасанов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист С. Остоновлар мустақилликнинг осонлик билан қўлга киритилмаганлиги, бунда Президентимизнинг журъати ва жасорати, ўша машаққатли йилларда оғир синовларни бошидан кечирган, ноҳақлик, адолатсизликдан бардоши тугаб, эртанги кундан умидини узган одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини йўлга қўйишда мамлакат раҳбарининг амалга оширган чора-тадбирлари ҳақида сўзлаб, китобдан тарихий лавҳалар, мисоллар келтирдилар.

Анжуманда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли асарини соҳа ходимлари ўртасида кенг тарғиб қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг 1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Маънавият ва маърифат марказида **«Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари**» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари ходимлари ва тингловчилари ҳамда ИИВ Академиясининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари юридик фанлар номзоди, подполковник М. Т. Турғунов кириш сўзи билан очди.

Мамлакатимизда жадал суръатларда олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотлар шароитида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ошириш, профилактика хизматлари билан фуқаролик институтлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари тадбир давомида кўриб чиқилди. Айниқса, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси ва диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг жамоат тартиби ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашдаги ролини кучайтиришга алоҳида урғу берилди.

Ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим омили эканлиги, шунингдек дастлабки тергов органлари фаолиятининг самарадорлигига эришишда жамоатчилик билан ҳамкорликни такомиллаштириш ҳозирги кунда долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Давра суҳбати қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди ва тадбир сўнггида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорликни такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар белгиланди.